

ISSN 0202—151 X

**O'ZBEKISTONDA
IJTIMOIY
FANLAR**



**ОБЩЕСТВЕННЫЕ
НАУКИ
В УЗБЕКИСТАНЕ**

4-5-2001



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

O'ZBEKISTONDA
IJTIMOIY
FANLAR

2001

4—5

ОБЩЕСТВЕННЫЕ
НАУКИ
В УЗБЕКИСТАНЕ

Издается с мая 1957 г. Выходит по 6 номеров в год

ТАШКЕНТ
ИЗДАТЕЛЬСТВО «ФАН» АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Акад. АН Узбекистана А. Р. МУХАМЕДЖАНОВ (*главный редактор*), акад. АН Узбекистана С. С. ГУЛЯМОВ, акад. АН Узбекистана Н. И. ИБРАГИМОВ, акад. АН Узбекистана И. И. ИСКАНДЕРОВ, акад. АН Узбекистана Х. Р. РАХМАНКУЛОВ, акад. АН Узбекистана Э. В. РТЗЕЛАДЗЕ, акад. АН Узбекистана М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ, акад. АН Узбекистана А. Х. ХИКМАТОВ (*зам. главного редактора*), доктор педагогических наук Ю. Н. АБДУЛЛАЕВ, доктор политологических наук Р. З. ДЖУМАЕВ, доктор юридических наук М. Х. РУСТАМБАЕЗ, доктор юридических наук А. Х. САИДОВ, доктор исторических наук А. У. УРУНБАЕВ, доктор экономических наук Ю. ХОДИЕВ, доктор исторических наук Т. Ш. ШИРИНОВ, Б. И. КНОПОВ (*ответственный секретарь*).

*Адрес редакции: 700047, Ташкент, ул. академика Я. Гулямова, 70.
Телефоны: 136-73-29, 4-83.*

© Издательство «Фан» Академии наук Республики Узбекистан, 2001 г.

Редакторы *Ю. Парпиева, Б. Кнопов*
Технический редактор *Л. Тюрина*

Регистр № 00114. Сдано в набор 8.11.2001. Подписано к печати 11.12.2001. Формат 70×108^{1/8}.
Гарнитура литературная. Печать высокая. Бумага типографская. Усл. печ. л. 9.10. Уч.-изд.
л. 9.0. Тираж 265. Закзз 56.

Издательство «Фан» АН РУз: 700047. Ташкент, ул. акад. Я. Гулямова, 70.
Типография Издательства «Фан» АН РУз: 700170. Ташкент, ул. акад. А. Абдуллаева, 79.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ҲАМ ҲАММИНИНГ БАҒИШЛАНГАН ТАНАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Бугун юртимизда яшаётган барча инсонлар, бутун ўзбек халқи учун ҳаяжонли ва қувончли кун.

Мана шу қутлуғ айёмда сиз, азиз юртдошларимни Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллик санаси билан чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Озод ва эркин яшаш учун машаққатли ва аёвсиз кураш олиб борган, қанча-қанча тўфон ва синовларни, зулм ва қатағонларни бошидан кечирган, не-не қурбонлар берган ўзбек халқи учун бу муқаддас айём — йиллар ўтар, асрлар ўтар — абадий сақланиб, энг буюк, энг азиз сана бўлиб қолажак.

Бугун биз мустабид тузум ва қарамлик исканжасидан халос бўлиб, ўз қадр-қимматимиз, муқаддас динимиз, тилимиз ва қадриятларимизни қайта тиклаб, иймон-этиқодимизга суюниб, ягона халқ ва миллат бўлиб, ХХІ асрга дадил қадам қўймоқдамиз.

Тарихан жуда қисқа бўлган ўн йиллик даврда ҳаётимизни янгилаш, демократик адолатли давлат ва фуқаролик жамиятининг асосларини яратиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш, юртимизни обод қилиш ва халқаро майдонда обрў қозониш йўлида амалга оширган бунёдкорлик ишларимиз ҳақида бугун ғурур ва ифтихор билан гапиришга ҳақлимиз, десам, бу ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бунинг тасдиғи — қишлоқ ва шаҳарларимиз, бутун юртимизнинг обод қиёфаси, барқарор суръатлар билан ўсиб бораётган иқтисодиётимиз, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, барча миллатларнинг мана шу мўътабар заминда тотув ва баҳамжиҳат бўлиб яшаётганидир.

Бунинг тасдиғи — ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамларимизнинг қалбида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга кучайиб бораётган ишончидир.

Бир сўз билан айтганда, озод Ўзбекистон бугун жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. У янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида олиб бораётган ислохотлари билан, яратувчанлик меҳнати билан, ўзининг мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-этиборини, айтиш мумкинки, ҳавасини ўзига тортмоқда.

Кўпни кўрган, не-не синов ва қийинчиликларни бошидан кечирган, ҳаётнинг барча оғирликларига бардош бериб, йўлидан адашмаган халқимизни ўз олдига буюк вазифа қилиб қўйган озод ва эркин, фаровон ҳаётга эришиш мақсадидан энди ҳеч ким ва ҳеч қачон қайтара олмайди.

Маъруза «Ўзбекистон овози» (2001 йил 1 сентябр) газетасидан олинди.

Бизнинг истиқлол йўлида қўяётган шахдам қадамларимиз дўст-биродарларимизни қувонтириб, бизни кўролмайдиган, эришган ютуқларимизга ҳасад билан қарайдиган, танлаган йўлимиздан қайтаришга уринаётган ганимларимиз учун — улар буни хоҳлайдими, йўқми, бундан қатъи назар — аччиқ ҳақиқат бўлиши даркор.

Азиз юртдошларим!

Бугун барчамиз шуни яхши англаб олмоқдамизки, олдимизга қўйган мақсад ва муддаоларимизга эришиш — буни бошқалар тажрибасидаги кўп-кўп ҳаётий мисоллар асосида кўриш мумкин — ҳеч қачон, ҳеч қаерда осон кечмайди.

Шунинг учун биз бугун ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-маданий соҳаларда олиб бораётган ислохотларимизни доимий ҳаракатга айлантиришимиз ва янада чуқурлаштиришимиз, ҳаётимизнинг негизини ташкил этувчи муҳим принципларга алоҳида эътибор беришимиз керак.

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси — онгу тафаккуримизни замоннинг ўзи талаб қилаётган демократик тараққиёт тамойиллари ва қадриятлари билан бойитиб, уни янги босқичга кўтаришдир.

Лўнда қилиб айтганда, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қадрлаш ва ҳимоялаш, уларнинг моддий ва маънавий манфаатларини диққат-эътиборимиз марказида тутиш, инсоннинг меҳнат қилиб, муносиб даромад олиши, мулкка эга бўлиши, ижтимоий таъминот, жамиятдаги эътиқод ва сўз эркинлигига кафолат бериш каби масалаларни биз учун энг устувор вазифа деб билишимиз даркор.

Энг муҳими, бундай имконият ва кафолатларни сўзда эмас, амалий ҳаётимизда татбиқ қилиш ҳозирги кунимизнинг энг мураккаб масаласига айланиб қолганини унутмаслигимиз керак.

Бугун бизнинг йўлимиз — ривожланган демократик жаҳон босиб ўтаётган йўл экан, жамиятимизнинг барча-барча жабҳа ва қатламларида, Амир Темур бобомиз ибораси билан айтганда, адолат деган буюк кучнинг ҳукм суриши, одамларимизнинг эркинлиги ва ташаббусининг очилиши, ҳаётимизда намоён бўлиши учун зарур имкониятларни нечоғли туғдириб беришимизга боғлиқ эканини тушуниб, англаб олишимиз керак.

Эзгу мақсад ва ниятларимизга эришишнинг энг муҳим шarti — бу юртимиздаги тинчлик, осойишталикни сақлаш, бугун авжига чиқаётган террорчилик, диний экстремизм, гиеҳвандлик, ақидапарастлик каби хавф-хатарлардан огоҳ бўлиш, бир сўз билан айтганда, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз кераклигини яна бир бор таъкидлаб ўтишни ўринли, деб биламан.

Азиз ва мўътабар юртдошларим!

Биз кундалик ташвишлар, турли юмушлар билан овора бўлиб, ҳаётнинг қанчалик тез ўтиб кетаётганини баъзан сезмай ҳам қоламиз.

Мустақиллик йили туғилган болаларнинг бугун ўн ёшга, ўша пайтда мактабга борган фарзандларимиз эса ўн етти ёшга тўлиб, умрининг навқирон бир фаслига қадам қўйганини кўриб, одам таъсирланади, жондан азиз ўғил-қизларимизнинг ҳаётга янги орзу ва катта умид, ишонч билан кириб келаётганидан қалби завқу шавққа тўлади.

Шубҳа йўқки, орадан йиллар ўтади, халқимиз ҳаётида ҳали бундан ҳам катта ўзгаришлар рўй беради. Эл-юртимиз янги-янги улкан ютуқларни қўлга киритади, иншооллоҳ.

Биздан кейин келадиган кўп-кўп авлодлар, албатта, мустақилликка эришганимизни ҳаёт мезонлари билан ўлчаб, унга ўз баҳосини беради.

Лекин бугун виждонимиз олдида ҳисоб бериб айтадиган бўлсак, бунга ким қайси кўз билан қарамасин, Ўзбекистон мустақиллиги кўп

минг йиллик тарихимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзил-
диган буюк тарихий воқеа бўлиб қолиши муқаррар.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон инкор этолмайди ва инкор этиш-
га ҳаққи ҳам йўқ.

Муҳтарам ватандошларим!

Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор
она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягонадир. Бу гўзал юрт, бу му-
қаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуг туйғу ҳар бири-
мизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.

Мен бугунги улуг сана, буюк байрам тантанасида мана шундай
мислсиз югуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган, барча қи-
йинчилик ва машаққатларга сабр-тоқат билан бардош берган, белни
маҳкам боғлаб, бир ёқадан бош чиқариб фидокорона меҳнат қилган
олижаноб халқимизга фарзандлик меҳри ва муҳаббати билан таъзим
қиламан.

Аввало, дуоғўй отахонларимизга, мунис онахонларимизга, заҳ-
маткаш деҳқонларимизга, қўли гул ишчиларимизга, илму фан ва ма-
даният намояндаларига, мард ва жасур ҳарбийларимизга, униб-ўсиб
келаётган ўғил-қизларимизга — бутун Ўзбекистон халқига бугунги му-
борак байрам муносабати билан ўзимнинг самимий тилакларимни
билдираман.

Мана шу қутлуг байрам барчамизга муборак бўлсин!

Ўзбекистонимиз истиқлоли абадий бўлсин, дунё тургунча турсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганимизнинг ўзи мададкор бўлсин!

Б. С. ЙУЛДОШЕВ

УЗБЕКИСТОН ФАНИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА: НАТИЖАЛАР ВА КЕЛГУСИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Узбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, жуда кўплаб соҳалар билан бир қаторда илм-фан соҳасига бўлган эътибор ҳам кучайиб, уни янада ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Маълумки, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этишида фаннинг ўрни беқиёсдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши, 1994 йил 7 июлда Республика Фанлар академияси Умумий мажлиси ҳамда 1995 йил 2 ноябрда Фанлар академияси олимлари билан бўлган учрашувларда фундаментал фаннинг, жумладан Фанлар академиясининг мамлакат ривожига катта аҳамиятга эгаллиги тўғрисида фикр билдириб, «Ўзбекистоннинг келажиги тўғрисида ўйлаганимизда, уни Фанлар академиясисиз тасаввур этиб бўлмайди. Академия эса миллат фахри, мамлакат обрў-эътиборининг рамзига айланиши керак... Мамлакатимизда фундаментал тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, узоқни мўлжаллаб, олис истиқбол тараққиётини кўзлаб иш тутиш лозим. Фундаментал фанга умид билан қарашимиз, унга кенг йўл очиб беришимиз даркор»,— деган эди.

Мустақиллик шарофати билан Фанлар академияси ҳам жуда катта имкониятларга эга бўлди. Шунингдек, Фанлар академияси олдига турган муҳим вазифалар — академиянинг мамлакат тараққиётинда фаол иштирокини таъминлаш, унинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ҳамда жаҳоннинг ривожланган давлатлари илмий марказлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, фанни бозор муносабатлари талабларига мослаштириш, фанга хорижий ҳамда республика инвестицияларини жалб этилишини кучайтириш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажариш учун мақсадга йўналтирилган қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда Республикамиз халқи ўз мустақиллигининг қутлуғ 10 йиллигини нишонламоқда. Мустақилликнинг ўтган 10 йили мобайнида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида асрларга тенг келувчи улкан ютуқлар қўлга киритилди. Чунончи, мустақиллик йилларида 300 дан ортиқ янги типдаги таълим муассасалари очилди. Ҳозирги кунда республикада 62 та олий ўқув юрти, жумладан 16 та университет фаолият кўрсатмоқда, 3 минг талаба ва аспирантлар чет мамлакатларда таълим олмоқдалар. Мустақиллик йилларида ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар иштирокида Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Камолиддин Беҳзод ҳамда Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарлари, «Алпомиш» эпоси ва «Авесто» юбилейлари нишонланди.

Мустақилликнинг ўтган 10 йили давомида Фанлар академияси тизимида бир қатор салмоқли ижобий ишлар амалга оширилди. Жум-

ладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 11 ноябрдаги «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-1880 сонли фармонида асосан Хоразм Маъмун академиясининг қайтадан ташкил этилиши республика ижтимоий ва сиёсий ҳаётида, Фанлар академияси ривожига катта воқеа бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан техникавий фанлар бўйича буюк мутафаккир Ал-Хоразмий, ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича буюк шоир ва олим Мирзо Бобур номидаги медалларнинг таъсис этилиши ва бу медаллар билан шу соҳаларда яхши натижаларга эришган олимларни мукофотланиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўтган давр мобайнида Фанлар академияси раҳбарияти томонидан тизимда энг аввало кадрлар сифатини яхшилаш, раҳбар кадрлар малакасини ошириш, уларни жой-жойига қўйиш, фундаментал фанга иқтидорли ёшларни жалб этишга алоҳида аҳамият берилди. Чунончи, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 27 июл Ф-277-сонли фармойиши асосида ЎзР ФА тизими раҳбар ва илмий ходимлари Давлат аттестациясидан ўтказилди.

Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимида олиб борилган илмий тадқиқотлар фундаментал фанни ривожлантириш, мустақиллигимизни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш, халқ хўжалигининг долзарб муаммоларининг ечимларини ижобий ҳал этиш, демократик давлатни шакллантириш ҳамда миллий кадриятларимизни тиклаш ва маънавиятимизни оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Ушбу йилларда амалга оширилган илмий тадқиқотлар асосида фундаментал ва амалий аҳамиятга эга бўлган қатор муҳим илмий натижалар қўлга киритилди ва улар асосан қуйидаги йўналишлардаги долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилди:

физика, математика фанлари соҳасида:

— дифференциал тенгламалар, статистик эҳтимоллар назарияси бўйича янги натижалар олиш;

— ядро физикаси ва активацион таҳлил бўйича тиббий диагностика ва онкология ҳамда геология соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш;

— қаттиқ жисмлар физикаси ва физикавий электроника бўйича республикамиз ҳудудида мавжуд бўлган ресурслар асосида янги материаллар олиш ҳамда энгил саноат, электроника ва электротехника тармоқлари учун ўта сезгир, тезкор қурилмалар яратиш;

техника фанлари соҳасида:

— электроэнергияни тежаш, пахта ва шоли ҳосилини йиғиб-териш машиналарини такомиллаштириш, ерусти ва ерости иншоотларининг зилзилабардошлилигини ошириш ҳамда бошқарув тизимларининг барқарор ишлашини таъминлаш;

кимё ва биология фанлари соҳасида:

— қишлоқ хўжалиги, нефть, газ, кимё саноати ва бошқа соҳаларда янги, самарали, экологик тоза моддалар ва юқори самарали технологияларни тадбиқ этиш;

— қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида янги моддалар ва самарали усулларни қўллаш;

қишлоқ хўжалиги ва ер ҳақидаги фанлар соҳасида:

— пахта, дон экинларининг генетик имкониятларини ўрганиб, уларнинг патоген коллекцияларини яратиш, янги навлар яратиш ва касалликларга қарши кураш усулларини қўллаб, ҳосилдорликни ва маҳсулот сифатини ошириш;

— мавжуд минерал хом ашё базасидан оқилона ва самарали фойдаланишга йўналтирилган янги технологияларни ишлаб чиқиш; ижтимоий-гуманитар фанлари соҳасида:

— узоқ муддатли инвестиция дастурларининг самарадорлигини ошириш, тадбиркорликни иқтисодий рағбатлантириш ҳамда ўтиш даври иқтисодиётининг умумий ва ижтимоий муаммоларининг илмий ечимларини ишлаб чиқиш;

— жамиятимизнинг фалсафий-ижтимоий ва сиёсий-маданий муаммоларини илмий асосда тадқиқ этиш ҳамда Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

— ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихининг илмий асосларини яратиш ҳамда маънавий, маданий, адабий, лисоний ва диний қадриятларни тиклашнинг илмий-назарий асосларини шакллантириш.

Истиқлолнинг ўтган даври мобайнида тизим олимлари томонидан илмий тадқиқотлар натижалари асосида 30 мингга яқин илмий ишлар, жумладан, 500 дан ортиқ монография, 200 дан ортиқ дарслик ва 13 мингдан ортиқ илмий мақола ва тезислар нашр қилинди. Нашр қилинган илмий ишларнинг ўртача 25 фоизи хорижий илмий нашрларда эълон қилинишига эришилди. Ушбу ҳолат академия олимларининг илмий тадқиқот натижалари жаҳон илмий-техника ҳамжамияти томонидан тан олинганлиги ва илмий ишларнинг жаҳон илмий-техника тараққиёт мезонларига мослигидан далолат беради. Шу давр ичида ФА олимлари томонидан 600 га яқин муаллифлик таклифи берилиб, уларга 500 дан ортиқ патент олинди. Ўтган давр давомида Фанлар академияси тизимида илмий натижаларнинг халқ хўжалигига жорий қилишга алоҳида аҳамият берилди. Жумладан, академия бўйича табиий фанларнинг 1000 га яқин илмий натижалари халқ хўжалигига жорий қилинди. Техника ва табиий фанлар бўйича халқ хўжалигига жорий қилинган илмий натижаларнинг салмоқли улуши физика-математика, кимё-технология ҳамда механика, бошқарув жараёнлари ва информатика соҳаларига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 9 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини эркинлаштириш ва самарали ривожланишини таъминлаш тўғрисида»ги 223-сонли қарори Фанлар академияси тизимидаги туб ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосига айланди. Энг аввало таъкидлаш муҳимки, мазкур қарорда Фанлар академиясининг янги Устави ва тузилмасининг тасдиқланиши бу соҳадаги янги йўналишларни белгилаб берди.

Мазкур қарор асосида бошқарув аппаратида самарали иш олиб боришга тўсқинлик қилиб турган Фанлар академияси президиуми, фан соҳалари бўлимлари тугатилиб, уларнинг ўрнига тезкор ишлашга йўналтирилган Фанлар академияси Ҳайъати, фан йўналишлари бўйича вице-президентлар хизмати ҳамда жамоатчилик асосида иш юритувчи янги тузилмалар — Илмий-тадқиқот муассасалари директорларининг кенгаши, вице-президентлар ҳузурида Илмий кенгашлар ташкил этилди. Бундай таркибий ўзгаришлар натижасида Фанлар академияси тизимидаги бошқарувнинг тезкорлиги ҳамда самарадорлигини ошишига эришилди; бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнлари демократиялаштирилди; илмий-тадқиқот муассасалари директорларига илмий ва илмий-ташкилий фаолиятда мустақилликнинг берилиши аҳамиятли бўлмаган муаммоларнинг марказлашган ҳолда ҳал этилиши, боқимандалик, ўз масъулиятини юқори бошқарув органларига юклаш, хўжалик қарорларини қабул қилишдаги сусткашлик каби салбий жиҳатларга барҳам берди ва, ўз навбатида, Фанлар академияси тизимидаги илмий ҳамда илмий-ташкилий фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларига тезкорлик бахш этди.

Республикамызда ФА мухбир аъзолиги институтининг тугатилиши бу борада жаҳон андозаларига ўтишни ҳамда академия барча

аъзоларининг тенг ҳуқуқлигини таъминлади ва келажак сайловларда ёш истеъдодли олимларнинг академия аъзолигига сайланишига тўсиқ бўлган асосий смиллардан бирининг бартараф этилишига олиб келди. Илмий-тадқиқот муассасаларида илмий ходимларнинг 5 табақали лавозим тизимидан 3 табақали тизимга ўтилди. Бу тадбир ходимлар орасида вазифаларни аниқ белгилашга ва улар ўртасида масъулиятни ошишига олиб келди.

2000 йил сентябрь ойида Фанлар академияси тарихида илк бор ФАнинг президенти ва бош илмий котиби Директорлар кенгаши томонидан тавсия этилган номзодлар орасидан муқсбиллик асосида сайланди.

Илмий-тадқиқот муассасаларининг мавжуд илмий-техника базасидан унумли фойдаланиш, илмий салоҳиятни марказлаштириш ва мувофиқлаштириш, илмий тадқиқот мавзу ва йўналтиришларидаги такрорланишларнинг олдини олиш, халқ хўжалиги учун аҳамиятли бўлган маҳсулотларни етказиб бериш имкониятларини кенгайтириш, бошқарув аппаратини сезиларли даражада қисқартириш ва унумсиз харажатларнинг олдини олиш мақсадида кўплаб турдош илмий-тадқиқот муассасаларини, уларнинг бўлимларини бирлаштириш, улар негизида янги тузилмаларни ташкил этиш тадбирлари амалга оширилди. Натижада, «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Кибернетика» институти, «Алгоритм-инжиниринг» институти, «Автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникалари» махсус лойиҳа-конструкторлик бюроси, «Кибернетика» ишлаб чиқариш корхоналари асосида «Замонавий инфор­мацион технологиялар» илмий маркази, Ботаника институти ва Ботаника боғи, Қибрай тажриба-ишлаб чиқариш базаси, Қизилқум чўл станцияси ҳамда ФА Қорақалпоғистон бўлими Ботаника боғи асосида «Ботаника» илмий ишлаб чиқариш маркази, Геология ва геофизика институти, Сейсмология институти, Сейсмология институтининг комплекс экспедицияси ва география бўлими асосида Ер ҳақидаги фанлар илмий маркази ташкил этилди. Шу билан бирга «Биотехнология» марказини ташкил этиш борасида мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.

Фан билан ишлаб чиқариш соҳаларини интеграциялаш борасида илмий натижаларни амалиётга кенг жорий қилиш мақсадида Фанлар академияси вице-президентлари қошида тармоқлараро Кенгашларнинг фаолиятлари йўлга қўйилди. Жумладан, тегишли идоралар (Энергетика вазирлиги, «Ўзфармсан­оат» ДАК, Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги ва бошқалар) билан биргаликда энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш, пахта селекцияси ва янги навларни жойлаштириш, агротехника ва суғориш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини агро­кимё модалари билан таъминлаш, демография ва аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишга қаратилган Кенгашлар ташкил этилди. Маълумот сифатида келтириш мумкинки, ФА институтларида яратилган технологиялар бўйича 2000 йилда 20 турдаги дорилар ишлаб чиқарилган бўлса, 2001—2002 йилларда янги дориларнинг 25 турини, 2003—2005 йилларда 33 турини ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини баҳолашда рейтинг тизими жорий этилди, бунда илмий натижаларни жаҳон фанининг юксак талаблари даражасига мувофиқлиги, бажарилаётган илмий изланишларни мамлакатимиз тараққиётининг долзарб муаммоларини ҳал этишга қаратилганлиги, халқаро илмий ва технологик ҳамкорликни ривожлантириш, ташқи ва ички инвестицияларни жалб қилиш асосий мезон сифатида қабул қилинди. Ўтказилган рейтинг натижалари асосида илмий муассасалар фаолиятида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, илмий-ташкилий фаолиятдаги асосий камчилик

ва муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконияти яратилди. Жумладан, 2000 йилда рейтинг кўрсаткичлари паст бўлган ҳар бир фан йўналиши бўйича 2 тадан илмий-тадқиқот муассасасининг иш фаолияти тўлиқ ўрганилиб, улар фаолиятини яхшилаш борасидаги чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва маълумот сифатида Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Мамлакатимизнинг илмий салоҳияти юқори бўлган минтақаларида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш, долзарб минтақавий илмий-техник муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишни мувофиқлаштириш мақсадида асосий устувор илмий йўналишлари кимё, қишлоқ хўжалиги, сув ва экология, миниэнергетика муаммоларини ўрганишдан иборат бўлган ЎзР ФА Андижон-Наманган илмий маркази ташкил этилди.

Фанлар академияси тизимида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар сифатини ошириш, муайян йўналишдаги илмий тадқиқотлар бўйича мувофиқлаштириш ишларини кучайтириш, илмий ишланмалар даражасини юксалтириш ҳамда эришилаётган натижаларни кенг тарғиб этиш мақсадида бир қатор илмий семинар ва кенгашларнинг фаолияти йўлга қўйилди. Жумладан, мамлакат ёнилғи-энергетика комплексининг барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва шу йўналишдаги илмий ишларни мувофиқлаштиришга қаратилган ФА ҳузуридаги мунтазам фаолият юритувчи «Ўзбекистон энергетикаси ХХI асрда» мавзудаги тармоқлараро семинар; демографик жараёнларда содир бўлаётган ўзгаришлар, келажакда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ижобий ҳал этишга қаратилган ФА Иқтисодиёт институти қошида мунтазам фаолият юритувчи «Ўзбекистонда демографик ривожланишнинг долзарб масалалари» мавзудаги Республика илмий семинари; филологик тадқиқотларни йўналтириш ва экспертизадан ўтказиш, бу соҳадаги амалий ишларни мувофиқлаштиришга қаратилган ФА Ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича вице-президенти ҳузурида «Адабиётшунослик ва адабий танқид» Илмий кенгаши шакллантирилди.

Жаҳон фанидаги энг сўнгги ютуқлардан академия ходимларини хабардор қилиш ва Ўзбекистон фанининг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш мақсадида «Фан ва жамият» мавзусидаги умумакадемик семинар ташкил қилинди. Унинг бир қатор мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг илмий-ҳуқуқий асослари, «Алишер Навоий асарларини чет тилларига таржима қилишдаги муаммолар», «Одам геномининг очилиши», «Астрофизика ва астрономия соҳаларидаги замонавий тадқиқотлар» мавзулари юзасидан илмий маърузалар қилинди.

Утган давр мобайнида Фанлар академияси илмий муассасаларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. 33 та илмий-тадқиқот муассасаси республикамизнинг олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари билан 200 дан ортиқ ҳамкорлик шартномаларини тузди. Ушбу шартномалар доирасида олий таълимнинг 146 та мутахассислиги бўйича 572 нафар магистр, 97 та илмий ихтисослик бўйича 354 нафар илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда академик лицейларда фанларнинг чуқурлаштирилган ўқув дастурларини мувофиқлаштириш ишлари режалаштирилган. Олий таълимнинг ўқув дастурларини мазмунан бойитиш мақсадида 13 дарслик ва 78 та ўқув-услубий қўлланма яратилиши кўзда тутилган. Бу ишлар илмий-тадқиқот муассасаларига иқтидорли ёш мутахассисларни, шунингдек, таълим муассасаларига юқо-

ри малакали ва истёъдодли олимларни узлуксиз равишда жалб қилишга ёрдам беради.

Фанлар академияси ҳамда Италиянинг Триест шаҳридаги Илмий марказ билан биргаликда «Ўзбекистон Фанлар академияси/Учинчи дунё мамлакатлар Фанлар академиясининг Ёш олимлари мукофоти» таъсис этилиши ҳамда 2002 йилдан бошлаб ҳар йили табиий фанлар соҳасидаги ўзбекистонлик ёш олимлар учун 2000 АҚШ доллари миқдоридagi мукофот ажратиб бориш тўғрисида ўзаро келишиб олиниши ҳам диққатга сазовордир.

Фанлар академияси тизимидаги илмий ва муҳандис-техник ходимларнинг меҳнатини моддий рағбатлантириш мақсадида илмий-тадқиқот муассасаларида бюджет маблағларини тежаш ва нобюджет маблағларини жалб қилиш ҳисобига махсус жамғармалар ташкил этилди. Шунингдек, ФА тизимидаги олимларни рағбатлантириш мақсадида «Йилнинг энг яхши илмий иши учун» деб номланувчи 2 та (табиий ва ижтимоий фан соҳалари учун) мукофот жорий этилди. Танлов ғолибларига «Йилнинг энг яхши иши учун» дипломи ҳамда энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорда пул мукофоти топширилади.

Маълумки, кейинги йилларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунга кўра, илмий тадқиқот жараёнларига хорижий инвестицияларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилиб, бунинг натижасида мустақилликнинг ўтган 10 йили давомида Фанлар академиясига 10 млн. АҚШ долларида ортиқ халқаро ташкилотлар ва жамғармалардан грантлар асосида хорижий инвестициялар жалб қилинди.

Айнан хорижий грантларни жалб этиш ҳисобига ФА Асосий кутубхонасида Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб кутубхона ишини юксак даражада замонавий компьютерлаштиришга эришилди. Таъкидлаш жоизки, бундай технологиялар дунёдаги компьютер тармоғига уланган барча кутубхоналарнинг фондларидан фойдаланиш имконини беради.

Замонавий илмий жараёни халқаро алоқа ва ахборотсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ҳозирги кунда ФАнинг Тошкент шаҳрида жойлашган деярли барча илмий-тадқиқот муассасалари ўзаро компьютер тармоқлари орқали алоқа қилиш имконига эга бўлдилар. ФА олимларининг хорижий грантлар бўйича маълумотлар тўғрисида ўз вақтида ва тўлиқ хабардор бўлишларини таъминлаш мақсадида мазкур маълумотларни барча илмий-тадқиқот муассасаларига компьютер тармоқлари орқали етказиш йўлга қўйилди. Грантлар тўғрисидаги маълумотлар келиб тушгандан сўнг узоғи билан ярим кун мобайнида ФАнинг Интернет саҳифасига жойлаштирилади. Шунингдек, ФА раҳбарияти томонидан илмий-тадқиқот муассасаларига, айниқса, ФА минтақавий бўлимларига хорижий грантлар бўйича лойиҳа тайёрлашда доимий равишда услубий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ҳозирда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишларини кучайтириш мақсадида Академия раҳбарлари томонидан ривожланган мамлакатларнинг элчилари, хорижий фондларнинг директорлари билан учрашувлар ташкил этиш, уларни илмий муассасалар фаолияти билан таништириш тадбирларига кенг эътибор қаратилмоқда.

Мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида қўлга киритилган натижаларни санаб ўтар эканмиз, эндиликда Фанлар академияси олдига турган муҳим вазифаларни белгилаб олиш, илмий-ташкилий фаолиятда мавжуд бўлган қатор муаммоларни ҳал қилишга асосий эътиборни қаратиш зарур ҳисобланади. Жумладан, келгусида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш долзарб аҳамият касб этиб, пиро-

вардида академия фаолиятининг янада самарали бўлишига ҳисса қўшади:

— илмий-тадқиқот муассасаларидаги тадқиқот йўналишларини мувофиқлаштириш, илмий-техник базадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида таркибий ўзгаришларни давом эттириш;

— илмий натижаларни халқ хўжалигига тезкорлик билан жорий қилиш юзасидан самарали ташкилий ишларни амалга ошириш;

— интеллектуал мулк бозорини кескин ривожлантириш;

— фанга инвестицияларни кенг жалб қилишни таъминлаш;

— халқаро илмий-техникавий алоқаларни янада ривожлантириш, хорижий грантларда фаол иштирок этиш;

— экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш.

— Фанлар академиясида ёш олимларни қўллаб-қувватлаш ишларини янада жонлантириш. Бу борада асосий мақсади — иқтидорли ёшларни фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларга жалб этиш, уларнинг ишларини замонавий восита ва усуллар билан таъминлаш, ахборот маконига, шу жумладан, «Интернет» тармоғи орқали киришлари учун кенг имкониятлар яратиш, халқаро анжуманларда иштирок этиш ва йирик хорижий илмий марказларда танлов асосида стажировкадан ўтишлари учун молиявий ва бошқа томонлардан кўмаклашишдан иборат бўлган Ёш олимларни қўллаб-қувватлаш фондиди ташкил этиш; хорижий грантлар асосида илмий-тадқиқот муассасаларини Жаҳон компьютер тармоқларига чиқишини таъминлаш ва илмий тадқиқотларни юқори савияда олиб боришга шароит яратиш мақсадида нуфузли хорижий ташкилотлар билан музокаралар олиб боришни кучайтириш.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларнинг ўз вақтида сифатли амалга оширилиши Академия фаолиятини тубдан яхшилаш имкониятини беради. Шу билан бирга олиб борилаётган тадқиқотларнинг илмий-назарий савиясини кўтариш, уларнинг амалий аҳамиятини кучайтиришга ва демакки, Академия салоҳиятини янада мустаҳкамлашга ҳамда унинг нуфузини оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

А. Х. САИДОВ

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ҲАМДА ИСТИҚБОЛЛАРИ

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги жаҳон тарихига ижтимоий дунёқарашда, жаҳон ҳамжамиятининг жўғрофий-сиёсий (геополитик) тузилишида туб ўзгаришлар даври бўлиб кирди. Бир томонда, давлатлар, халқлар ўртасида яқинлашув жараёнлари ва ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит сиёсий ва иқтисодий маконларнинг вужудга келиши, ягона халқаро нормалар, қоидалар ва андозаларга ўтиши, иккинчи томондан, социалистик лагернинг емирилиши, тоталитар тузумларнинг тугатилиши, унитар тизимлар ўрнида ёш мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши бу даврнинг ўзига хос хусусиятидир.

«Тафаккурнинг мафкуравий ақидаларидан холи бўлган, ҳар бир мамлакатнинг ва бутун жаҳон маърифатпарварлигининг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиш шакллари ва йўлларининг хилма-хиллигини кўрсатиб берадиган янги тури ва услубини яратиш зарурати етилди»¹.

¹ Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Тошкент, 1996. 275-бет.

Бу эса ҳар бир мустақил давлатда иқтисодий қурилиш ва демократик ўзгартиришларга мутлақо янги ёндашувлар ва нуқтаи назарларни асослаб бериш муҳимлигини тақозо этди. Ўзбекистонда мустақил миллий демократик давлатчиликни қарор топтиришнинг дастурий қондалари, асосий устуворликлари ва йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримовнинг фундаментал асарлари ва рисолаларида асослаб берилган, маъруза ва нутқларида ривожландирилган ҳамда уларга аниқликлар киритилган.

Мустақил давлатчилик вужудга келишининг ҳуқуқий асослари. Хўш, Ўзбекистонда мустақил миллий давлатчилик сари қачондан бошлаб амалий қадамлар қўйилди? Унинг ғоявий-ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

Эътибор ва эътирофга сазовор жиҳати шундаки, Ўзбекистон собиқ иттифоқ таркибида бўлган пайтларданоқ миллий истиқлол сари Конституция доирасида бир қатор дадил одимлар қўйган. Бу амалий қадамлар хронологик тарзда қуйидагиларда намоён бўлади:

1) 1989 йил, 21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди;

2) 1990 йил, 24 март — Ўзбекистонда Президентлик лавозими таъсис этилди. Конституцияга «Ўзбекистон ССРнинг Президенти» деб номланган махсус боб янги (12¹ — боб) киритилди. Президент давлат бошлиғи деб эълон қилинди;

3) 1990 йил, 24 март — Ислом Абдуғаниевич Қаримов Президент этиб сайланди. Республика сиёсий ҳаётида бундай катта воқеанинг рўёбга чиқиши учун «Марказ»дан ижозат сўралгани йўқ;

4) 1990 йил, 30 март — «Ўзбекистон ССРнинг Давлат мадҳияси тўғрисидаги Қарор қабул қилинди. Мадҳия матни учун Республика танлови эълон қилинди. Эксперт комиссияси тузилди ва комиссиянинг икки ярим йиллик самарали фаолияти натижасида 1992 йилнинг 10 декабрида ҳозирги мадҳиямиз матни тасдиқланди;

5) 1990 йил, 1 ноябрь — ижро этувчи ва фармойиш берувчи ҳокимият тизimini такомиллаштириш ва Конституцияга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида Қонун қабул қилинди. Министрлар Совети Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди. Президент Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлди

6) 1990 йил, 20 июнь — Мустақиллик тўғрисидаги Декларация қабул қилинди. Ушбу Декларация янги Конституцияни ишлаб чиқиш учун асос бўлади, деб эълон қилинди;

7) 1990 йил, 20 июнь — Ўзбекистон Президенти бошчилигида 64 кишидан иборат Конституциявий комиссия тузилди. 1991 йилнинг апрель ойида Комиссиянинг биринчи мажлиси бўлди. Конституция лойиҳасининг бобларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этилди;

8) 1991 йил, 15 февраль — «Ўзбекистон ССРнинг Давлат рамзлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Олий Кенгашининг Қарори қабул қилинди. Байроқ ва Герб чизмалари учун танлов натижаларига кўра Байроқ — 1991 йил 27 ноябрда, Герб — 1992 йил 2 июлда тасдиқланди;

9) 1991 йил, 14 июнь — Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолияти ва хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунлари қабул қилинди;

10) 1991 йил, 22 июль — «Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини Ўзбекистон ССР юрисдикциясига ўтиши тўғрисида» Олий Совет Президиумининг қарори қабул қилинди;

11) 1990 йил, 4 сентябрь — «Республика ёшларини ҳарбий хизматга чақириш ва ҳарбий хизматни ўташни такомиллаштириш тўғрисида»

ва 1991 йил 25 август — Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик комитети ва Ўзбекистонда жойлашган СССР ИИБ ички қўшинларини бевосита Ўзбекистон Президентига бўйсундирилиши ҳақида Президент фармонлари чиқди.

Юқорида санаб ўтилган қарорлар, қонунлар ва фармонлар Ўзбекистоннинг ўз мустақил миллий давлатчилигини барпо этиш йўлида қўйган муҳим амалий қадамларидир.

Бу залворли ишларни амалга оширишнинг бошида Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов турди. Шунинг учун ҳам И. Каримов, ҳақли равишда, мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси ва Ўзбекистон мустақиллиги ғоявий асосларининг яратувчиси ҳисобланади.

Мамлакатимиз халқи учун буюк тарихий сана — 1991 йилнинг 31 августида Олий Советнинг навбатдан ташқари VI сессияси бўлиб ўтди ва унда қуйидаги учта ҳужжат қабул қилинди:

1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Совет Баёноти;

2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисидаги Олий Совет Қарори;

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисидаги Конституциявий қонун.

Шу кундан бошлаб, ҳуқуқий жиҳатдан мустақил ўзбек миллий давлатчилигининг энг янги тарихи бошланди.

Ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди. Ўзбекистон тинч, парламент фаолияти йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди. Бу — халқимизнинг кўп асрлик тарихида буюк воқеадир. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини 1991 йил 29 декабрда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми қатъий тасдиқлади.

Миллий давлатчилик институтларининг шакллантирилиши. Мустақилликка эришган ҳар бир давлат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият барпо этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга интилади.

Ўзбекистон ҳам истиқлолга эришгач, мамлакатни ривожлантиришнинг асосий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда миллий давлатчилик институтларини шакллантирди. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини танлашда аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқди. Теран илдизлари кўп минг йиллик ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган коллективчилик асослари Ўзбекистон халқига тарихан хосдир.

Иккинчидан, Ўзбекистондаги ўзига хос демократик вазият — ғоят муҳим хусусиятлардан бири. Аждодлари қадим замонлардан буён яшаб келган жойларга боғланганлик, кўчиб юришга мойиллиқнинг йўқлиги мамлакат аҳолисининг алоҳида жиҳатидир.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг яна бир хусусияти миллий таркибининг ўзига хослигидир. Мамлакатимизда ўз маданияти ва анъанасига эга бўлган юздан ортиқ миллат вакиллари яшаб турибди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон қулай геостратегик мавқега эга.

Бешинчидан, Ўзбекистонда ислохотларни амалга ошириш йўллари ва ёндашувларини танлашга табиий иқлим шароитларининг ўзига хослиги белгиловчи таъсир ўтказди.

Олтинчидан, Ўзбекистон ўзининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилиш имконини берадиган етарли салоҳиятга эгадир.

Еттинчидан, маъмурий-буйруқбозлик йилларида маълум қадриятларга эга бўлган кишиларнинг муайян ижтимоий онги шаклланганлиги ҳисобга олинди.

Шу санаб ўтилган ўзига хос шарт-шароитлар ҳам алоҳида-алоҳида ҳолда, ҳам биргаликда Ўзбекистон давлатининг ички ва ташқи сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берди².

Ўзбекистон танлаб олган давлатчилик йўли конституциявий асосга эга. Бу йўл мамлакатда истиқомат қилувчи барча аҳоли манфаатларига тўла мос тушади.

Ўзбекистонда миллий давлатчилик ривожланишининг устувор тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ суверен давлат сифатида ўзига хос мустақил тараққиёт йўлини танлаб олди.

Истиқлолнинг илк йилларида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ислохотлар стратегияси ишлаб чиқилди. Бунда тараққий топган мамлакатларнинг бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси, мамлакатимиз бошдан кечирган тарихий синовлар ва уларнинг сабоқлари, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи асос қилиб олинди.

Шу тариқа жаҳонда ўзбек модели деб тан олинган миллий ривожланиш йўлимиз вужудга келди. Бу йўл юртбошимиз томонидан чуқур илмий асослаб берилган жамиятни ислоҳ этишнинг қуйидаги машхур бешта тамойилини қамраб олади:

Биринчиси — иқтисодийнинг сиёсатдан устунлиги тамойили. Бу тамойилга кўра иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Ички ва ташқи иқтисодий муносабатлар мафкурадан ҳоли бўлиши лозим.

Иккинчиси — давлат бош ислохотчи эканлиги тамойили. Яъни давлат ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, янгиланиш ва ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ҳамда уни изчиллик билан амалга ошириши лозим.

Учинчиси — жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги тамойили. Демократик йўл билан қабул қилинган Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим.

Тўртинчиси — кучли ижтимоий сиёсат юритиш тамойили. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда, аҳолини, айниқса, кам таъминланган оилаларни, болалар ва кексаларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим.

Бешинчиси — ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойили. Бозор иқтисодиётига объектив иқтисодий қонунларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда, тадрижий асосда, пухта ўйлаб, босқичма-босқич ўтиб бориш лозим³.

Мазкур тамойиллар мамлакатимизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг асосини ташкил этади ва уларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини изчил жорий этишни таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — демократик-ҳуқуқий давлатчиликни барпо этишнинг ғоявий-ҳуқуқий асоси. Мамлакатимиз давлат мустақиллигига эришгач, янги суверен давлат мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйиш муаммоси юзага келди. Ўзбекистон Президенти мамлакатимиз ўзининг ривожланиш йўлини конституциявий асосда белгилаб олиши зарурлигини бир неча бор таъкидлаганди. «Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири

² Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998. 11—14, 89—100-бетлар.

³ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, 2001. 36—38-бетлар.

кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ»⁴, — деган эди юртбошимиз.

Бизга янги мустақил давлатимизнинг хусусияти, ички ва ташқи сиёсатининг асосий қондалари, умуминсоний қадриятларга, инсон ҳуқуқларига, давлат мустақиллиги принципларига, демократия ва ижтимоий адолат идеалларига содиқлиги акс этган Конституция керак эди.

Янги Конституцияни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги гоя Республикамизнинг 1990 йил март ойида бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Қенгашининг биринчи сессиясидаёқ айтилган эди.

Ўзбекистон Олий Қенгашининг 1990 йил 20 июнда эълон қилинган Мустақиллик тўғрисидаги декларациясида ушбу ҳужжат республиканинг янги Конституциясини ишлаб чиқишга асос бўлиши таъкидланган эди. Уша кунидея Олий Қенгаш Ўзбекистон Президенти бошчилигида Конституциявий комиссия тузди.

Юртбошимиз икки ўзаро боғлиқ муаммони — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини қарор топтириш ва унинг Конституциясини қабул қилиш муаммоларини муваффақиятли ҳал этди.

Давлат мустақиллигига эришилиши ва бунинг Конституцияда қонун йўли билан мустаҳкамланиши — оламшумул воқеа, Президент Ислом Қаримов бошчилигида давлатчилик ва ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган фаолиятнинг энг катта галабаси бўлди. Юртбошимизнинг ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилинган, мантиқий изчил, мукамал стратегияси тараққийларвап ўзгаришлар қилишга қаратилган.

Конституция лойиҳасини тайёрлаш борасидаги барча ишлар Ислом Қаримовнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилди. Лойиҳани тайёрлаш чоғида Осиё, Европа, Америка мамлакатларининг конституциялари ўрганиб чиқилди, у Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқларига оид бошқа халқаро ҳужжатларни инобатга олган ҳолда тайёрланди⁵.

Конституцияни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш жараёни И. А. Қаримовнинг «Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомуснома» бўлганлиги, у «халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини» акс эттириши, унинг «халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсули...»⁶ эканлиги ҳақидаги хулосасининг тўғрилиги ва асосланганлигини тасдиқлайди.

Мамлакатимиз кўп миллатли аҳолисининг хоҳиш-иродаси мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Асосий Қонун Ўзбекистон халқининг руҳини, ижтимоий онгини ва маданиятини акс эттирди. Бизнинг Конституциямиз умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг устунлиги тарафдоридир. Шунинг учун бизнинг ўз йўлимиз Конституцияга асосланади.

Конституцияда қуйидаги мақсадлар қўйилган: ижтимоий йўналишдаги барқарор бозор иқтисодиёти, очиқ ташқи сиёсатга асосланган инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини яратиш. Фақат замондошларимизнинг эмас, балки биздан кейин ўзбек ерида яшайдиган келгуси авлодларнинг ҳам тақдири биз қандай жамият ва давлат қуришимизга боғлиқ.

Америкалик профессор Дональд С. Карлайлнинг «Ўзбекистон ва Урта Осиё: истиқболдаги ўтмиш ва ҳозирги кун» китобида «Қаримов

⁴ Қаримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. 124-бет.

⁵ Қаранг: Саидов А. Жаҳон конституциявий амалиёти ва Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни. Тошкент, 1992.

⁶ Қаримов И. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Тошкент, 1996. 93-бет.

Конституцияси» деб номланган бўлим бор»⁷. Ҳақиқатан ҳам Президент И. А. Каримов мустақил Ўзбекистон Конституциясининг ташаббускори, илҳомчиси ва асосий муаллифидир.

1992 йилги Конституция мустақил Ўзбекистоннинг «ташриф қозоғи»га айланди. У дунё сиёсий харитасида янги демократик давлат—Ўзбекистон Республикасининг мавжудлигини акс эттирмоқда. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Президенти айтганидек, «Ҳеч бир давлат ўзининг Асосий Қонунида давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди»⁸.

Ўзбекистон Конституцияси ўз юридик тарихининг кўп асрлик анъаналарини ва жаҳон конституциявий тажрибасининг принципларини ўзида мужассамлаштирган. Агар янги ўзбек Конституциясини жаҳон конституциявий ривож билан алоқада олиб қарасак, шуни айтиш мумкинки, у дунёда XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ичида қабул қилинган янги, «учинчи» авлод конституциялари қаторига киради⁹.

Ўзбек давлатчилиги тараққиётининг асосий босқичлари. Халқимизнинг миллий давлатчилиги анъаналари, қадриятлари ва менталитетига таянгани, айни вақтда, жамиятни ислоҳ этиш борасидаги дунё тажрибасининг илғор ютуқларига асослангани туфайли халқаро ҳам-жамият томонидан эътироф этилаётган тараққиётнинг ўзбек моделини ҳаётга татбиқ қила бориб, Ўзбекистон давлати истиқлолнинг дастлабки йилларидан то ҳозирги вақтгача ўз тараққиётида икки босқични босиб ўтди. Биринчи босқич — 1991—1995 йиллар оралиғида давр. Иккинчи босқич — 1996 йилдан бошланди ва ҳозир ҳам давом этмоқда¹⁰.

Мустақил ўзбек давлатчилиги тарихини босқичларга бўлишда бошқа ёндашувлар ҳам бўлиши мумкин¹¹.

Ўзбекистонда миллий давлатчилиги ривожланишининг биринчи босқичини мустақил ўзбек давлатчилигининг шаклланиш даври ёки давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш даври, деб аташ ўринлидир.

Биринчи босқичда иккита ҳал қилувчи вазифани бирданига ҳал қилишга тўғри келди. Бу вазифалар:

1. Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;

2. Республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор мунасабатларининг негизларини шакллантиришдан иборат¹².

Ушбу вазифаларни ҳал этиш йўлида биринчи босқичнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат бўлди?

Биринчи хусусият: янги мустақил Ўзбекистоннинг миллий давлатчилиги пойдеворини барпо этиш даври бўлгани билан изоҳланади. Истиқлол бизга миллий давлатчилигимизни тиклаш ва шакллантириш

⁷ Қаранг: Ислоҳ Каримов — янги Ўзбекистон Президенти. Тошкент, 1996. 90-бет.

⁸ Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-том. Тошкент, 1996. 107-бет.

⁹ Қаранг: Ислоҳ Каримов Конституция тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганувчиларга ёрдам). Тошкент, 2001.

¹⁰ Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида//Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998. 185—188, 197—210, 243, 266—271, 311, 324—326, 329—334, 410—412-бетлар.

¹¹ Қаранг: Мирхамидов М. Государственный суверенитет и становление современной узбекской национальной правовой государственности. Ташкент, 1999. С. 16; Рахимов Ф. Теоретические и практические проблемы создания демократического правового государства в Республике Узбекистан: Автореф. дис. д. ю. н., Ташкент, 2001. С. 1—3.

¹² Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. 188-бет.

имконини берди. Негаки, миллий давлатчилигимизнинг сўнгги юз йиллик тарихи юртимизнинг Россия империяси таркибига зўрлик билан қўшиб олинishi натижасида узилиб қолган эди.

Иккинчи хусусият: эски маъмурий-буйруқбозлик тизими, унга мувофиқ бўлган давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига барҳам берилди. Хусусан, маъмурий-буйруқбозлик, тўрачилик тизимининг ўзагини ташкил этган, марказдан туриб режалаштириш тизими мустақамлиги ва бузилмаслигининг ифодаси бўлган Давлат режа қўмитаси, Давлат таъминот қўмитаси, Давлат нарх қўмитаси, Давлат агросаноат қўмитаси ва шуларга ўхшаш бошқа Давлат қўмиталари ва вазирликлари ҳамда жуда катта маъмурий аппаратлар тугатилди¹³.

Учинчи хусусият: янги миллий мустақил давлатчиликнинг конституциявий, сиёсий-ҳуқуқий асослари, янги давлат органлари тизими яратилди.

Тўртинчи хусусият: Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Ўзбекистон Конституциясида мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти тарзида ташқи сиёсатни ўз манфаатларини кўзлаб белгилаши, халқаро ташкилотларга, ялпи хавфсизлик тизимларига, давлатлараро тузилмаларга кириш ҳуқуқига эга эканлиги мустақамлаб қўйилган. Бу мамлакатимиз давлат суверенитетини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлганлиги тасодифий ҳол эмас¹⁴.

Бешинчи хусусият: Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли танлаб олинди. Ривожланишнинг машҳур бешта тамойили ишлаб чиқилди.

Олтинчи хусусият: жамият ислоҳотларнинг биринчи босқичидан цивилизациялашган, инсон сари йўналтирилган бозор иқтисодиётини маънавият, ахлоқийлик ва маданиятнинг мустақам пойдеворига қуриш зарур деган хулоса чиқарди¹⁵.

Еттинчи хусусият: Кўп миллатли жамиятимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувлик сақланганлиги мустақил Ўзбекистоннинг бунёд бўлиши ва ривожланишининг биринчи, бошланғич босқичида қўлга киритилган энг асосий ютуқ бўлди¹⁶.

Йўлбошчимиз таъкидлаганларидек: «Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ўз давлатчилигини қўлга киритиш, миллий ва ижтимоий озодликка эришиш ҳеч қаерда энгил ва осонликча бўлмаган»¹⁷.

Албатта, Ўзбекистонда ҳам мустақил миллий давлатчилигининг шаклланиш даври бўлган биринчи босқични амалга оширишда муайян қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди.

Бу қийинчиликларни қуйидаги тартибда таснифлаш мумкин:

Биринчидан, янги миллий давлатчиликни барпо этиш ҳамда бир вақтнинг ўзида кенг кўламли сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан боғлиқ ички қийинчиликлар:

- бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишдаги қийинчиликлар;
- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммолари;
- ижтимоий кескинликнинг кучайиши;
- масъулиятсиз, қалондимоғ, экстремистик кайфиятдаги мухолифат кучларининг ҳаракатлари.

Иккинчидан, ташқи қийинчиликлар:

- Афғонистон ва Тожикистондаги нотинч вазият;

¹³ Уша китоб. 243-бет.

¹⁴ Уша китоб. 267-бет.

¹⁵ Уша китоб. 311-бет.

¹⁶ Уша китоб. 324-бет.

¹⁷ Уша китоб. 9—10-бетлар.

— МДХ доирасидаги муносабатлар — интеграцияни жадаллаштириш ва сиёсийлаштиришга уринишлар;

— ташқи сиёсат бобида тажрибанинг камлиги, мутахассислар тақчиллиги.

Ўтиш даврининг биринчи босқичи ислоҳ қилиш жараёнининг қийинчиликларини, айни вақтда табиий иқтисодий муносабатларни тиклашга ёндашишлар бир хил андазада ва одатий эмаслигини кўрсатди.

Биринчи босқич бутунлай янги иқтисодий тизимнинг ҳуқуқий негизларини яратишга, давлатчиликни шакллантириш ва мустақкамлашга, эскича фикрлаш тарзларини онгимиздан чиқариб ташлашга қаратилган эди. Бу босқичда янги тузум учун ишончли пойдевор яратиш вазифаси қўйилди ва ҳал қилинди¹⁸.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда мустақил миллий давлатчиликни шакллантириш мураккаб шароитларда ана шундай қийинчиликларни енгиб ўтиш эвазига амалга ошди. Айни чоғда, биринчи босқичда миллий давлатчиликни барпо этишда бир қатор муҳим натижаларга эришилди. Бу асосий натижалар қуйидагилардан иборат:

1) эски давлат тизими батамом тугатилди;

2) тубдан янги миллий мустақил давлатчилик тизими яратилди. Бу тизим ҳокимият ваколатларини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги конституциявий принципга асосланган;

3) Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъектига айланди.

Шундан сўнг халқимиз тарихида янги давр бошланди. Биз ўз ривожланишимизнинг янги палласига қадам қўйдик. Иккинчи босқичнинг мақсадлари аниқ-равшан белгилаб олинди. Бу босқичда биз жамиятимизни демократиялаш, демократик адолатпарвар, ижтимоий йўналтирилган, ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган фуқаролик давлатини барпо этиш йўлидан янада олға ва яна ҳам дадилроқ боришимиз даркор¹⁹.

Миллий давлатчилигимиз тараққиётининг иккинчи босқичи ҳам ўзига хос хусусиятлари ва эришилган муҳим натижалари билан ажралиб туради.

Биринчидан, ўзбек миллий Парламенти — Олий Мажлис шаклланди. Миллий Парламентнинг янги таҳрирдаги қонунлар, миллий дастурлар, мутлақо янги кодекс ва қонунларни тайёрлаб қабул қилишдан иборат ўзига хос анъаналари қарор топди.

Иккинчидан, давлат қурилишининг ўзаги бўлмиш кучли Президентлик бошқарув тизими барпо этилди. Ижроия органларининг янги тизими шаклланди.

Учинчидан, тубдан янги суд ҳокимияти тизими яратилди ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари изчиллик билан амалга оширилди.

Тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман), Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази шулар жумласидандир.

Бешинчидан, бу босқичда демократик ислоҳотлар устувор аҳамият касб этди.

Олтинчидан, сиёсий тизимни демократлаштиришга, хусусан, оммавий ахборот воситалари ва нодавлат ташкилотлар фаолиятини кенгайтириш ҳамда эркинлаштириш, жамиятда сиёсий фаолликни

¹⁸ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. 185-бет.

¹⁹ Уша китоб. 412-бет.

ошириш, кўппартиявийлик тизими жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Еттинчидан, халқаро муносабатларда, ташқи сиёсий фаолиятда фаоллик кучайди, ташаббускорлик ортди.

Саккизинчидан, мамлакатда маҳаллий ҳокимият органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари тизими шаклланди, миллий демократик институт бўлиши маҳалланинг мавқеи тикланди.

Ҳозирги вақтда ислохотлар жараёнини давлат-ҳуқуқий жиҳатдан бошқаришнинг яхлит тизими таркиб топди. Бу тизим ҳокимиятнинг ҳамма тармоқларини: президентлик бошқаруви шаклини, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларини ўзида узвий қовуштиради. Бундан ташқари, у ошкоралик, қабул қилинаётган қарорларни очиқ ва кенг кўламда муҳокама қилиш қондаларига қаттиқ асосланади²⁰.

XXI аср бошида Ўзбекистонда миллий демократик ҳуқуқий давлатчиликни ривожлантириш истиқболлари. Шу ўринда, ҳозирги босқичдаги миллий давлатчиликни ривожлантириш тенденцияларига ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Қаримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги дастурамал маърузасида миллий давлатчиликни ривожлантиришнинг еттита асосий йўналиши белгилаб берилган. Маърузада таъкидланганидек, бош стратегик мақсадимиз бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустақкам пойдеворини шакллантиришдан иборат²¹.

Еттита асосий йўналиш ва бу йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар қуйидагиларни ташкил этади.

Биринчи йўналиш — сиёсий соҳада:

Демократлаштириш ва сиёсий ислохотларни амалга ошириш борасида:

— сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш;

— кўппартиявийлик муҳитини қарор топтириш;

— нодавлат тузилмаларни ривожлантириш;

— оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш;

— инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш.

Иккинчи йўналиш — давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида:

— ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципига амал қилишини таъминлаш:

1) Парламент ислохотини амалга ошириш;

2) суд ҳокимиятини такомиллаштириш, ихтисослашув;

— маъмурий соҳадаги ислохотларнинг самарадорлигини кучайтириш.

Бошқарув тизимининг самарали ва яхлит механизмни яратиш;

— кадрларни танлаш тизимини такомиллаштириш.

Учинчи йўналиш — иқтисодиёт соҳасида:

— иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш. Давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини қисқартириш. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;

— хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва мулкдорлар синфини шакллантириш;

— мамлакат иқтисодиётига хориж сармоясини жалб қилиш;

— кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш;

²⁰ Қаримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. 201-бет.

²¹ Қаримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Тошкент, 2000. 331-бет; Саидов А. Ўзбекистон: сиёсий ислохотлар ва демократик институтлар тараққиётининг асосий йўналишлари. Тошкент, 2000.

— мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

— иқтисодийдаги таркибий ўзгаришларни давом эттириш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш.

Тўртинчи йўналиш — маънавий соҳасида:

— миллий қадриятларни тиклаш, маънавий уйғониш, комил инсон маънавиятини юксалтириш;

— миллий мафкурани яратиш;

— ислом дини, динга эътиқодни ўлмас қадрият сифатида қабул қилиш;

— соғлом авлод — давлат сиёсати, умумхалқ ҳаракатини амалга ошириш;

— кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш;

— миллатлараро тотувликни сақлаш, динлараро бағрикенгликни таъминлаш;

— катталарга ҳурмат — ана шундай ноёб инсоний қадриятларни сингдириш.

Бешинчи йўналиш — суд-ҳуқуқ соҳасида:

— қонунлар қабул қилиш режасини аниқлаш;

— қонунлар ижросини таъминлаш;

— суд тизимини ислоҳ қилиш, иқтисослашувни амалга ошириш;

— ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш.

Олтинчи йўналиш — ташқи сиёсат соҳасида:

Ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишлари:

— Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш. Марказий Осиё минтақасида ядро қуролидан холи ҳудудни барпо этиш;

— афғон муаммосини ҳал этиш;

— жаҳон ҳамжамиятига кенг миқёсда интеграциялашув, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш. Қуйидаги давлатлар билан фаол ҳамкорлик амалга оширилади:

— АҚШ;

— Европа давлатлари, Европа Иттифоқи;

— Осиё давлатлари: Япония, Республика Корея, Хитой;

— Россия.

Еттинчи йўналиш — хавфсизликни таъминлаш соҳасида:

— диний экстремизм, халқаро террорчилик, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғларни ноқонуний олиб ўтишга қарши курашиш, чегаралар дахлсизлиги, ҳудудий яхлитликни таъминлаш;

— Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш;

— профессионал армияни шакллантириш, армия, чегара қўшинлари ва ички қўшинларни ривожлантириш;

— давлат чегараларини мустаҳкамлаш;

— террорчиликка қарши кураш бўйича халқаро марказ барпо этиш;

— ҳуқуқ-тартибот органлари тизимини ислоҳ қилиш ва жамоатчилик билан алоқаларни кучайтириш.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий хусусияти унинг барқарорлигида, турли сиёсий оқимларнинг ижобий тарзда ўзаро ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишида, синфий, ижтимоий ва диний белгиларига қараб бир-бирига қарама-қарши турган турли сиёсий гуруҳларга бўлинишнинг йўқлигида намоён бўлмоқда. Юртбошимиз қайд этганларидек, «баъзи бировлар чинакам демократия сиёсий тўқнашувларда туғилади, деб ўйлашади — бу хилдаги фикрларни эшитиб, лол қоласан киши. Ҳатто оддий мулоҳазадан ҳам шу нарса равшан: носоғлом онадан соғлом бола туғилмайди»²².

²² Қаримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. 325-бет.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятида. Юқорида Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъектига айлангани хусусида айтиб ўтилди. Мамлакатимизнинг халқаро ҳуқуқ субъекти эканлиги, ўз навбатида, қуйидагилар билан изоҳланади:

- Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар томонидан тан олинishi;
- дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши ва дипломатик ваколатхоналарнинг очилиши;
- халқаро ва минтақавий ташкилотларга аъзо бўлиш;
- халқаро конференциялар, анжуманлар ишида қатнашиш, кўп-томонлама дипломатияни амалга ошириш;
- икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлик алоқаларини ва икки томонлама дипломатияни олиб бориш;
- халқаро-шартномавий-ҳуқуқий амалиёт, яъни икки томонлама ва кўптомонлама халқаро шартномаларга қўшилиш;
- турли даражаларда сиёсий, экологик, маданий, илмий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалар бўйича халқаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши;
- ички ва ташқи дипломатик ваколатхоналарнинг таъсис этилиши: Ташқи ишлар вазирлиги, олий ўқув юртлари, элчихоналар, консулликлар ва миссияларнинг тузилиши;
- ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;
- Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини: а) глобал; б) минтақавий ва в) икки томонлама даражаларда белгилаш.

Ушбу санаб ўтилган ҳолатларнинг ҳар бири халқаро муносабатларда алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Мисол учун, мустақил давлатнинг хорижий давлатлар томонидан тан олиши билан боғлиқ ҳолатни тарихий бир далил асосида кўриб чиқайлик. XX асрнинг 20-йилларида Франция Президенти Пуанкаре собиқ СССРнинг халқаро ҳамжамият томонидан тан олинишига қарши чиққан. Унинг фикрича, бу мамлакат ноқонуний йўл билан давлатнинг ағдарилиши эвазига ташкил топган. Шу сабабдан, Франция Президенти дунёнинг етакчи давлатларини СССРни тан олмасликка чақирган. Қизиғи шундаки, СССР 1928 йилдан, яъни Миллатлар Лигаси ташкил топган ва турли халқаро форумларнинг сон кўпайганида кейингина Европа давлатлари томонидан аста-секин тан олина бошланган. АҚШ эса уни 1933 йилга келиб эътироф этган. СССРни тан олиш жараёни, ҳаттоки, 1979 йилга қадар давом этган.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида ташкил топиши ўзбек халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш борасидаги қонуний ҳуқуқининг рўёбга чиқишидир. Шу боис, халқимизнинг мустақилликка бўлган иштилишини халқаро жамоатчилик қўллаб-қувватлади. Ёш суверен давлатимиз қисқа фурсат ичида жаҳон ҳамжамиятининг кенг кўламли эътирофига сазовор бўлди.

Истиқлолнинг дастлабки йилидаёқ дунёдаги 125 та мамлакат Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини тан олди. 40 дан зиёд хорижий мамлакатлар билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди²³.

Тошкентда Туркия Жумҳурияти, Америка Қўшма Штатлари, Хиндистон, Франция, Германия Республикаси ва бошқа давлатларнинг элчихоналари очилди. Бошқа хорижий давлатлар билан ҳам дипломатик ваколатхоналарни айирбошлаш тўғрисида музокаралар бошлаб юборилди.

Мустақилликнинг иккинчи йилида Ўзбекистонни жаҳондаги 150 га яқин мамлакат тан олди, 60 давлат билан дипломатия муносабатлари

²³ Қаримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том, Тошкент, 1996. 38-бет.

ўрнатилди. Истиқлолнинг бешинчи йилида эса мамлакатимизни 165 давлат тан олди. Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Тошкентда 35 мамлакатнинг элчихоналари очилди²⁴.

Тарихда илк бор, 1992 йилнинг 2 мартда Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгашнинг Яқунловчи актини имзолаб, Хельсинки жараёнига қўшилди. Мана шуларнинг ҳаммаси мамлакат тараққиётида мазмунан янги босқични бошлаб берди ва тенг ҳуқуқли асосларда халқаро иқтисодий, илмий ва маданий соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиш имкониятини очди.

Эндиликда Ўзбекистон бир қатор етакчи халқаро ташкилотларнинг, нуфузли халқаро иқтисодий ва молиявий бирлашмаларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади.

Миллий давлатчиликни ривожлантириш борасидаги ютуқлар. Ўтган ўн йиллик қисқа вақт мобайнида миллий мустақил давлатчилигимизни вужудга келтириш ва ривожлантириш борасида эришган қўйидаги ютуқларни санаб ўтиш мумкин.

1. Дунё харитасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган янги давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди;

2. Мамлакатда сохта ғоя, маъмурий-буйруқбозлик асосига қурилган собиқ Иттифоқнинг мустабид тизимига барҳам берилди;

3. Эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг конституциявий, ҳуқуқий ва амалий асосларини яратишга муваффақ бўлдик;

4. Ана шу асосда давлат ва жамиятни, иқтисодиётни, молия ва пул муомаласини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда бошқаришнинг янги тизимини барпо этишга киришдик. Жамиятда янги маънавий ва ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги таъминланди;

5. Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва ўрни ошишига хизмат қиладиган, унинг манфаатларига мос келадиган ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг мустақил йўли шаклланди ва изчил амалга оширилмоқда;

6. Мамлакатимизнинг сарҳадлари ва суверенитетини ҳимоя қилишга қодир бўлган янги миллий армия тузилди. Давлатда хавфсизлик ва жамоат тартибни таъмин этувчи мутлақо янги асосдаги тизим яратилди;

7. Тарихий, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг жамиятни маънавий юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти қайта тикланди;

8. Умумий хонадонимизда тинчлик ва барқарорликни таъминладик, миллатларо ва фуқароларо тотувликка эришдик;

9. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси кундан-кунга ўзгармоқда. Иқтисодиёт ва жамиятда шахсий мулк ва мулкдорларнинг, тадбиркорларнинг мавқеи ва ўрни мустаҳкамланмоқда;

10. Одамларимизнинг тафаккури ва ҳаётга муносабати ўзгармоқда. Ўтмиш қолипларидан воз кечган жамиятимиз аъзолари ҳаётдаги ўз ўрнини янгича тасаввур этмоқда, ўз кучига ишончи ортиб бормоқда²⁵.

Ўтган давр мобайнида эришилган ана шу ютуқларнинг замирида, аввало, миллий мустақил давлатчилигимиз асосчиси Ислом Каримовнинг прагматик сиёсати ҳамда ўтиш даврининг асосий тамойил

²⁴ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. 141, 655—656-бетлар.

²⁵ Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, 1999. 7—8-бетлар.

ва устувор йўналишларини шакллантириш борасида амалга оширган жасоратли, оқилона ва залворли ишлари, шунингдек, ҳуқуқий давлат ва демократик жамият пойдеворини ўз қўли билан бунёд этаётган миллионлаб ватандошларимизнинг иродаси, ақл-заковати ва фидокорона меҳнати ётибди.

Демократик жамият — бу, энг аввало, фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократиянинг олий мазмуни — шахслараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришда ноборат. Бунда инсон ва жамият, жавнат ва давлат ҳокимияти тинч-тотув яшайди.

Президентимиз айтганидек: «Ўзбекистон ўзининг кўп асрлик тарихи мобайнида нодир давлатлардан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда»²⁶.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш ўринлики, истиқлол йиллари янги мустақил Ўзбекистоннинг миллий давлатчилиги пойдеворини барпо этиш соҳасида пухта ва жиддий иш олиб борилган давр бўлди. Юқорида қайд этилганидек, давлатчилигимизнинг минг йиллик тарихи Россия империясига зўрлик билан қўшиб олинишимиз натижасида узилиб қолган эди. Фақат мустақилликка эришилгандан кейингина халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланган суверен Ўзбекистон янги давлатчилигини қуриш ва ривожлантиришга киришди.

Бошқача қилиб айтганда, фақат истиқлолгина халқимизга ўз Ватанида ўзини эркин ҳис қилиш, чинакам миллий қадриятларни тиклаш, ўз миллий давлатчилигини шакллантириш имконини берди²⁷.

²⁶ Қаримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. 409-бет.

²⁷ Ўша китоб. 536-бет.

Н. ТУЛАГАНОВА

ЯНГИ ДУНЁВИЙ ТИЗИМНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЕНИ ВА УНДА МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИ ТУТГАН УРНИ

Ҳозирги дунё ўзининг турли томонлари, қисмлари ва бўғинлари ўзаро алоқа ва зиддиятлар бирлиги асосида ҳаракат қиладиган улкан система сифатида намойиш бўлмоқда. Ҳозирги даврнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи тобора чуқур ва кенг ривожланиб бораётган чек-чегарасиз жаҳон илмий-техник инқилоби ҳисобланади. У бутун жаҳон иқтисодий ва маданий маконининг пайдо бўлиши ҳамда дунё миқёсидаги ягона инсоний муштаракликнинг вужудга келишига олиб боради.

Икки минг йиллик оралиғида дунё чуқур ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Бу инсониятнинг бутун турмуш тарзини сифат жиҳатидан ўзгартириб юборади. Иқтисодиётдаги ва жамиятнинг ижтимоий таркибидаги жиддий ўзгаришлар, илмий-техникавий тараққиётнинг асосий йўналишларидаги жиддий қолоқликлар, умумжаҳон ягона ахборот-алмашув маконининг барпо этилиши кишилик цивилизациясининг янги шаклини юзага келишига олиб боради.

Бугун дунёда «жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизм шакллантириш жараёни рўй бермоқда»¹.

¹ Қаримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза. 2000 йил. 22 январ. 8-том. Тошкент, 2000. 332—333-бетлар.

Совуқ урушнинг тугаши билан жаҳон ҳамжамиятини халқаро муаммоларни биргаликда ва адолатли ҳал қилиш йўлида бирлаштириш, шу асосда жаҳон ҳамжамиятининг ҳар бир аъзоси хавфсизлигини тенг равишда таъминлашга асосланган равишда барча шарт-шароит пайдо бўлган эди.

И. А. Қаримовнинг таъкидлашича, «Совуқ уруш» даври туга-шининг асосий якуни шу бўлдики, инсоният учинчи жаҳон урушидан қутулиб қолишга муваффақ бўлди². Бироқ ҳақиқатда ҳаёг анча мураккаб бўлиб чиқди. Эски зиддиятлар ўрнини янги хавф-хатарлар эгаллади. Утган йиллар мобайнида ўз ечимини топмаган бир қатор муаммолар кескин тус олди. Айрим мамлакатлар ва бутун дунё миқёсида бойлик ва қашшоқлик қутблари тафовутининг кучайиши, атроф-муҳит, аҳоли, кўчиб ўтиш, юқумли касалликларга қарши кураш ва бошқалар билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашуви инсоният олдига ташвиш ва хавотирга тўла мушкул саволни, яъни: инсоният цивилизациянинг шиддатли ривожини назорат қилиш ва ундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишнинг уддасидан чиқа оладими, «минтақавий можароларнинг дунё миқёсида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни чеклашга ва тарқатмасликка бугунги кунда ҳаммамизнинг ҳам ақл-идрокимиз, тажрибамиз ва қатъиятимиз етади-ми»³, деган саволларни кўндаланг қилиб қўйди.

Икки қутб қарама-қаршилиги ўрнига халқаро барқарорлик манфаатларига хизмат қиладиган ҳамкорлик ўз-ўзидан келади, деган умидлар оқланмади. Бунинг устига, куч ишлатиш омили ўз аҳамиятини йўқотмади, фақат ўз йўналишини ўзгартирди холос. Дунё миқёсида, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудига ёпдош минтақаларда ҳам бир қатор кескинлик марказлари пайдо бўлди. Давлатларнинг минтақавий ҳарбий-сиёсий рақобати сақланиб қолмоқда. Шундай вазиятда оммавий қирғин қуролиларини тарқатиш ва уларни етказиб бериш билан боғлиқ муаммолар янгича аҳамият касб этди. Ниҳоят, халқаро терроризм хавфи кескин тус олди.

Мазкур қарама-қаршилиқлар ҳозирги дунё тараққиётининг асосий тамойили бўлган глобаллаштириш шаронтида, айниқса, хавфли қиёфа касб этмоқда. Бундай шаронтда бир нарса аниқ: глобаллаштиришнинг халқаро барқарорликка қарши секин таъсир этувчи ми-нага айланмаслиги учун бутун инсоният манфаатлари йўлида дунёвий жараёнларни биргаликда бошқаришнинг самарали механизмлари яратилиши керак.

Айни вақтда ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳаларда давлатлар ва халқларнинг яқинлашувига замин яратаётган дунё миқёсидаги интеграциялашув жараёни кечмоқда. Бу жараён одамлар орасида бир-бирини тушуниш, ўзаро алоқа ва ишонч туғилишига қатта ёрдам беради ҳамда сиёсат учун жуда муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, бугунги кунда барча давлатлар ва халқлар манфаатларини кўзда тутувчи замонавий дунёвий тартиб зарурлиги шубҳасиз.

Лекин бу борада ҳам тўғри йўналиш бўйича ҳаракатлар мутлақо олдиндан белгилаб олинмаган ёки кафолатланмаган. Халқаро алоқаларнинг янги тизимига ўтиш мураккаб ва давомли хусусият касб этди. Бунда қарама-қарши тамойиллар ва кучлар ўзаро тўқнаш келмоқда.

Афсуски, Фарб давлатлари сиёсатида, хусусан, кейинги икки-уч йилда АҚШ бошчилигидаги энг ривожланган давлатлар чекланган доирасининг устунлигига асосланган дунё тузилмасининг бир қутбли тузишга интилиш кўзга ташланмоқда.

² Қаримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997. 32-бет.

³ Уша асар. 32—33-бетлар.

Ўқосовадаги инқироз дунё тузилмасининг бундай бирёқлама концепциясидан амалга ошириш охир-оқибат нимага олиб келишини яққол намойиш қилди. Бир қутблликка интилиш замонавий талабларнинг бирортасига жавоб бермаслигидан ташқари, дунёдаги мавжуд аҳволни янада кўпроқ беқарорлаштиради, ўзаро ишончсизликни кучайтиради.

Мавжуд воқеликни холисона ҳисобга олиш бу — халқаро муносабатларнинг демократик асосдаги кўп қутбли тизимини барпо этиш ҳисобланади. Табиатда бўлгани каби инсоний цивилизация ҳаётида ҳам унинг яшаши кафолати бўлган ранг-баранглик қонуни амал қилади. Демократик жараённинг муайян шакл ва натижаларига унчалик мос келмаслигига қарамай, алоҳида мамлакатлар ва минтақаларда халқларнинг маъмурий-буйруқбозлик ва мустабилликка асосланган тузумларни тугатиб, ҳақиқий сиёсий плюрализмни таъминлайдиган — ҳокимият органларининг тақсимланиши, миллий-маданий мухторият ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув; иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва индивидуал ҳуқуқ ва эркинликлар; аҳоли фаровонлигининг юқори даражаси, унинг ишончли ижтимоий ҳимоясига асосланган замонавий ривожланган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришга интилишлари оммавий аҳамият касб этди. Албатта, давлатларнинг манфаатлари турли-туман бўлиб, уларни мувофиқлаштириш — муракаб жараён. Лекин бошқа йўл ҳам йўқ. Ҳаммани ва ҳамма нарсани цивилизацияга асосланган ягона андазага солишга уриниш самара бермайди. Барча давлатлар учун бир хилда муҳим бўлган дунёвий жараёнларни бошқаришни такомиллаштириш ва жаҳон миқёсида барқарорликни таъминлаш йўллари биргаликда излаш зарур.

Ҳозир ижтимоий тараққиёт эҳтиёжлари умуминсоний талабларга қараб ўзгарадиган давр келди. Бунда шунинг назарда тутиш лозимки, умуминсоний консенсусни излаш, миллий манфаатларни менсимаслик, ўз мамлакатни қадриятларини ёки мавжуд ҳолатни назарписанд қилмасликни билдирмайди. Ташқи ва ички сиёсатда узоқни кўзлаб иш тутиш жаҳон ҳамжамияти фаолиятининг энг мақбул шаклини излаб топиш, «бировлар ҳисобига яшаш»дан иборат тараққиёт таърифидан воз кечишни билдиради. Ҳозирги кунда инсониятнинг тобора ўсиб бораётган тараққиёти ва ўзини сақлаб қолиш учун ғоят кенг кўламдаги ижтимоий кучларнинг ҳамкорлиги, маданиятли муносабатлар талаб қилинади.

Оламшумул даъватларга муносабат билдиришнинг серқирра механизмларидан фаол фойдаланиш кўплаб замонавий муаммоларни ҳал қилишнинг калити ҳисобланади. Бунда халқаро хавфсизликни таъминловчи асосий куч бўлиб тинчлик ва хавфсизликни сақлашнинг ягона ва кўп жиҳатдан муқобили бўлмаган механизм сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти майдонга чиқиши шак-шубҳасиз. Бу, ўз-ўзидан, БМТнинг тинчлик ўрнатиш билан боғлиқ салоҳиятини кучайтиришни, биринчи навбатда хавфсизлик Кенгашининг мавқеи ва масъулиятини оширишни тақозо қилади.

Бу борадаги кейинги бўғин — бу БМТнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) каби алоҳида минтақалар миқёсида хавфсизликни таъминлаш вазифаларига хизмат қилувчи минтақавий ташкилотлар билан ўзаро муносабатидир. Ниҳоят, система асосида давлатларнинг икки томонлама муносабатлари ётади. Халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва принципларига қатъий риоя этиш бунда таркибий боғловчи бўлиб хизмат қилиши зарур.

Ҳозирда ҳаётнинг ўзи дунё тузилмасининг ана шундай модели жаҳон ҳамжамиятининг умумий эҳтиёжларига энг кўп даражада мувофиқ келишини тобора кўпроқ тасдиқламоқда. Ҳозирги даъватлар ва

таҳдидлар БМТнинг бутун тизими ва механизмларини мураккаб ўзига хосликлар ва истиқболлий режаларга тобора тезроқ мувофиқлаштириш, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга ёндашувнинг янги усуллари ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Бу Ўзбекистон манфаатларига ҳам кўп даражада мувофиқ келадиган мамлакат Президенти И. А. Қаримов ўзининг «Мингйиллик саммити»даги нутқида бунга алоҳида урғу берди⁴. Юртбошимиз БМТнинг ҳозирги замон ҳам минтақавий, ҳам оламшумул муаммоларини ҳал қилишдаги мавқеи ва аҳамиятини ошириш мақсадида уни ислоҳ қилиш билан боғлиқ зарурий чора-тадбирлар ҳақида гапирди ва аниқ таклифлар киритди. Жумладан, БМТ Хавфсизлик Кенгашини босқичма-босқич ислоҳ қилиш вазифасини кун тартибига қўйиш ҳақида гапирди. Кенгашининг доимий аъзолари сони нафақат ривожланган, айти пайтда ривожланаётган мамлакатлар вакиллари ҳисобига кўпайтирилиши лозимлигини таъкидлади. Хавфсизлик Кенгашининг нафақат доимий, балки муваққат аъзолари сонини ҳам ошириш мақсадга мувофиқ деди. Оламшумул ва минтақавий даъватларга фаол муносабат билдиришни таъминлаш мақсадида БМТ Бош котибининг ваколатларини кенгайтириш кераклигини уқтирди. Қуролли можароларни бартараф этиш, зиддиятлар ва жанжалларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари ва механизмларидан самарали фойдаланиш, бунда қарама-қаршилиқлар ечими учун узоқ вақтдан буён давом этиб келадиган «тинчликка мажбур қилиш» механизмларини ҳам ишга солиш масалаларида хавфсизлик Кенгашининг мавқеи ва масъулиятини кучайтириш зарур, деб топди⁵.

Дунёдаги ҳозирги ўзгаришлар Ўзбекистон тарихидаги демократия ва бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ энг оғир, лекин муқаррар бўлган давр билан бир пайтга тўғри келди. Ўзбекистон ҳозир ўз тақдирининг мураккаб чорраҳасида турибди. «Ажойиб замонда яшашни худо кўрсатмасин!» — деган эди хитойлик донишманд Конфуций. Ахир «даврни танламайдилар, балки унда яшайдилар ва ўладилар». Биз ҳақиқатдан ҳам ажойиб замонда — бир даврнинг тугалланиши, иккинчисининг бошланиши чегарасида яшаймиз. Ўзбекистоннинг мавжуд йўллар, ривожланишнинг эҳтимол тутилган муқобилларидан қайси бирини танлаши кўп жиҳатдан сиёсатчиларимизга ва давлатимизда қандай ташқи сиёсат амал қилишига боғлиқ. Мустақил ривожланишнинг бир неча йиллик тажрибаси Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати нафақат дунёвий жараёнларга тенглик асосида муносабат билдириш, айти пайтда ички тараққиёт масалаларини ҳал этишнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилишга йўналтирилганлигини кўрсатади. Бошқача айтганда, бу сиёсат миллий манфаатларни изчиллик билан амалга ошира боришдан иборат улғу мақсадга бўйсундирилган. Бу — давлатимизнинг хавфсизлиги, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ишончли равишда таъминлаш, унинг олға қараб ривожланиши, иқтисоднинг юксалиши учун қулай ташқи шароитни яратиш, фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўз ичига олади⁶.

Айнан шу принциплар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосини ташкил этиб, у биринчи навбатда халқаро майдонда мамлакат манфаатларини қизғин ҳимоя қилишни кўзда тутди. Президент И. А. Қаримов томонидан илгари сурилган давлатимиз ташқи сиёсатининг олти асосий принципи мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти ва унинг халқаро ташкилотлари, бу ташкилотларнинг ва-

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримовнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги маърузаси//Халқ сўзи. 2000 йил. 12 сентябр.

⁵ Уша жойда.

⁶ Қаримов И. А. Озод ва обод Затан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том. 332-бет.

қолати намояндалари билан ҳамкорлигини ривожлантириш асослари бўлиб хизмат қилади. Жумладан, олтинчи принципда: «Ўзбекистон тўла ишонч принциплари асосида ҳам икки томонлама, ҳам кўптомонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш учун, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш учун ҳаракат қилади»⁷, — деб эълон қилинган.

Табиий бойликлари, қулай иқлим шароити, инсон, маориф, илмий, маънавий ва иқтисодий ишлаб чиқариш салоҳияти Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигининг асосий омили ҳисобланади. Ва, албатта, бу ўлканинг қадимий тарихи ва маданияти, унинг жаҳон цивилизациясини ривожига қўшган ҳиссаси, Шарқу Ғарб йўлларининг чорраҳасида, Евроосиё қитъаси ва ҳозирда қайта тикланаётган Буюк Ипак Йўлининг марказида жойлашган республиканинг жуғрофий-стратегик мавқеи ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Республиканинг мустақиллиги, унинг жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари томонидан эътироф этилиши ва кўплаб халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши, бир қанча халқаро битимлар, жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича конвенцияга қўшилиши—Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигининг сиёсий негизи ҳисобланади. Республикадаги барқарор вазият ва унинг ислоҳотлар йўлидан собитқадамлик билан одимлаши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай рия этишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижтимоий ҳимояга йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, жамиятни маънавий жиҳатдан янгилаш, жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувни кўзда тутган сиёсий стратегик мақсадининг аниқ-равшанлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Республика қонунчилик асосларининг муттасил равишда ислоҳ қилиниши ва такомиллашиб бориши, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий жиҳатларини таъминлашга қаратилган қатор қонунлар, фармонлар ва қарорларнинг қабул қилиниши, шунингдек, Ўзбекистон қонунчилигининг тобора халқаро ҳуқуқ меъёрларига яқинлашуви ҳамда халқаро ҳамкорлигининг турли соҳалари бўйича вужудга келадиган у ёки бу муаммоларни ҳал этиш жараёнида халқаро ҳуқуқнинг республика ҳуқуқидан устунлик мавқеига таянилиши—Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини ташкил этади. Бу, жумладан, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигининг турли соҳалари бўйича тузган шартнома ва битимларида, шунингдек, республиканинг ўзи аъзо бўлган халқаро ташкилотлар ишида фаол иштирокида ўз аксини топади.

Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик даражаси ва унинг тобора кенгайиб бориши республиканинг дунёга очиқ сиёсати, халқаро ташкилотларга аъзолиги, жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувининг кучайиши билан белгиланади. Ўзбекистон 800 дан ортиқ кўп томонлама ва икки томонлама шартнома ва битимларни тузган ва 70 дан ортиқ халқаро конвенция ва битимларга қўшилган. Уларнинг энг сўнгиларидан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: инсон ҳуқуқлари умумий Декларацияси, инсон ҳуқуқлари ҳақида Конвенция, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро битим, ирқий камситишларнинг барча шаклларини тугатиш ҳақида Халқаро Конвенция, янги Европа учун Париж Хартияси, ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисида Битим ва бошқалар.

⁷ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 296—297-бетлар.

1992 йилнинг 2 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси БМТ ишида фаол иштирок этиб, унинг тутган йўли, қарорлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон Президенти бу нуфузли ташкилотнинг XX аср сўнггида ўтказилган йиррик форуми — «БМТнинг минг йиллик саммити» ишида иштирок этди. Ҳозирги кунда дунёда терроризм ва экстремизм хавфи кучая бораётганлигидан келиб чиққан ҳолда, «Мингйиллик саммити», табиий, асосий эътиборни хавфсизлик масалаларига қаратди. БМТ Бош Ассамблеясининг 48 ва 50-сессияларида бўлгани каби, И. А. Каримов ўз маърузаларида барчанинг диққатини мазкур муаммоларга жалб этди ва бу салбий ҳодисалар нафақат Ўзбекистон ёки Ўрта Осиё минтақаси, балки бутун дунёга таҳдид солишини таъкидлади⁸. Бу хавф-хатарларнинг манбалари ҳозирда ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон нафақат халқаро ташкилотлар, балки давлат аҳамиятига молик турли мақомдаги қатор ҳукуматлараро халқаро ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда: дунё миқёсидаги (БМТ тизимлари ва БМТдан ташқари тизимлар); қитъалараро (НАТО, ЕХХТ); қитъалар доирасидаги (ЕТТБ, ОРБ); қитъаларнинг бир қисmini ўз ичига олган (ЕИ); минтақалараро (ЭҚО); минтақалар доирасида (МФСН).

Ўзбекистон, шунингдек, яримҳукумат ва ноҳукумат даражасида, яримҳукумат ва ноҳукумат мақомидаги халқаро ташкилотлар (МАИ, МНАН, МААМ, МААСВ, МАНВШ, МТП ва бошқалар) билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлатлараро келишувлар, хусусан, иқтисодий характердаги шартномаларга бирламчи аҳамият беради. Зеро, улар мамлакатдаги барқарорлик, турғун ривожланиш ва миллий хавфсизликни таъминлаш имконини беради, Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик алоқалари тизимига ахборот-алмашув технологик ва коммуникациявий жиҳатдан боғланишига кўмаклашади. БМТнинг бош котиби қўллаб-қувватлаши остида 1995 йилда Тошкентда Ўрта Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишлаб ўтказилган семинар бунинг яққол мисолидир. 1996 йилда эса республика пойтахтида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европада (ЕХХТ) хавфсизлик ва ҳамкорлик мавзусидаги симпозиуми бўлиб ўтди. Симпозиум: «Марказий Осиё: ЕХХТ доирасидаги кенг қамровли хавфсизлик ва минтақавий зиддиятлар» деб аталди. Мазкур симпозиумда минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича давлатлараро мулоқотлар аҳамиятига молик бўлган масалалар кенг муҳокама қилинди. Симпозиум қатнашчиларининг чиқишларида минтақавий хавфсизлик орқали умумий хавфсизликка эришиш ҳақидаги ғоя қўллаб-қувватланди ва ривожлантирилди. Учрашувда муҳокама қилинган хавфсизлик тушунчаси фақат ҳарбий соҳага дахлдор эмас, балки у бевосита ҳар бир мамлакатнинг ички ҳаётига дахлдор деган фикр ҳам алоҳида диққатга сазовор бўлди. Бир ҳолда у — гиёҳванд моддалар савдоси ёки инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш муаммосида, иккинчи ҳолда — иқтисодий ислохотлар даражаси ёки тоифалар турмушининг сифати, учинчи ҳолда — қочоқлар аҳволида намоён бўлади.

Тошкент симпозиуми республика раҳбариятининг ЕХХТ билан ўзаро алоқаларга нафақат Ўрта Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, шу билан бирга, демократик ўзгаришлар ва иқтисодий ислохотлар йўлидан олға юришнинг муҳим кафолати сифатида қарашини яққол кўрсатди.

⁸ Каримов И. А. БМТ Бош Ассамблеясининг 48 сессиясидаги маърузалари. Тошкент, 1995. 22—28-бетлар.

Бундай ёндашув демократик давлатлар ҳамжамияти ва жаҳон иқтисоди билан тадрижий интеграциялашувга асосланган давлат сиёсатини инкор этмайди. Ҳамкорлик ва келажак муаммоларнинг энг мақбул ечимини излаш йўли, келгусида ҳам Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асоси бўлиб қолади.

Давлатимиз босиб ўтган йўлни назардан ўтказар эканмиз, кўплаб халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувдан иборат бошланғич, энг оғир босқич муваффақият билан босиб ўтилганини қайд этиб ўтиш жоиз. Айни пайтда ҳозирги дунё тараққиётини мамлакатимиз тақдир ва вазифаларини ундан ажратмаган ҳолда кенг тарихий истиқбол кўзгусида кўра олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳозирги ўтиш даврида Ўзбекистоннинг халқаро соҳада тутган йўлини қатъий баҳолаш учун зарур белги ҳисобланади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги ва масъулиятли босқичига қадам қўймоқда, жамиятни демократик кадриятларнинг таянч негизлари асосида тадрижий равишда барпо этиш ва давлатчиликни мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда.

С. ШАРАПОВА

О ЗНАЧИМОСТИ ИССЛЕДОВАНИЙ ПО ПРОБЛЕМАМ ДИПЛОМАТИИ СУВЕРЕННОГО УЗБЕКИСТАНА

Рассмотрение международных отношений и их прогнозирование на основе изучения деятельности различных государств является наиболее распространенным, даже доминирующим методом исследований международно-политической науки. Однако в научных работах последнего времени все чаще звучит мнение о «турбулентности» современных процессов в мире, что объясняется увеличением числа негосударственных участников международных отношений и производной от этого сложностью прогнозирования их деятельности¹. По этой причине в науке о международных отношениях было введено новое понятие «актор», которое стало характеризовать любой авторитет, любую организацию, любую группу и даже любого индивида, способного играть определенную роль, оказывать влияние в международных отношениях². Особенно характерен акцент на деятельность негосударственных участников для транснационалистов, которые исходят из учета всевозрастающей роли индивидов в международных отношениях. В то же время нельзя не признать, что до сих пор остается вне сомнений ведущая роль государств как участников международных отношений, на изучение деятельности которых и направлено основное внимание ученых-политологов.

Образование Узбекистана и других новых государств, расположенных в стратегической зоне, затрагивающей интересы многих сил, сделало особенно важным исследование возможной направленности их внешнеполитической деятельности. Именно этим объясняется появление огромного числа работ, посвященных анализу внешней политики государств субрегиона³. Среди них большую часть составляют

¹ См.: Розенау Дж. Меняющиеся индивиды как источник глобальной турбулентности//Жирар М. (ред.). Индивиды в международной политике. М., 1996. С. 99—126; Николсон М. Влияние индивида на международную систему: Размышления о структурах//Там же. С. 126—148.

² Цыганков П. М. Международные отношения. М., 1996. С. 168.

³ Akiner S. Central Asia. New Arc of Crisis?//RUSI. 1993; Dani A. C. New Light on Central Asia. Delhi: Renaissance Publications House. 1993; Gleason G. Common Sovereignty: The Politics of Change in the Central Asian Republics. Boulder:

труды, анализирующие положение в Узбекистане, позиция которого во многом определяет ситуацию в субрегионе. Анализ ее, проведенный учеными других стран, очень интересен, что позволяет посмотреть на проблемы нашей страны глазами других людей. В то же время не все положения этих ученых могут дать реальную картину современной действительности Узбекистана, так как они отражают мнение, сформированное на основе исследования объекта в определенный временной срок, с позиции человека иного менталитета, не знающего местную специфику или знающего, но не впитавшего местную ментальность. Кроме того, подчас эти работы отвечают интересам той или иной страны. С этой точки зрения важное значение имеет взгляд изнутри, который дает внутреннее понимание интересов страны и ее приоритетов.

Картина внешнеполитической активности государства особенно ярко просматривается на базе его двусторонних отношений. В то же время в условиях глобализации и «турбулентности» мира внимания требуют как двусторонние отношения государств, так и их многосторонние связи. Это обусловлено той ролью, которую занимает в современных международных отношениях многосторонний аспект. Признавая за двусторонними отношениями, осуществляемыми посредством посольств, миссий и др., наиболее известную форму дипломатических отношений между государствами, международно-политическая наука, наряду с этой традиционной формой межгосударственного общения, уже давно изучает и другую, получившую название многосторонней, когда в качестве контрагентов выступают более чем два партнера. Нельзя не принимать во внимание и столь важных акторов международной политики, как международные межправительственные организации.

Субъектом многосторонней дипломатии зачастую выступают международные организации. Под этим термином в международно-политической науке понимают «стабильные объединения государств, основанные на международных договорах, обладающие определенной согласованной компетенцией и постоянными органами». Типичным примером многосторонней дипломатии вначале были международные встречи официальных представителей нескольких государств. В XIX в. развертывается деятельность международных организаций. Так, экономические потребности вынудили страны искать общие правила регулирования экономических, торговых, финансовых взаимоотношений, создавать единые стандарты и меры. Структурами, позволяющими находить общие решения, и стали международные организации. Вначале они носили название международных административных союзов и отличались нацеленностью на решение узких проблем экономического плана. Например, Венский Конгресс 1815 г. принял заключительный акт, согласно которому было провозглашено создание первой межправительственной организации — Постоянной комиссии по судоходству по Рейну. Собственно же политические межправительственные организации создаются после первой мировой войны. Первой из них стала Лига Наций.

Westview Press, 1993; Dannreuter R. Creating New States in Central Asia: The Strategic Implications of the Collapse of Soviet Power in Central Asia//Adelphi Papers 288. 1994. P. 3—48; Mesbahi M. (ed). Central Asia and the Caucasus after the Soviet Union: Domestic and International Dynamics. Gainesville: University Press of Florida, 1994; Hunter S. Central Asia since Independence//CSIS. Washington Papers, Centre for Strategic and Studies, Washington DC, June 1996; Gleason G. The Central Asian States: Discovering Independence. Westview series on post-Soviet Republics. Boulder: Westview Press, 1997; McChesney R. Central Asia. Foundations for Change. Darwin Press, 1997.

Одной из отличительных черт современного мира является интенсивный рост многосторонней дипломатической деятельности. Сегодня в мире существует порядка 320 международных организаций. «В основе данного явления лежат рост общемировых проблем, интенсификация межгосударственного общения и расширение функций государств как регулятора общественных отношений. Однако эта тенденция развивалась не за счет сокращения двусторонней дипломатии. Напротив, с увеличением числа новых государств объем деятельности двусторонней дипломатии продолжает расти. Этому способствует и то обстоятельство, что многосторонняя дипломатия включает в себя двусторонние элементы. Но тем не менее соотношение между двусторонней и многосторонней дипломатиями изменяется в пользу последней»⁴.

Поэтому комплексное исследование проблематики многосторонней дипломатии Узбекистана, сферой и объектом активной деятельности которой являются международные межправительственные организации, приобретает особую актуальность в наше время. Это обусловлено большим политическим весом этих организаций, а также потенциалом использования их возможностей для положительного воздействия Узбекистану в его продвижении в русло общечеловеческой цивилизации, поддержки его усилий по обеспечению национальных интересов, решению региональных и иных проблем.

К сожалению, пока монографий, исследующих многосторонний аспект дипломатии Узбекистана, нет. Очевидно, это было обусловлено тем, что до недавнего времени Узбекистан фактически не имел опыта работы в составе универсальных и региональных организаций.

Вместе с тем надо сказать, что вообще вопросам строительства независимого государства, его внешнеполитической деятельности уделяется все большее внимание узбекистанских авторов. При этом огромное значение для исследователей внешней политики современного Узбекистана имеют произведения Президента Республики Узбекистан И. А. Каримова как основополагающие, фундаментальные основы в разработке теории и практики политического действия⁵.

Уже с 1992 г. в республике берут начало научные исследования внешнеполитического направления. Правда, публикации по данной проблематике того года были еще малочисленными и имели преимущественно форму газетных статей или небольших по объему работ⁶, что вполне объяснимо.

В 1993 г. число таких публикаций заметно возрастает, что объясняется усложнением стоящих перед государством задач, осознанием конкретных целей дипломатии и необходимостью ознакомления общественности с существом и содержанием внешнеполитической стратегии. Это статьи непосредственных участников дипломатического строительства нашего государства — С. Сафаева, А. Файзуллаева,

⁴ Дмитричев Т. Ф. Многосторонняя дипломатия США. М., 1981. С. 5.

⁵ Каримов И. А. Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. Ташкент, 1996; его же. Наша цель — свободная и процветающая Родина. Ташкент, 1996; его же. Родина священна для каждого. Ташкент, 1996; его же. По пути создания. Ташкент, 1996; его же. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. Ташкент, 1997; его же. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Ташкент, 1997; его же. Баркамол авлод — Узбекистон тараққийтининг пойдевори. Ташкент, 1997; его же. Хавфсизлик ва барқарор тараққийет йўлида. Ташкент, 1998; его же. Узбекистон буюк келажак сари. Ташкент, 1998; его же. Узбекистан, устремленный в XXI век. Ташкент, 1999; и др.

⁶ Касымов А., Гулин В. Объединение приоритетов//Правда Востока. 1992. 16 янв.; Касымов А., Петрова Л. Внешняя политика Узбекистана в свете концепции ненасилия (Узбекистон ижтимоий-сиёсий тарихининг муҳим муаммолари). Ташкент, 1992.

А. Саидова, С. Иванченко⁷. Они представляют интерес большим объемом фактического материала, освещенным конкретно задействованным лицом, наличием аналитического содержания, раскрывающего некоторые наиболее важные моменты осуществления внешнеполитической деятельности государства.

С 1994 г. начинается новое, современное изучение факторов внешней политики — появляется ряд трудов, подробно анализирующих отдельные ее аспекты уже не в русле традиционной проблематики, а с учетом принципиально новых подходов и решений. В этой связи представляют интерес материалы научно-методической конференции «Актуальные задачи истории Узбекистана», состоявшейся на базе исторического факультета ТашГУ 19—20 января 1994 г.⁸, Республиканской научно-методической конференции по вопросам общественно-гуманитарных и естественных наук, проведенной ИВП при ТашГУ и Центром «Толиб»⁹, Республиканской научно-теоретической и практической конференции «Идеология независимости: истоки, проблемы и пути реализации», организованной информационно-аналитическим журналом «Истикбол» и ИВП при ТашГУ 11—13 ноября 1994 г.¹⁰, межвузовской научной конференции «Проблемы безопасности и прогресса на пороге XXI века», состоявшейся в ТашГИВ 20—21 мая 1998 г.¹¹

Отдельного упоминания заслуживает, с нашей точки зрения, серия публикаций А. Файзуллаева¹². Хотя это газетные статьи, они дос-

⁷ Интервью В. Петрова с С. Сафаевым: Политика должна быть прежде нравственной//Народное слово. 1993. 16 февр.; Саидов А. Узбекистан в мировом сообществе//Народное слово. 1993. 2 марта; его же. Что такое Генеральная Ассамблея ООН//Народное слово. 1993. 3 окт.; Иванченко С. Твердая поступь на мировой арене//Народное слово. 1993. 10 окт.; Файзуллаев А. Узбекская дипломатия: восхождение к трем европейским высотам и вершине ООН: О некоторых итогах внешнеполитической деятельности республики в уходящем году//Народное слово. 1993. 22 дек.

⁸ Пак Д., Хамидходжаев М. Современное социально-экономическое развитие Республики Узбекистан как база ее сближения со странами АТР//Научно-методическая конференция «Актуальные задачи истории Узбекистана» (19—20 января 1994 г.), материалы. С. 60—62; Петрова Л. П. Участие Узбекистана в решении глобальных проблем современности//Там же. С. 70—72; Яфьяева А. Н. Из истории формирования внешней политики независимого государства//Там же. С. 90—92.

⁹ Мачин Г. В. Узбекистан—Россия: широкие горизонты сотрудничества//Респ. науч.-метод. конф. по вопр. общественно-гуманитарных и естественных наук: Тез. докл. Ташкент, 1994. С. 51; Тайлаков Т. Т., Зверева Р. Ю., Лесняк А. П. Экономические аспекты социально-экономической политики центрально-азиатских государств//Там же. С. 124.

¹⁰ Кашинская Л. Ф. Политические и правовые проблемы обеспечения безопасности Республики Узбекистан//Идеология независимости: истоки, проблемы и пути реализации: Тез. докл. Респ. науч.-теор. и практ. конф. (1994, 11—13 нояб.). Ташкент, 1994. С. 10; Кудин А. Н. Военно-политические основы укрепления независимости Узбекистана//Там же. С. 13; Шарифходжаев Ш. Центрально-азиатский союз — путь к мировой интеграции//Там же. С. 74; Бердянцев А. Н., Султанов Н. С. Внешнеполитическая деятельность Республики Узбекистан — основа интеграции в мировую экономику//Там же. С. 82; Абдуллаева Г. З. Экологические аспекты независимости Республики Узбекистан//Там же. С. 88.

С учетом объективной необходимости Закон о собственности ввел, а затем Конституция Республики впервые закрепила в нашем обществе частную собственность как один из необходимых материальных источников развития рыночной экономики. Однако требовалось еще создавать этот источник на деле. Одно дело — законодательное закрепление возможности, другое — ее практическое обеспечение. В этом отношении исключительно важную роль сыграл Закон Республики Узбекистан «О разгосударствлении и приватизации», принятый 19 ноября 1991 г., который на деле способствовал созданию материальной основы развития частной собственности.

² Каримов И. А. Наша высшая цель — независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа // Правда Востока. 2000. 23 янв.

На основании этого Закона глубокому реформированию подверглись имущественные отношения в республике, получили значительный размах меры по ускорению процесса разгосударствления и приватизации, расширению ее масштабов. Были созданы фондовые биржи, начался процесс преобразования средних и крупных государственных предприятий в частные, а именно — акционерные общества закрытого типа перешли в разряд обществ открытого типа. В этой связи Президент Узбекистана И. А. Каримов отметил: «Мы сторонники развития многоукладной экономики, в которой масштабы и доля частной собственности неуклонно должны расти».

Возможность, в соответствии с новым законодательством, равноправного функционирования форм собственности в сфере предпринимательской деятельности способствовала расширению пределов правоспособности физических и юридических лиц, освобождению их от прежних ограничений. Гражданам на праве собственности принадлежит имущество не только для удовлетворения своей личной потребности, как это имело место в прошлом, но и для ведения предпринимательской деятельности; они могут использовать в процессе производства не только собственный труд, но и привлекать в порядке найма труд других лиц, имея для этого на праве собственности необходимые средства производства.

Законы и другие правовые акты выполняют на данном этапе общественного развития важную роль в формировании рыночных отношений, углублении экономической реформы и укреплении правопорядка. Они активно содействуют решению задач строительства демократического общества и государства, основанного на принципах социальной справедливости, способствуют развитию и укреплению экономической системы общества, широкому развитию различных видов форм предпринимательской деятельности в сфере рыночных отношений.

Главная наша стратегическая задача, достижению которой должно способствовать право, остается неизменной — это строительство открытого демократического государства с рыночной экономикой, формирование основ гражданского общества, обеспечение растущего благосостояния народа.

Т. Н. ТОДОРОВА

ВОЗДУШНЫЙ ФЛОТ — СИМВОЛ НЕЗАВИСИМОСТИ УЗБЕКИСТАНА

Десятилетие независимости Республики Узбекистан стало периодом крупных реформ и серьезной реконструкции в транспортном хозяйстве нашей страны и особенно в ее гражданском воздушном флоте. В результате совместных усилий авиапредприятий и компаний, при активной поддержке Президента Республики Узбекистан, в данной отрасли успешно проходит поэтапная реализация долгосрочной программы ее развития. Указание И. А. Каримова: «Авиация — ключ к выходу на мировой рынок»¹, — стало основным тезисом для узбекских авиаторов.

Доставшееся от прошлого наследство — устаревший самолетный парк, несоответствующие мировым стандартам технологии и организационные формы — требовали принятия кардинальных мер по выходу из создавшегося положения. Первые шаги в указанном направлении

¹ Каримов И. А. Узбекистан по пути углубления экономических реформ. Ташкент, 1995. С. 217.

были сделаны с 28 января 1992 г., когда начала свою деятельность НАК (Национальная авиакомпания «Узбекистон ҳаво йўллари»).

После проведения маркетингового анализа и консультаций с ведущими специалистами зарубежных авиакомпаний была выработана собственная модель развития авиаотрасли и определены основные приоритеты: качественное обновление самолетного парка, реконструкция аэропортов и системы воздушного управления, расширение воздушных магистралей как на внутреннем, так и международном уровне; дальнейшее развитие авиастроения; создание собственной системы подготовки высококвалифицированных кадров летно-технического состава и специалистов по авиамаркетингу и менеджменту.

Для координации мероприятий по реализации задуманной программы был создан Совет, в который вошли лучшие специалисты отрасли в лице генерального директора НАК, директоров авиаремонтного завода, авиатехнического комплекса, Главного агентства воздушных сообщений, финансово-экономического и коммерческого департаментов².

Совет принял решение о создании дочерних авиакомпаний, специализирующихся по определенным направлениям: международные, региональные воздушные связи, спецавиарботы и грузоперевозки. Международную авиакомпанию по проблемам эксплуатации самолетов зарубежного образца, выполняющих рейсы в страны Европы, Азии, Америки, возглавил командир авиаотряда «Узбекистан интернейшинэл»³.

В сферу задач региональной авиакомпании вошло обслуживание пассажирских рейсов по странам СНГ и в самом Узбекистане. К этой компании отошли самолеты Ил-86, Ил-62, Ил-114, Ту-154, Як-40. Грузовая авиакомпания была создана для осуществления грузоперевозок на Ил-76 и Ан-12 по всем направлениям.

Помимо этих дочерних предприятий, НАК были зарегистрированы авиафирмы, каждая из которых начала осваивать свою сферу авиарынка, такие, как «Авиапрактика», «Авиаспецмонтаж», «Интернет Сардо сервис»⁴.

Эти мероприятия привели к созданию антимонопольной среды, расширению и росту предложения авиауслуг на воздушном рынке Узбекистана.

Интенсивное развитие международных связей и открытость нашего государства потребовали наращивания объемов воздушных перевозок. Узбекистан наладил тесные контакты более чем с 75 авиакомпаниями мира, среди которых — «Эйр Франс» (Франция), «Люфтганза» (Германия), «Эль Ал» (Израиль), «Ист Лайн» (Россия) и др. Были открыты сначала воздушные магистрали по маршрутам: Ташкент—Лондон, Ташкент—Франкфурт, Ташкент—Дакка⁵. А в последние годы налажены прямые авиасвязи со странами СНГ (Ташкент—Караганда, Ташкент—Киев, Ташкент—Минеральные Воды) и с такими важными партнерами, как Япония (Ташкент—Осака), США, Израиль, ОАР, Малайзия. Ныне действуют уже более 20 международных авиалиний, связывающих нашу страну с мировым сообществом.

Обретение независимости позволило нашей стране укрепить дружеские связи с десятками государств, наладить сотрудничество с правительственными и неправительственными учреждениями. Узбекистан на полноправной основе вошел в состав самых авторитетных между-

² Экономическое обозрение. 1999. № 10. С. 27.

³ Узбекистон ҳаво йўллари. 2000. № 3. С. 44.

⁴ Каримов И. А. Узбекистан по пути углубления экономических реформ. С. 219.

⁵ Там же.

народных организаций, среди которых ИКАО — международная организация гражданской авиации. Республика присоединилась ко многим межправительственным документам: Конвенции для унификации некоторых правил, касающихся воздушных перевозок (1929 г.); Протоколу о поправках к Конвенции 1929 г. (1955 г.), Конвенции о преступлениях и других фактах, совершенных на борту воздушного судна (1963 г.)⁶.

Результаты успешной деятельности узбекистанских авиаторов были отмечены на высоком международном уровне. В 1999 г. НАК «Ўзбекистон ҳаво йўллари» стала обладателем специального диплома МФАБ «За выдающиеся заслуги в области безопасности полетов и продолжительную безаварийную деятельность»⁷.

Особое внимание НАК уделяет региональному развитию авиарынка. Она стала инициатором создания и учредителем «СНГ-альянса». По вопросам стратегического сотрудничества на авиационном пространстве СНГ был создан еще один орган координации — МАК (Межгосударственный авиационный комитет), членом которого с момента его создания стал Узбекистан.

В рамках МАК действует Координационный Совет. Заседания его проходят дважды в год в столицах стран-участниц. В 1999 г. совещание проходило в Ташкенте при участии 25 государств, а в апреле 2001 г. здесь же прошла 20-я сессия Совета МАК, в работе которой приняли участие, помимо ведущих специалистов и руководителей авиапредприятий, главкомы ВВС и ПВО стран СНГ⁸.

Развитие международных и внутренних авиалиний должно обеспечиваться необходимым техническим парком. При активной поддержке правительства Узбекистана было начато обновление парка гражданской авиации. Уже в 1993 г. НАК приобрела первый зарубежный лайнер А-310. Позднее приобретенные на началах финансового лизинга самолеты А-310, «Боинг-767», РJ-85 позволили заменить устаревшие конструкции Ан-24, Як-4П⁹. Первоначально на самолеты западного производства была возложена перевозка пассажиров на международных линиях, но проведенные реконструкции аэропортов позволили в дальнейшем наладить пассажироперевозки и на местных линиях.

Наряду с эксплуатацией самолетов зарубежного производства принимались меры и к выпуску собственных летательных аппаратов. Гордостью узбекистанских самолетостроителей стало освоение производства лайнеров многофункционального использования Ил-114 и Ил-76. Позднее Ил-76 получил положительную оценку экспертов на ведущих авиасалонах мира во Франции и России¹⁰. Выпуск отечественной продукции на единственном в Центральноазиатском регионе самолетостроительном объединении ГАО ТАПОиЧ позволил обеспечить потребности рынка внутренних перевозок. К концу 2001 г. десять машин Ил-114 пополнят парк НАК¹¹. Самолетами Ил-114 и Ил-76 заинтересовались специалисты из Китая, Вьетнама, Казахстана, Беларуси.

Парк гражданской авиации республики проходит базовое и линейное обслуживание на авиаремонтном заводе. В 1993 г. на его базе был создан спец. цех, работники которого после обучения в Герма-

⁶ Хасанбаев Б., Туляганов Л., Разан В. Дорогами Шелкового пути. Ч. I. Ташкент, 1999. С. 105.

⁷ Вечерний Ташкент. 1999. 10 дек.

⁸ Российская газета. 2001. Апрель.

⁹ Ўзбекистон ҳаво йўллари. 2001. № 3. С. 43.

¹⁰ Там же.

¹¹ Там же.

нии и Франции были подготовлены для технического обслуживания зарубежных летательных аппаратов. В 1997 г. на основе этого цеха создан Центр технического обслуживания самолетов западного производства (ЦТАСЗП). Он стал единственным в Центральной Азии исполнителем заказов по ремонту магистральных лайнеров не только Узбекистана, но и России, Кубы, КНДР, Украины, Казахстана, Пакистана¹². Ташкентский авиаремонтный завод имеет хорошие перспективы дальнейшего роста подобных заказов. Такой вывод сделали эксперты, которые провели маркетинговые исследования и подтвердили, что к 2016 г. только в регионе СНГ увеличится количество широкофюзеляжных самолетов с 17 до 81¹³. Примечательно и то, что полностью ЦТОСЗП будет сдан только к 2002 г., но уже сейчас завод осуществляет средний, профилактический и капитальный ремонт самолетов, не прекращая обслуживание Ту-154, Ил-86, Миг-21 всех модификаций и вертолетов Ми-8¹⁴.

Правительство Узбекистана принимает действенные меры для развития инвестиций и поддержания проводимых в авиаотрасли преобразований. Как неоднократно подчеркивал Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов, «за самолетостроением — будущее нашей авиации и Узбекистана»¹⁵.

Привлечение инвесторов позволило осуществить реконструкции международных аэропортов в Ташкенте, Самарканде, Бухаре, Ургенче. Был введен и оснащен новейшим оборудованием Центр управления воздушным движением¹⁶.

В развитии авиарынка республики приняли участие крупные авиаальянсы «Эрбас индастри», «Американ Эйрвейс», фирмы «Сименс», «Трансвик», «Айсел», корпорация «Мицубиси—Мицуи—Шимидзу» и др.¹⁷

Все это способствует повышению роли авиации в экономике нашей страны и успешному вхождению ее в мировое авиасообщество. С обретением независимости появилась возможность разработать и осуществить эффективную стратегию по подготовке собственных кадров воздушного флота — техников, пилотов, авиамаркетологов.

Для данной отрасли по предложению НАК «Узбекистон хаво йуллари», Министерства высшего и среднего образования, ГАО ТАПОиЧ система подготовки высших профессиональных кадров стала осуществляться на базе Ташкентского государственного авиационного института (ТГАИ), Учебного центра ГАО ТАПОиЧ, Учебно-тренировочного центра (УТЦ) и организации содействия обороне РУз (ОСО) «Ватанпарвар».

Именно от уровня образования и профессиональной подготовки кадров во многом зависит успешный прогресс авиации в перспективе; ведь известно, что исторический процесс — постоянно меняющаяся ситуация — и только высококвалифицированные специалисты смогут обеспечить новые подходы и нестандартные решения.

Итак, несмотря на все сложности переходного периода, гражданская авиация Узбекистана не только удержала свои позиции как высокотехнологическая отрасль, но и сумела обозначить определенный рост. И если в 1998 г. объем пассажирских перевозок составлял

¹² Экономический вестник Узбекистана. 1999. № 10. С. 29; Пресстиж. 2000. № 5. 27 июля.

¹³ Узбекистон хаво йуллари. 1998. № 4. С. 37.

¹⁴ Пресстиж. 2000. № 5. 27 июля.

¹⁵ Каримов И. А. Узбекистан по пути обновления экономических реформ. С. 217.

¹⁶ Вечерний Ташкент. 1998. 14 апр.

¹⁷ Там же.

1 млн. 200 тыс.¹⁸, то в 2000 г. было перевезено более 2 млн. человек¹⁹, а также большое количество грузов. Ежедневно совершаются рейсы на внутренних линиях, соединяющих областные центры республики с ее столицей, а линии международного значения позволяют Узбекистану осуществлять перевозки по всему Евразийскому континенту и Тихоокеанскому региону.

Национальная авиакомпания «Узбекистон хаво йуллари» стала надежным гарантом безопасных полетов, а наш воздушный флот — символом независимости Республики Узбекистан — полноправного члена мирового сообщества, активного участника международных авиасвязей.

¹⁸ Узбекистон хаво йуллари. 1998. № 4. С. 41.

¹⁹ Там же. 2001. № 3. С. 44.

С. А. САЛИМОВ

ТОШКЕНТ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ: ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ ОДИМЛАРИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач иқтисодий-ижтимоий ривожланиш сиёсати, ер ости бойликларидан фойдаланиш халқ маънавиятини кўзлаб олиб бориладиган бўлди.

Биринчи навбатда иқтисодиётнинг ривожланиш суръатларини ошириш орқали ижтимоий ҳаёт фаровонлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилди. Бу мақсадга эришиш учун иқтисоднинг таркибини ўзгартириш, давлат тасарруфидаги мулкни хусусийлаштириш, бозор муносабатларини шакллантириш, нархни эркинлаштириш, молия, банк, солиқ, иш ҳақи тўлаш тизимини ислоҳ қилиш, тижорат, суғурта компаниялари, биржалар, аудитор хизматларини ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Савдо-сотиқни ривожлантириш мақсадида шаҳардаги деҳқон бозорларини кенгайтириш улгуржи ва чакана бозорларнинг янгиларини қуриш, эскиларини замонавийлаштириш ишлари олиб борилди.

Бир вақтнинг ўзида саноат корхоналарини техник такомиллаштириш, қўшма корхоналарни ташкил қилиш авж олдирилди. Натижада саноат ишлаб чиқаришни, айниқса унинг озик-овқат, енгил, мебел-созлик, полиграфия, қурилиш материаллари, тиббиёт саноати, кимё ва нефтькимё тармоқлари тез суръатлар билан ривожлана бошлади. «Тошкент шаҳрининг иқтисодий салоҳияти ҳақида гапирганда, деган эди Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримов, — унинг ривожланган саноати мамлакатимиз равнақининг таянч устунларидан бири, деб айтсак муболаға бўлмайди»¹. Тошкент шаҳар бош ҳисоблаш марказининг ҳисобатига кўра, ҳозирда ялпи саноат маҳсулотининг 55 фонзидан кўпини халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ташкил қилади.

Мустақиллик йиллари Тошкент шаҳрининг ўзида 2,5 мингдан ортиқ қўшма корхоналар рўйхатга олинди, улардан 2000 тага яқини ўз фаолиятини муваффақиятли олиб бормоқда. Мустақилликнинг ўн йиллиги йилида қўшма корхоналарнинг таркиби қуйидаги рақамлар билан ифодаланган:

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар сони 609 та,
- қурилиш соҳасида фаолият кўрсатадиганлари 70 та,
- савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 900 тага яқин,

¹ Қаримов И. Халқ ишончи — олий масъулият. Тошкент, 2000. 250-бет.

- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминлаш соҳасида 25 та,
- транспорт хизмати кўрсатиш соҳасида 30 та,
- фан соҳасида 22 та,
- алоқа соҳасида 4 тага яқин,
- моддий техника таъминоти соҳасида 35 та,
- халқ таълими соҳасида 8 та,
- санъат ва маданият соҳасида 20 та (Тошкент шаҳар бош ҳисоблаш марказининг маълумоти, Тошкент шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари, 9 ойлик маълумот, Тошкент. 2001 йил).

Ташкил қилинган қўшма корхоналарнинг энг йириклари амалда мавжуд корхоналар асосида ташкил қилинди. Улар қуйидагилар: «Уртоқ» ҳиссадорлик жамияти асосида (Ўзбек-Югославия ва Ўзбек-Австрия), «Оникс» ХЖда (Италия билан), «Алгоритм» ХЖда (Америка билан) ва х. к. з.

Тошкентда маҳсулотларнинг янги турлари ишлаб чиқарила бошланди. Булар: музлатгичлар, аудио-видео аппаратура, телевизорлар, совутгичлар, насослар, мини пекарнялар учун элаклар, кўтарма кранларнинг янги турлари, компрессорлар, савдо тарозлари, дори-дармонлар, пайпоқлар ва бошқа кўплаб маҳсулот турлари.

Саноат корхоналари ишини яхшилаш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди. Тошкент шаҳар ҳокимиятида маркетинг хизмати ташкил қилиниб, талаб ва таклиф масаласи чуқур ўрганила бошланди:

- бозор конъюнктурасини ўрганиш йўлга қўйилди;
- тайёр маҳсулотни сотиш имкониятларини кенгайтириш чоралари кўрилди;
- республика ҳудудидаги ва ташқаридаги улгуржи бозор ва ярмаркалар ҳамда товар ишлаб чиқарувчи корхоналар билан алоқаларни ўрганиш ишлари амалга оширилди;
- корхоналарни қайта тиклаш ва таъмирлаш, уларни замонавий техника, технология билан жиҳозлаш ишлари кенг ва жадал суръатлар билан олиб бориш йўлга қўйилди.

Тошкент шаҳар иқтисодини ривожлантириш инвестиция фаолиятини кучайтириш ҳисобига жадаллаштирилди. Бу соҳада шаҳар бюджетининг корхона, фирма, компанияларнинг, хорижий инвесторларнинг маблағларидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Инвестиция ҳажми 1997 йили 71,5 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2001 йил 250 млрд. сўмдан ошиб кетди.

Ҳозирги кунда Тошкентда 30 та тижорат банки, Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкидан аккредитациядан ўтган 11 та чет эл сармоядорлари банки (2 та Германия, 2 та Малайзия, Япония, Америка, Покистон, Франция, Швеция, Ҳиндистон, Россия) ва 4 та қўшма банклар фаолият кўрсатмоқдалар.

Барча инвестициялар ҳисобига ҳар йили 45—50 км газ тармоқлари, 60—70 км сув тармоқлари, 65—70 км канализация тармоқлари, 3,0—3,5 км (Тошкент шаҳар бош ҳисоблаш марказининг маълумоти, Тошкент, 2001 йил.) иссиқлик тармоқлари фойдаланишга топширилган.

Молиявий ажратмаларнинг барча манбалари ҳисобидан ҳар йили 450—480 минг квадрат метр уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилмоқда.

1997 йили эски шаҳарни қайта қуриш, ободонлаштиришга катта эътибор қаратилди. Бу ишларга 2,5 млрд. сўм маблағ сарфланиб, бир нечта замонавий, кенг кўчалар очилди. Уларда троллейбус, автобус қатнови йўлга қўйилди.

Қайта қуриш зонасидан кўчирилган оилаларга умумий майдони 113,4 минг квадрат метрли 36 та кўп қаватли, барча коммунал қулай-

ликларига эга бўлган уйлар қурилиб берилди. Айниқса, Сағбон, Ғафур Ғулом, Форобий, Қорасарой кўчаларини обод қилиш ва йўлларни кенгайтириш ишлари тезкорлик билан олиб борилди. 2001 йили Тошкент шаҳар ички халқа йўли (узунлиги 30 км дан ортиқ) қурилиши бошлаб юборилди.

Тошкент шаҳрини замонавий, гўзал шаҳарга айлантириш мақсадида унинг бош режаси қайта кўриб чиқилди. Мустақиллик йилларининг фақат 1992—1997 йилларида 36 та маҳалла гузари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Тошкентда янги ҳайвонот боғи ва барча мавжуд истироҳат боғлари кенгайтирилиб, ободонлаштирилди. Улар ҳудудида замонавий спорт майдончалари, аттракционлар қурилди. Шаҳарда жаҳон талабларига жавоб берадиган ёпиқ ва очиқ теннис кортлари қурилиб ишга туширилди. Теннис соҳасида жаҳон таснифидаги мусобақалар ўтказилмоқда. Мустақиллик йиллари Тошкент шаҳрида кўплаб ноёб иншоотлар қурилди, шу жумладан: Марказий банк, давлат мулк қўмитаси биноси, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Олий Мажлис бинолари, ЮНИТЕЛ фирмасининг офиси, 500 ўринга мўлжалланган 5 юлдузли «Интерконтинентал», «Тошкент-Шератон» меҳмонхоналари, «Асака» банкининг биноси, «Жар» спорт соғломлаштириш комплекси ва бошқалар.

Тошкент шаҳрида мустақиллик йиллари телефон алоқа тармоғи ҳам мисли кўрилмаган суръатларда ривожлантирилди. 1992—2001 йилларида 120 мингдан ортиқ номерлар ишга туширилди, 8 та АТСлар қайта жиҳозланди. Замонавий космос орқали алоқа тармоғи ташкил қилинди. 2001 йилга келиб Тошкент телефон тармоғининг қуввати 500 минг номердан ошиб кетди.

Тошкент аэропорти қайта таъмирланди, кўплаб «Супермаркет»лар, йирик «Отчопар», «Қарвон», «Чорсу» савдо марказлари ишга туширилди. Мустақиллик туфайли шаҳарда кўприклар қуриш, транспорт тугунларини ечиш, 2—3 қаватли йўл ҳаракатини барпо қилиш, янги транспорт воситаларини харид қилиш ишлари ҳам авж олдирилди. «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси қарамоғида ҳозирда 10 та автобус саройлари, 5 та таксомотор парки, 2 та трамвай, 2 та троллейбус, 3 та метро депоси бор. Тошкент метроси 3 та линияга (Чилонзор, Ўзбекистон, Юнусобод) эга, уларнинг умумий узунлиги 36,3 км ва 29 та станцияни ташкил қилади.

Ҳар куни шаҳар транспортида 200 та маршрут бўйича 2,5 млн. йўловчига хизмат кўрсатилади. Шаҳар трамвай тизимининг узунлиги 270 км дан ошиб кетди, троллейбусники — 320 км, автобус маршрутларининг узунлиги 1800 км дан кўп, маршрут таксиники — 280 км.

Тошкент шаҳрида ҳар куни эрталабки «долзарб» пайтда 1120 та автобус, 280 та трамвай, 260 та троллейбус, 85 та кичик автобус ва 700 та енгил такси аҳоли учун хизмат қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимияти шаҳар бюджетининг маблағлари ҳисобидан «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмасига фақат 1997 йилнинг ўзида 75 та автобуслар, шу жумладан 44 таси «Мерседес-Бенс» маркали автобуслар, 18 та трамвай вағони, улардан 5 таси ТАТРА, 30 та троллейбуслар харид қилди.

Мустақиллик туфайли таълим тизими ислоҳ қилина бошланди. 2001 йилга келиб шаҳарда 29 та академик лицей (16 таси янги қурилган), 14 та касб-ҳунар коллежлари, 338 та мактаб, 625 та мактабгача тарбия муассасалари, 6 та университет, 23 та институт ишлаб турибди. Шаҳарда 2001 йил 14 та стадион, 486 та спорт заллари, 34 та сузиш ҳавзалари, 16 та футбол клублари, спорт саройи, 2 та манеж, сув спорти саройи, 96 та теннис майдонлари, голф клуб ва бошқалар фаолият кўрсатмоқдалар.

Шаҳримиздаги театрлар, концерт заллари ҳам таъмирланиб, замонавийлаштирилди. Булар Алишер Навоий номли катта опера ва балет театри, «Туркистон» концерт зали, рус академик драма театри ва бошқалар (Келтирилган барча рақамлар Тошкент шаҳар бош ҳисоблаш марказининг маълумотномасидан олинди).

Шаҳарда 185 та омавий кутубхоналар, 81 та маданият уйи аҳолига хизмат қилмоқда.

Мустақиллик туфайли Тошкент янада гўзаллашди, замонавийлашди. Бу ҳақда мамлакатимиз раҳбари шундай деган эдилар: «Бир сўз билан айтганда кейинги вақтларда Тошкент афсоналардагидек яшариб, бор гўзаллиги ва муҳташамлиги билан мустақил, келажаги буюк давлатга хос ва мос ҳақиқий пойтахт шаҳрига айланмоқда»². Шаҳарнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, спорт соҳаларидаги ҳаёти фаоллашди. Қурилган иншоотлар, шаҳарнинг ободонлашиб нафақат унинг қиёфасини, балки аҳоли онгига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Энг муҳими энди барча ишларни ҳал қилиш ўз қўлимизда. Амалга ошириладиган ишлар фақат халқ фаровонлиги учун амалга ошилади.

Аҳоли манфаатларини амалга оширишга қаратилган яна бир катта миқёсли иш бу «кадрларни тайёрлаш миллий дастур»и ва у тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши. Таълим, тарбия олиш ҳар бир фуқаронинг ва давлатнинг манфаати. Таълим, тарбия, тизимини такомиллаштириб, инсон онгида, жамиятда туб ўзгаришларни амалга ошириш ҳам мақсад, ҳам манфаатдир. «Чунки, деган эди юртбошимиз,— таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир». («Тафаккур», 1998 йил 2-сон, 10-бет.)

Бинобарин таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.

Жамиятни янгилаш, одамлар фикрини ўзгартириш, янгича ўйлаш, янгича ишлаш, таълим-тарбияни ислоҳ қилмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Ислохотларнинг тақдири ва самараси ҳам кадрларнинг билими, тажрибасига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлиқ жавоб беришига тақалиб қолар экан. Юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдири янгича ўйловчи, янгича ишовчи раҳбарларга, мутахассисларга, меҳнаткашларга боғлиқлигини ҳаёт, тажриба яққол кўрсатиб турибди.

Бош мақсадимиз босқичма-босқич бозор иқтисодига кириб бориш, меҳнаткашларнинг шахсий манфаатдорлик механизmidан самарали фойдаланиш. Иқтисодимизни юқори даражада ривожлантириб, аҳолига юқори даражадаги турмуш тарзини яратиш. Бу эзгу мақсад ҳам давлат, ҳам халқ манфаати учун хизмат қилади.

Мақолада изҳор қилинган фикрлардан келиб чиқиб қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Мустақиллик халқимизнинг тақдирини ўзи ҳал қилиш, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маданий соҳалардаги сиёсат халқ манфаатини кўзлаб амалга ошириш, миллий, тарихий, маънавий, маданий, диний кадриятларни тиклаш имкониятини берди.
2. Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ Тошкент шаҳрининг илмий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётининг барча соҳаларида чуқур ислохотлар амалга оширила бошланди. Президент раҳ-

² Каримов И. Уша асар. 250-бет.

- барлигида ва бевосита ташаббуслари билан пойтахтнинг маркази, эски шаҳрини қайта қуриш, ободонлаштириш, йўллар, кўп-риklar қайта қуриш ишлари амалга оширилди. Айнан мустақиллик туфайли бунёдкорлик ишларига кенг йўл очилди.
3. Ҳаётимизни янги маъно-мазмун билан бойитиш, ўзлигимизни англашга, миллий қадриятларимизни, ҳақиқий тарихимизни тиклашга қаратилган эзгу ишлар кенг қўламда олиб борилмоқда.
 4. Ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришларнинг барчаси авваламбор иқтисодиётда рўй бераётган ислохотлар, ундаги таркибий ўзгаришлар, изчил ўсаётган кўрсаткичлар эришилган макро иқтисодий бақарорлик натижасидир. Шаҳримизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларини ошириш учун барча шарт-шароит яратилмоқда.
 5. Тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида 56 та кредит линияси очилиб улар орқали 54,6 млн. АҚШ доллари, 7,5 млн. немис маркаси, 1,4 млн. евро, 18,4 млрд. сўм кредит ажратилди.
 6. Инсон ва унинг фаровонлиги, қадр-қимматини ошириб бориш, ҳар бир фуқаронинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш бош мақсад қилиб белгиланган.

С. Р. РАШИДОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ ВА УЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШДА ОМБУДСМАННИНГ РОЛИ

Бугун муҳим сана — давлатимиз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлар эканмиз шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш йўлида катта муваффақиятларга эришди.

Мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчилик тизими шакллантирилди, жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт тизими ташкил этилди. У ўз таркибига давлат тизимидаги муассасалардан бўлган — Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлисининг Вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ, амалдаги қонунчилик Мониторинги Институти; ҳамда нодавлат ташкилотлар, жумладан, жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази, адвокат ва судлар ассоциацияси ва бошқаларни олади.

Мамлакатимизда демократияни ривожлантириш тажрибаси шуни кўрсатдики, инсон ҳуқуқлари — ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва миллий ҳаёт тушунчасининг ажралмас қисми, унинг жаҳон ҳуқуқий маданияти билан туб боғлангандир.

Мустақиллик инсон ҳуқуқларининг ривожида жамият талабларини белгилаб берди ва аҳоли фаоллигини ўсишида ўз ифодасини топди.

Давлатимиз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, инсон ҳуқуқи ва эркинлиги масалаларига ўз асосий эътиборини қаратди, республикамызда умумий қабул қилинган халқаро ҳуқуқий меъёрларга биноан мамлакат фуқароларининг асосий ҳуқуқларини ва уларнинг ҳимоясини таъминловчи қонуний асослар ва ташкилий тизимларни шакллантириш жараёни фаол олиб борилмоқда.

Асосий қонунимиз бўлган — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанавор равишда эълон қилинган ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат тузиш стратегик масаласи белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси-

нинг Президенти Ислом Қаримов таъкидлаганидек: «...мустақилликнинг биринчи кун, миллий давлатимизни тиклашга киришган дақиқадан бошлаб, биз бутун жаҳонга ўз мақсад ва вазифаларимизни очиқ маълум қилганмиз: «Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат тузиш» йўлини танлаганмиз.

Ўзбекистон Конституциясининг 13-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, унга биноан инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги, маънавий қадр-қиммати ҳамда бошқа даҳлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади»¹.

Конституцияда асосий ҳуқуқ ва эркинликлар ўз аксини топган ва шу билан бирга кўпгина меъёрий ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлар мавжуддир.

Давлатимиз қонунчилиги қабул қилган уч юздан ортиқ қонунлар билан инсонларнинг сиёсий, фуқаролик, иқтисодий, маданий, ижтимоий ва экологик ҳуқуқларини таъминловчи ҳуқуқий асос яратилган. Инсоннинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини тартибга солиш фуқаролик, эътиқод эркинлиги ва диний ташкилотлар, фуқаролар мурожаат ва шикоятлари, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлигини бузувчи қарор ва ҳаракатлар бўйича судга мурожаат қилиш, маълумотлар олиш кафолати, оммавий ахборот воситалари ҳақидаги, жамоат ташкилотлари ҳақидаги, сиёсий партиялар, Президент, Олий Мажлис, маҳаллий ҳокимият органларига сайлов, фуқароларнинг сайланиш ҳуқуқи кафолати, қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамаси, маъмурий жавобгарлик кодекси, жиноий, жиноий-процессуал, жиноий-ижроия кодекслари ва бошқа ҳужжатлар билан бошқариб борилади.

Мустақиллик йилларида сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича кўплаб ишлар бажарилди, айниқса, кўп партиявийликни ривожлантиришни, ошкоралик, сўз ва матбуот эркинлиги, диний эътиқод эркинлиги, ҳуқуқ бирлигини ривожлантиришга шарт ва шароитлар яратилди.

Бугунги кунда фуқаролар сиёсий ҳуқуқ ва эркинлиги, ғоя ва фикрларни хилма-хиллиги ҳамда уларни амалга ошириш давлатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолди: Бу борада бир қатор амалий ишлар амалга оширилаяпти, жумладан, эркин демократик сайловлар ўтказилаяпти; фуқаролар давлат аҳамиятига эга масалаларни ҳал этишда бевосита иштирок этаёптилар, давлат бошқарув идораларининг айрим фаолиятларини фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларига бериш муҳим тадбирлар босқич-ма-босқич амалга оширилаяпти янги жамоат ташкилотлари, шу жумладан, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари юзага келди ва улар амалда тўла-тўқис фаолият кўрсатаёптилар. Буларнинг ҳаммаси — демократияни кўзга кўринарли хусусиятлари, ижтимоий ҳаётнинг янгиланиши муносабатидандир. Республикамызда инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари юздан ортиқ қонунлар билан тартибга солинади. Меҳнат, фуқаролик, фуқаролик-процессуал, хўжалик, хўжалик-процессуал, солиқ, божхона, турар жой кодекслари, хусусий мулк, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолати, ижара, ер, меҳнатни муҳофаза қилиш, суғурта, иш билан таъминлаш, фуқаролар соғлигини сақлаш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, нафақа билан таъминлаш, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш қонунлари шулар жумласидандир.

Қабул қилинган бир қатор қонунлар аҳолининг кам таъминланган табақаларининг ишончли ҳимоя қилинган иқтисодий-сиёсий кафолати бўлди. Чунки, бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим шарт-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, 1999. 13-модда.

ларидан бири этиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда амалий чора-лар кўриш — кучли ижтимоий сиёсат деб эълон қилинган эди.

Бизнинг республикамизда таълим олиш ҳуқуқи, иқтисодий эркинликни таъминлашда хусусан, тадбиркорлик соҳасида ҳам катта ишлар амалга ошириляпти, республикамизда давлат томонидан давлатнинг экологик хавфсизлиги, атроф муҳит хавфсизлиги, фуқаролар маданий ва экологик ҳуқуқини таъминлаш масалаларига катта эътибор берилаяпти ва бу мақсадларга давлат санитар назорати, табиатни ҳимоя қилиш, алоҳида ҳимояга олинган, қўриқланадиган табиат ҳудудлари ўсимликлар карантини, ҳаво атмосферасини ҳимоя қилиш, жониворлар дунёсини, ўсимликлар дунёсини, жисмоний тарбия ва спорт, архив, маданий бойликларни олиб кириш ва олиб чиқиш қонунлари ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислоҳ Қаримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» фундаментал асариди: «Республикада қонунлар яратиш фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг асосий принципларидан бири ички қонунчиликда халқаро ҳуқуқ меъёрларини қабул қилишдир. Бу нафақат бизнинг қонунчилигимизни доимо маълум бир шаклга келтириш, уни умумий қабул қилинган халқаро меъёр ва ҳуқуқларга яқинлаштиришгина бўлиб қолмасдан, балки шу билан бирга республикамиз халқаро меъёрларни бажаришдек мажбуриятни ўз зиммасига олишини»² таъкидлаб ўтгандир.

Ўзбекистон мустақиллик даврида инсон ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоялаш ва таъминлаш бўйича 60 дан ортиқ халқаро шартномаларга қўшилди. Шу кунларда Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқи бўйича бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиши мумкинлиги масаласи бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадига, бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқлилиқ билан ҳамкорлик қилиш учун парламент қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартнома-ри ҳақида» ва «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодиёт фаолияти асосий тамойиллари ҳақида» каби қонунлари катта аҳамиятга эгадир.

Қонуннинг устуворлиги Ўзбекистондаги ислоҳотлар моделига асос қилиб олинган асосий тамойилларнинг биринчисидир ва у ҳуқуқий давлатнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб хизмат қилади. Бизнинг буюк аجدодимиз Амир Темур олтин ҳарфлар билан: «Қаерда қонун ҳукмдор бўлса, ўша ерда эркинлик бор»³ деган доно сўзларни ёзиб қўйишни буюрган. Ўзбекистонда босқичма-босқич фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва бошқаришга қаратилган зарур ҳуқуқий асослар яратилаяпти. Лекин асосий муаммо шундан иборатки, қонунларни ижро этиш амалда етарли даражада олиб борилмаяпти. Негаки, айнан қонунларнинг ижроси ҳуқуқий давлат фаолияти ва ривож-нишининг асосий кўрсаткичидир.

Назорат қилишни кучайтиришда, юклатилган вазифа ва ваколатларни сўзсиз бажаришда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг масъулиятини ошириш зарурлиги ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислоҳ Қаримов Олий Мажлис иккинчи чақириқ биринчи сессияда ай-тиб ўтган эдилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган масаладан келиб чиқиб, Парламент «Республика Олий Мажлиси комиссия ва қўмитала-

² Қаримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997. 282-бет.

³ Уша асар. 280-бет.

рининг қонунчилик ва назорат қилиш фаолиятидаги 2000—2002 йилларга мўлжалланган биринчи вазифалари» тўғрисида қарор қабул қилди. Унга бинонан қонун лойиҳаларини тайёрлашни, қабул қилинган қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш ишлари амалга ошириляпти.

Амалда шу нарса кўриниб турибдики, фуқаролар Конституцион ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамма вақт ҳам кўнгилдагидек эмас, улар кўпинча инобатга олинмайди ва бузилади — бу ҳақда ҳокимият марказий органлари, инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил аппаратига келиб тушаётган хат ва шикоятлар, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар шунга гувоҳлик беради. Фуқаролар ҳақли равишда бюрократизм, амалдорлар эътиборсизлиги, баъзи ношуд бошлиқларнинг ўзбошимчалиги, уларнинг кўпинча белгиланган қондаларга амал қилмаётганлигини танқид қиладилар.

Шу сабабли, ҳозирги даврда республика давлати олдида қонунлар бажарилиши механизмини такомиллаштириш, қабул қилинган қонуний ҳужжатларнинг амалий ижросини текшириш бўйича назоратчилик вазифасини кучайтириш, улар мазмунини республикамизнинг ҳар бир фуқаросига етказиш бўйича тадбирлар ўтказиш каби масалалар турибди, уларни тўғри тушуниш ва амалда қўллаш жамият аъзоларининг ҳуқуқий билимларини оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистонда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш ва риоя этиш амалий механизми муҳим аҳамиятли элементи, фуқаролар ҳуқуқини амалга оширишга масъул ва улар ҳимоясини таъминловчи давлат органлари фаолияти билан боғлиқдир. Уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: I — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўйича фуқароларни ҳуқуқларини таъминловчи давлат органларидир, ва II — лалқаро ташкилотлар тавсиясига кўра ташкил этилган инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва ҳимоялашга ёрдам кўрсатувчи инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича қўшимча структуралардир. Фуқаролар ҳуқуқларига риоя қилишни таъминлаш ва уларни қонуний ҳимоя қилиш учун асосий масъулият ижро органлари ва суд ҳокимиятига юклатилган.

Қонунчилик томонидан ўрнатилган тартиб бўйича «Фуқаролар мурожаатлари ҳақида», «Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлигини бузувчи қарор ва ҳаракатлар» бўйича судга мурожаат этиш тўғрисида қонунлар Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси ўз ҳуқуқларини тиклаш учун давлат органлари, ташкилотлари ёки мансабдор шахсларга мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар қабул қилинган қарордан қаноатланмаган ҳолда судларга мурожаат этишга ҳақлидир. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат институтларининг амалий натижалари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доирасидаги парламент, бошқарма, прокурор ва суд назоратларининг самараси билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи чақирىқ VI сессиясида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов сўзга чиқиб, инсон ҳуқуқий эркинлигини таъминловчи янги самарали бошқарув назорати механизмлари ташкил этишни шакллантириш зарурлигини айтиб ўтди⁴.

Маълумки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат аппарати фаолиятига ёрдам бериш мақсадига, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича қўшимча институтлар ташкил этилган.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга парламент қошидаги «Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман)

⁴ Каримов И. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари: Биринчи чақирىқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги сўзлаган нутқи. 1996 йил. 29 август. Тошкент, 1996.

Институтининг ўзининг маълум ҳиссасини қўшади. У Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан биринчи бор Олий Мажлис биринчи сессиясида киритилган бўлиб, инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилга юклатилган вазифаларнинг самарали бажаралишига ёрдам мақсадида Олий Мажлисининг 1995 йил 6 май қарори билан унинг ҳузурда фуқаролар конституцион ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш бўйича Комиссия тузилди. 1997 йил 24 апрел Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессиясида инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис Вакили ҳақида (омбудсман) Қонун қабул қилди, бу қонун билан инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилнинг фаолият доираси ва тамойилларини белгилловчи ҳуқуқий Низомини, лавозимга сайлаш ва вазифасидан озод қилиш тартиби, фуқаролар ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш бўйича унинг ваколати, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқ ва вазифалари тартиб қодаларини ҳуқуқий белгилаб берди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис Вакили (омбудсман) фуқаролар ҳуқуқини суддан ташқари ҳимоя қилиш органи бўлиб, у ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилишнинг бошқа воситалари тугаган шикоятларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқишга чақирилган. У фуқаро ва давлат ўртасидаги низоли вазиятларни ҳал этиш йўлидаги ўзининг тавсияларини бериш йўли билан поймол этилган инсон ҳуқуқларини тиклашга ёрдамлашишга мажбурдир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис Вакили зиммасига тўртта вазифа юклатилган:

1. Тарбиявий ва маърифий вазифалар: у инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа миллий структуралар қатори, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва ҳимоя этиш зарурлигини тушунтиришга ҳар томонлама ёрдам бериши, Ўзбекистон қонунчилиги ва шу соҳа бўйича халқаро меъёрлари билан белгиланган инсон ҳуқуқи кафолат ва мажбуриятлари ҳақидаги ҳар турдаги маълумотларни жамоатчиликка етказиш.

2. Олий Мажлис Вакили беғараз ва инсонпарвар фуқаролар ҳуқуқи ҳимоячисидир: у инсон ҳуқуқларини бузилиши тўғрисидаги шикоятларни кўриб чиқади ва текширади, айрим мансабдор шахслар ва ташкилотлар йўл қўйган қонунбузарчиликни бартараф этиш бўйича чоралар таклиф этади. Инсон ҳуқуқларини доимий бузувчи шахсларни қонунда кўрсатилган жавобгарликка тортишга тавсия этишга ҳуқуқлидир.

3. Олий Мажлис Вакилининг иш фаолияти чуқур таҳлил этиш билан боғлиқ: у давлатимизда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ҳолатини ўрганиши ва таҳлил қилиши шарт, инсон ҳуқуқининг бузилишига сабаб бўлаётган шароитларни аниқлаш; Ўзбекистон ҳуқуқий меъёрларини инсон ҳуқуқи доирасидаги халқаро шартномаларга мувофиқлиги мақсадида таҳлил қилиш, инсон ҳуқуқига риоя қилишга ёрдам беришни кўзда тутувчи чора ва дастурлар ишлаб чиқиш.

Олий Мажлис фаолиятининг тўртинчи йўналиши бошқа мамлакатларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш доирасидаги бошқа мамлакатлар тажрибасини ўрганишга қаратилган инсон ҳуқуқи соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда инсон ҳуқуқига риоя қилиш ва ҳимоя қилиш доирасидаги республикамиздаги аҳвол ҳақида халқаро жамоатчиликни хабардор этишдир.

Олий Мажлисининг биринчи чақириқ XIV сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов институтлар ягона тизimini яратиш зарурлиги, улар инсон ҳуқуқи ҳимоясида туриши кераклигини таъкидлади⁵. Қўйилган масала миллий мониторинг тизими

⁵ Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маъруза: 1999 йил. 14 апрел. Тошкент, 1999.

миния яратиш ва уни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқишни талаб этади.

Мониторинг инструменти Омбудсман институти учун унинг инсон ҳуқуқ ва эркинлигига риоя қилиш ва ҳимоя этиш бўйича вазифаларини амалга ошириш учун муҳимдир, чунки у инсон ҳуқуқи юзасидан олиб борилувчи ҳуқуқий сиёсатнинг тўғри эканини баҳолашга, давлат органларининг ҳуқуқдан фойдаланиш фаолиятидаги шароитни аниқлаш, улар йўл қўяётган хатолар ва уларнинг тарқалиш сабабларини аниқлашга ёрдам беради.

Мониторинг ёрдамида инсон ҳуқуқининг энг қўпол ва доимий равишда бузилиб борилишларини аниқлаш мумкин ва бу ҳолни тузатиш учун чоралар кўришга ёрдам беради: шу билан бирга қонунчиликдаги бўшлиқ ёки ҳам марказий ҳамда маҳаллий даражадаги органлар фаолиятининг ташкил этилишидаги нуқсонларни аниқлаш мумкин.

Ҳақиқатан, 1999 йили хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш чоралари бўйича давлат дастурига биноан биринчи марта Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар оналик ва болалик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Мониторинги амалга оширилиб, унинг вазифаси хотин-қизларга нисбатан давлат сиёсатини такомиллаштириш, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий аҳволини яхшилаш бўйича чора кўриш, ҳамма аёллар ҳуқуқ ва эркинлигини амалга ошириш учун керакли шароитларни яратиш бўлди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис Вакили томонидан инсон ҳуқуқлари ҳақидаги амалдаги қонунчиликка давлат органлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органи, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахслар амал қилишлари самараси бўйича Тошкент ва Фарғона вилоятларида Мониторинг ўтказди. Мониторинг ўтказишдан мақсад фуқаролар асосий ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашни назорат қилишнинг янги турлари ва усуллари билан ташкилотлар ва мансабдор шахсларни таништиришга қаратилди ҳамда шу усулларни регионал вакил фаолиятига жорий қилишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ XIV сессиясида давлатимиз раҳбари ўз сўзида «Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилнинг республика минтақаларидаги вакиллари фаолияти самарасини ошириш учун зарур шароитларни ташкил қилиш, Омбудсман институти реал мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш зарур»⁶, деб таъкидладилар. Шунини алоҳида айтиш керакки 2000 йил Омбудсман Вакили минтақавий институти биринчи бор фаолият кўрсатган йил бўлди. Уларнинг фаолияти учун ёрдам кўрсатиш бўйича буйруқ олган маҳаллий органлар ҳокимияти томонидан уларга реал ёрдам кўрсатилмоқда. Маҳаллий ҳокимият органлари ёрдамида республика вилоятларининг ҳаммасида Омбудсман минтақавий вакили ҳузурида эксперт гуруҳлари тузилган, фуқароларни қабул қилиш учун хона ажратилган, уларни алоқа воситалари билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис Вакили (омбудсман) ўз минтақавий Вакилларига катта ишонч билан қарайди, улар албатта фуқаролар давлат органларига шикоят билан мурожаат этиш ҳуқуқига амал қилишига ёрдам берадилар, маҳаллий аҳолига улар ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш усул ва воситалари ҳақида маълумот олишга ёрдам берадилар, асосий инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва қонунларни сўзсиз бажариш ишларида давлат ва нодавлат тизимлари кучларини бирлаштиришга ёрдам кўрсатадилар. Вилоят инсон ҳуқуқига риоя қилиш ва ҳимоялаш ҳолати бўйича мониторингда фаол иштирок этадилар.

⁶ Уша асар. 32-бет.

Мустақил ривожланишнинг 10 йиллиги даврида Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ҳаётда, жамиятни демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришда туб ўзгаришлар вужудга келди. Инсон ҳуқуқ ва эркинлиги бўйича умумий қабул қилинган комплекс механизмлар нафақат қонунчиликни мустаҳкамловчи, балки инсон ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилишга риоя қилиш тартиб ва механизмни ўрнатувчи, шу доирада давлат ва жамоат назорати турини белгиловчи мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Инсон ҳуқуқи бўйича институцион тизим ташкил этилиб, унинг вазифаси ҳамма давлат ва жамоат тизимлари фаолиятини бирлаштириш ва ҳар бир орган ва мансабдор шахс ўз вазифаларини бажаришлари ва инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалалари бўйича республика қонунларини бузмасликлари, фуқаролар мурожаатларини виждонан кўриб чиқишларидан ташкил топади.

Давлатимиз раҳбари сўзлари билан яқунлашни истардим: «Фақатгина истиқлолнинг ҳаётбахш заминидан янги демократик қадриятлар илдиз отишига, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва унинг эрки асосий бойлиги бўлган ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятига мос келадиган янги замонавий, сиёсий, ҳўжалик ва жамоа тузилмалари қарор топишига имкон туғилди»⁷.

⁷ Каримов И. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги сўзлаган нутқи. 1996 йил, 29 август. Тошкент, 1996. 6-бет.

М. Р. БУРИЕВА, А. А. САИДОВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТИ ВА ОИЛА

Жамиятда ишлаб чиқаришни ривожланиши қолаверса жамиятнинг ўзини мавжудлиги ҳам аҳолига боғлиқдир. Аҳолининг кўпайиб бориши ёки аксинча камайиб кетиши жамият тараққиётида маълум муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлади. Ушбу муаммоларни олдини олиш, аҳолининг нормал ўсиб боришига эришиш учун демографик вазиятни мунтазам илмий тадқиқ этиб бориш зарурдир. Лекин бунинг ўзига хос томонлари бор. Чунки, жаҳондаги давлатларда аҳолининг ўсиши, улардаги иқтисодий имконият, ижтимоий ҳолат ҳам бир хил эмас.

Статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда аҳоли сони мунтазам кўпайиб келган. Масалан, 1865 йили ўлкада 3320 минг аҳоли истиқомат этган бўлса, 1920 йили аҳоли сони 4470 мингга, 1970 йили — 11800 мингга, 1991 йили — 20708 мингга ва 2000 йили 24582 мингга етди¹. Асримиз бошидан то ҳозирги даврга (2000 й.) қадар ер шари аҳолиси 3,2 мартага кўпайган бўлса, Ўзбекистон аҳолиси 6,5 мартага кўпайди. Ўзбекистонда аҳолининг юқори суръат билан кўпайиб бориши, унинг ўзига хос демографик вазияти билан боғлиқдир. Демографик вазият биринчи навбатда аҳолининг табиий ўсишида яъни туғилиш ва ўлим жараёнларида ифодаланади.

Ўзбекистонда аҳоли табиий ўсишига оид статистик маълумотлар асосан XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мавжуддир. Ушбу маълумотлар гувоҳлик беришича Ўзбекистон ҳудудида XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида туғилиш юқори даражада бўлган. Оилада фарзандлар туғилиши назорат этилмаган, яъни чекланмаган. Масалан, Е. С. Тимм, Б. Ц. Урланис маълумотларига қараганда,

Касаясь вопроса занятости, следует непременно отметить отличительные особенности демографической ситуации нашей страны. Уровень естественного прироста населения Узбекистана значительно выше, чем во многих странах. Соответственно из года в год растет число трудоспособного населения. Насколько животрепещущей проблемой является повышение занятости населения, свидетельствует уже тот факт, что почти половину населения страны составляют лица в трудоспособном возрасте, большая часть которых проживает в сельской местности, а 65—70% трудоспособного населения — молодые люди в возрасте 16—30 лет, которые хотят и должны работать.

Проблема занятости населения отражена в ряде важнейших направлений дальнейшего развития и либерализации экономики, утвержденных Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 29 декабря 2000 г. Это связано с тем, что формирование рынка труда, являющегося неотъемлемой частью рыночной экономики, — важная задача государственной политики, имеющая большое значение

в повышении занятости населения. Это основополагающее направление включает в себя такие стратегические задачи, как демографическое развитие и подготовку профессиональных кадров, исходя из баланса спроса и предложений на трудовые ресурсы.

В соответствии с утвержденными решением Президиума Кабинета Министров от 31 октября 2000 г. «Основными направлениями и показателями создания новых рабочих мест и занятости населения в Республике Каракалпакстан, в областях и городе Ташкенте на период 2001—2005 годы», повсеместно разработаны и утверждены территориальные программы занятости, которые по срокам и источникам финансового обеспечения увязаны с отраслевыми программами. Согласно этим программам, в течение ближайших 5 лет за счет ввода в строй различных производственных и культурно-бытовых объектов, а также широкого развития малого и среднего бизнеса будет создано более 2 млн. новых рабочих мест, большей частью в сельской местности.

Так осуществляется в суверенном Узбекистане курс на сильную социальную политику, исходящий из собственной модели формирования «единой системы социально-политических и экономических отношений, присущих социально ориентированной рыночной экономике»⁴.

⁴ Каримов И. А. Узбекистан — собственная модель перехода на рыночные отношения. С. 72.

М. Х. САИДОВ

РАЗВИТИЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Достижение Республикой Узбекистан подлинной независимости открыло широкие возможности для возрождения духовности нашего народа, всестороннего развития его культуры, всех отраслей народного образования, подготовки высококвалифицированных кадров. Как сказано в Конституции Узбекистана (ст. 42), наше суверенное государство «заботится о культурном, научном и техническом развитии общества».

Огромное значение придается развитию в республике высшего образования, от которого, в первую очередь, требуется обеспечение высокого государственного стандарта качества образования, его эффективности, отдачи, на что неоднократно указывал Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов¹.

На достижение этой конечной цели и направлены принятые в республике Законы «Об образовании», «О национальной программе по подготовке кадров» и другие законодательные акты, а также действенные меры по их практической реализации.

Как сказано в Национальной программе по подготовке кадров, утвержденной Олий Мажлисом Республики Узбекистан 29 августа 1997 г., важным условием развития Узбекистана является формирование совершенной системы подготовки кадров на основе богатого интеллектуального наследия народа и общечеловеческих ценностей, достижений современной культуры, экономики, техники и технологии².

В этом основополагающем документе подчеркивается, что данная Программа «разработана на основе анализа национального опыта, исходя из мировых достижений в системе образования, и ориентирована на формирование нового поколения кадров с высокой общей и профес-

¹ См., напр.: Каримов И. А. Узбекистан — собственная модель перехода на рыночные отношения. Ташкент, 1993. С. 78; и др.

² См.: Новые законы Узбекистана. 18. Ташкент. 1998. С. 151.

сиональной культурой, творческой и социальной активностью, умением самостоятельно ориентироваться в общественно-политической жизни, способных ставить и решать задачи на перспективу»³.

Вполне понятно, что эти требования адресованы прежде всего сфере высшего образования как составной органической части системы непрерывного образования, призванной готовить высококвалифицированные кадры, способные обеспечивать успешное развитие нашей республики, ее экономики и культуры⁴.

В соответствии с программными установками, введена двухуровневая (двухступенная) подготовка дипломированных кадров с высшим образованием, включающая бакалавриат и магистратуру.

Бакалавриат означает базовое высшее образование с фундаментальными и прикладными знаниями по соответствующей специальности с продолжительностью обучения не менее четырех лет, а магистратура — высшее образование с фундаментальными и прикладными знаниями по конкретной специальности с продолжительностью обучения не менее двух лет на базе бакалавриата.

За истекшие годы проделана большая работа, направленная на достижение таких предусмотренных Программой целей⁵, как:

- разработка и внедрение государственных образовательных стандартов для бакалавриата и магистратуры;

- подготовка профессорско-преподавательских кадров для высших образовательных учреждений, в том числе в ведущих зарубежных и научных центрах;

- проведение структурных преобразований высших образовательных учреждений;

- усовершенствование управления, расширение самостоятельности высших образовательных учреждений, введение общественного управления в формах советов учредителей, попечителей, общественных наблюдательных советов;

- разработка и введение в практику действенных механизмов интеграции образования с наукой и производством;

- разработка и освоение технологий и средств индивидуализации обучения, самообразования, системы дистанционного образования;

- интенсификация обучения студентов с использованием новых педагогических и информационных технологий, модельной системы подготовки;

- обеспечение гуманитарной направленности образования на основе богатого духовного и интеллектуального наследия и общечеловеческих ценностей.

Совершенствуется механизм государственного регулирования развития высших образовательных учреждений, проводятся их аттестация и аккредитация, осуществляются мониторинг развития и система рейтинговой оценки их деятельности. Создана Республиканская комиссия по реализации Национальной программы по подготовке кадров. Развивается деятельность аспирантуры и докторантуры; модернизируется система подготовки и переподготовки профессорско-педагогических кадров вузов; совершенствуется система их финансирования; укрепляется материальная база высшей школы; развивается ее информационное обеспечение; внедряются методы маркетинга в сфере высшего образования; укрепляются связи вузов с наукой и производством; расширяется и углубляется международное сотрудничество вузов Узбекистана с зарубежными высшими образовательными и научными учреждениями.

³ Там же.

⁴ См. там же. С. 162—163.

⁵ См. там же. С. 170.

Ныне в Узбекистане функционирует 61 высшее учебное заведение (в том числе 18 университетов) с общим контингентом 183,2 тыс. студентов. Только в 2000/2001 учебном году в бакалавриат было принято около 51 тыс. человек, а в магистратуру — около 3600 человек.

Непрерывно увеличиваются расходы на образование. Если в 1997 г. они составили 7,89% от ВВП, то в 2000 г. — 11,28%, а доля их в расходной части госбюджета выросла за эти годы с 24,27% до 36%. Надо отметить, что по доле затрат на образование наша республика уже приближается к ведущим странам мира. Только на цели капитального строительства за 1997—2000 гг. вузам было выделено 1,17 млрд. сум. из госбюджета.

Однако финансовое положение наших учебных заведений определяется не только объемом средств, выделяемых государством. В последние годы в этом деле все большую роль играют внебюджетные поступления от их платных образовательных услуг и реализации других видов деятельности. Так, за 1998—2000 гг. объем таких средств вырос в 4 раза, достигнув 9 млрд. сум. (из них 70% — поступления от платно-контрактной формы обучения).

Немалая доля средств выделяется на обеспечение вузов учебной литературой и пособиями. За последнее время была приобретена и распространена по вузам дополнительная учебная литература в количестве 30 450 экз., не считая литературы, посланной из-за рубежа, 214 наименований которой (тиражом 37 тыс. экз.) поступили в наши вузы. Кроме того, 12 тыс. книг по специальным дисциплинам были получены из Японии.

Много внимания уделяется вузами и подготовке собственной учебной литературы. Уже представлены рукописи более 11 тыс. наименований по разным дисциплинам. После апробации 3138 из них были изданы и переданы в библиотеки учебных заведений Узбекистана. В целях обновления учебной литературы в 2000 г. по схеме «министерство—ректор—автор» подписан 1621 договор на подготовку новых учебников и учебных пособий. К концу 2000 г. рукописи 185 наименований уже были подготовлены, а также организован коллектив авторов по переводу 57 наименований специальной учебной литературы.

В целом к 2001 г. обеспеченность учебниками и учебными пособиями по разным направлениям и специальностям высшего образования составила 84%.

Особое значение придается обеспечению высшей школы высококвалифицированными профессорско-педагогическими кадрами. Уже в 1997 г. в вузах республики работало 18,5 тыс. преподавателей, из них 52% — доктора и кандидаты наук. В аспирантуре тогда обучалось около 4 тыс. аспирантов, из них в вузах — 69%⁶.

В системе повышения квалификации и переподготовки кадров в базовых вузах только за 1998—2000 гг. повысили свою квалификацию 2985 человек, а в специализированных центрах — 14 900. В этих центрах работают и специалисты из США, Германии и других стран.

Укрепляются также связи республики с международными организациями по проблемам разработки и реализации проектов в области материально-технического обеспечения, подготовки, переподготовки и стажировки преподавательских кадров, а также студентов. Реализуется немало совместных проектов. Только за 1997—2000 гг. общий объем иностранных инвестиций в сферу образования Узбекистана составил 237,8 млн. дол.

В начале 2001 г. был подписан договор о взаимном сотрудничестве между МВССО Узбекистана и МГУ им. М. В. Ломоносова, пред-

⁶ См.: Новые законы Узбекистана. 18. С. 153.

ставляющий широкие возможности для обмена студентами, аспирантами и стажерами, а также о выделении квоты на прием 50 студентов в год. Ежегодно 20 студентов из Узбекистана направляются на обучение в вузы Китая (за счет принимающей стороны). Растет сотрудничество в области высшего образования и с другими странами.

Первостепенное внимание уделяется повышению качества высшего образования. Многие положения Национальной программы в отношении качества подготовки кадров уже внедрены в практику, а именно: создана государственная служба аттестации качества профессионального образования, независимая от органов управления образованием; разработаны и вводятся в действие государственные образовательные стандарты, отвечающие перспективным требованиям экономического и социального развития страны; вводится система рейтинговой оценки деятельности образовательных учреждений, качества педагогических профессорско-преподавательских кадров, а также знаний обучающихся; развиваются государственные и общественные формы контроля качества подготовки кадров; совершенствуется система итоговой аттестации выпускников образовательных учреждений и т. д.

Внимание служб управления качеством высшего образования и менеджеров нацеливается на перспективность применения опыта известных принципов тотального управления качеством.

В концепции тотального управления качеством надо выделить следующие моменты. Каждый сотрудник высшего образовательного учреждения должен участвовать в достижении высокого качества образования, т. е. это — массовое движение. Поскольку каждый сотрудник, каждая кафедра, каждый вуз имеют своих «внешних и внутренних заказчиков и поставщиков», то качество означает обеспечение «заказчиков» конкурентоспособными специалистами и оказание конкурентоспособных образовательных услуг.

В этой связи надо сказать, что в университетах США и Франции проблемы тотального управления качеством (TQM) рассматриваются в трех плоскостях:

1. Преподавание TQM как самостоятельной учебной дисциплины в вузовской и послевузовской подготовке кадров, в том числе по инженерным направлениям. Следует заметить, что многие вузы уже ввели эту дисциплину в числе обязательных для всех студентов инженерных специальностей.

2. Организация преподавания других дисциплин с использованием принципов и методов TQM.

3. Организация управления вузом на основе идей TQM. Знакомство с TQM, как правило, начинается с рассмотрения эволюции понятия качества соответственно:

- стандарту;
- применению;
- стоимости;
- скрытым потребностям.

В сфере образования нашей республики в явном или неявном виде присутствуют все эти концепции качества. Большая часть вузов придерживается первой концепции — главное, чтобы знания выпускников вуза соответствовали государственным образовательным стандартам. Но качества нельзя достичь лишь путем инспекции. Надо учитывать потребности образовательного рынка (стандарты не успевают за изменениями требований покупателей).

Малая часть вузов ориентируется на концепцию «соответствия применению», т. е. на удовлетворение нужд потребителя кадров, а не только на выполнение требований стандарта. Трудности этих вузов достаточно очевидны — наш рынок четко еще не осознает свои потреб-

ности. Поэтому эти вузы постепенно стали обращать внимание на концепцию «соответствия стоимости», стараясь совмещать высокое качество и низкую стоимость подготовки.

Лишь незначительная часть вузов уверенно ориентируется на концепцию «соответствия скрытым потребностям», т. е. пытается одновременно снижать затраты на подготовку специалистов и удовлетворять нужды потребителя кадров прежде, чем он осознает эти нужды.

Для образовательного рынка Узбекистана такая концепция весьма перспективна, а пока эта система только начинает ориентироваться на переход к более современным концепциям качества.

Адаптация принципов и методов TQM к сфере образовательных услуг позволила выделить следующие виды деятельности:

1. Планирование качества:

— определение потребностей продукции и услуг вуза (абитуриенты, студенты, преподаватели, инженеры, предприниматели, предприятие, регион, общество);

— выяснение потребности потребителей;

— разработка характеристики продукции или услуг;

— доводка планов до исполнителей.

2. Установление связей качества:

— инициирование видов деятельности для объединения усилий сотрудников;

— разработка средств обеспечения образовательного процесса;

— формирование коллектива преподавателей;

— формирование коллектива обучающихся;

— организация образовательного процесса в соответствии со стандартной схемой;

— разработка показателей качества.

3. Контроль качества:

— обеспечение измерений показателей качества;

— обеспечение процесса в соответствии с заданным стандартом;

— импульс для тактического или стратегического совершенствования стандартного процесса.

4. Улучшение качества:

— создание инфраструктуры для непрерывного совершенствования процесса;

— выявление главных причин дефекта в образовательном процессе;

— создание бригады для реализации каждой инициативы по улучшению образовательного процесса;

— обеспечение мотивации рабочих групп;

— установление контроля над достижением целей;

— обеспечение непрерывного обучения рабочих групп.

Внутренним контуром системы управления качеством должен быть статистический контроль над процессом. Необходимо измерять показатели качества и управлять процессом, чтобы быть уверенным, что он соответствует стандарту.

Представляется, что следует прежде всего выделять три составляющих качества образования:

— качество содержания образования (качество знаний, качество способов решения задач);

— качество методов обучения и воспитания (качество организации познавательной деятельности, качество контроля над осуществлением учебной деятельности, качество контроля за результатом учебной деятельности);

— качество образованности личности (качество усвоения знаний, качество умений и навыков, качество усвоения нравственных норм).

Внедрение указанных концепций, принципов и механизмов тотального управления качеством в рамках системы государственного и общественного контроля качества подготовки кадров и образования позволит обеспечить высокий уровень подготовки кадров, создать конкурентную среду при отборе преподавательских кадров и функционировании рынка образовательных услуг.

Все это будет способствовать успешной реализации Национальной программы по подготовке кадров специалистов, способных творчески, умело и инициативно решать актуальные задачи дальнейшего развития государственной, социальной, экономической, культурно-духовной жизни суверенного Узбекистана.

Х. Р. ЖУРАЕВ

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЯТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Мустақиллик маданий ҳаётимизнинг барча жабҳаларига том маънода ҳаёт бахш этди. Наврӯз ва Мустақиллик байрамлари йилма-йил ҳам мазмунан, ҳам моҳиятан такомиллашиб бормоқда. Байрам шуқуқи, бадий савияси унинг ҳар қандай снёсий бидъатлардан холилиги, Ватанимиз тарихи, урф-одат ва қадриятларини эъозловчи ва халқимизнинг бунёдкорлигини акс эттирувчи моҳият ва мазмуни қалбларимизга ўрнашиб улгурди. Наврӯз байрами мустақиллигимиз шарофати билан бунёд этилган Миллий боғда ўтказилиши рамзий маънога эга. Зеро, миллийлик ва ўзлигимизни англаш ҳуқуқини бизга мустақиллик берган. Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз Мустақиллик майдонида ўтаётганлигининг изоҳи ўзида мужассамдир. Умунан олганда, мустақиллик йилларида чин маънода халқимизнинг кўкрагига шамол, елкасига офтоб тегди. Халқимизнинг истироҳати, маданий дам олиши учун барча шароитлар муҳайё қилинмоқда. Тошкентдаги Боғи Эрам, Мирзо Улуғбек ва Бобур каби республикада мавжуд 81 маданият ва истироҳат боғлари эл севиб дам оладиган масканлардир. Шунингдек, халқимизни маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондириш борасидаги ишлар қаторига кутубхоналар фаолияти ҳақида биргина мисолни ўзини келтирмоқни ўринли деб биламиз. Алишер Навоий номидаги улкан кутубхонадаги китоб фонди 5 млн. нусхани ташкил этади. Республикада ҳаммаси бўлиб, 5717 кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Улар маданий-маърифий марказларига айлантирилган. Китобхонлар ва барча аҳоли учун илм-фан, маънавий маданият, миллий мафкура, ҳуқуқ, иқтисод, сиёсий маданиятга оид туркум мавзуларда республика ва халқаро миқёсда илмий-амалий анжуманлар ўтказилиб келинмоқда.

Халқимиз санъатсевар халқ. Айниқса, мусиқа санъатимиз қадимий ва бой меросга эга. Халқимизнинг мусиқий салоҳияти ҳам юксакдир. Диёримизнинг ҳар бир гўшасида истеъдод соҳиблари бор эканлиги бизнинг бахтимиз. Бугунги кунда анъанага айланиб бораётган мусиқа санъати бўйича ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаниманим» республика кўшиқ байрами, «Офарин», «Ниҳол», «Замин юлдузлари» каби кўрик танловлар истеъдодларни кашф этувчи тадбирга айланди. Мусиқа санъати соҳасидаги ўтказиб келинаётган танловлар ривожига халқаро миқёсига кўтарилди. Бу йил «Шарқ тароналари» III Халқаро мусиқа фестивали ўтказилди. I Халқаро мусиқа фестивалида Бош соврин (Гран при)ни озарбайжонлик хонанда Симара Иманова олган бўлса, II фестивалда ўзбек қизи Насиба Сатторова «Шарқ булбули» — Бош соврин (Гран при)ни қўлга киритди. Халқаро мусиқа фестивали доирасида ўтадиган илмий-амалий анжуман фестивал нуфузини янада юқорига кўтарувчи омилдир.

Муסיқа санъати хусусан қўшиқ ва рақс бўйича истеъдодларни кашф этишда муҳим омил бўлган танловлар сарф-ҳаражатлари давлат томонидан қопланаётганлиги нафақат санъатга балки умумий маънода маданиятимиз ривожига ғамхўрликдир. Еш талантларни ва улардаги истеъдод қирраларини, Ватанни мадҳ этишга, дўстлик ва эзгуликни куйлашга йўналтирувчи «Ниҳол» мукофотини таъсис этилиши шахсан Президентимиз томонидан ёшларга ва уларнинг порлоқ келажигига билдирилган юксак ишончдир.

Муסיқа санъатимизнинг жаҳон сарҳадларига чиқишида эстрада жанрининг аҳамияти катта бўлмоқда. Ноёб истеъдод соҳибн, ўзбек эстрадасининг ёрқин юлдузи Ботир Зокиров бошлаб берган анъаналар ижодий илҳом берган миллий эстрадамизнинг келажиги ҳам нурли бўлади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июндаги қарорига биноан ташкил этилган «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси барча истеъдодларни бирлаштириб, эстрада санъати уфқларининг кенгайиши учун хизмат қилишига умидвормиз.

Мамлакатимизда санъатнинг барча турлари ва санъат аҳли юксак кадрланади. Санъатни, шу жумладан муסיқа санъатини қадрига етдиган серзавқ халқимиз ўз санъаткорларини эъзозлаб юқори мартабага лойиқ кўрдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайланган машҳур эстрада хонандалари Юлдуз Усмонова, Фарруҳ Зокиров ва хонандалар Муяссар Раззоқова, Ўлмас Саиджоновлар муҳим давлат ишларини ҳам адо этмоқдалар.

Мустақиллик йиллари ўзбек миллий театр санъати гуркираб ривожланди десак, асло муболаға бўлмайди. Маълумки, халқимизни театр санъатига ихлоси жуда баланд ва диди ўткир эканлиги ҳақиқат. Бу ўтмишда сайёр театр гуруҳлари томонидан қўйилган спектакллари охириги чақасини бериб бўлса ҳам томоша қилган халқимиз анъанасининг давомийлигидир. Ўзбек драматургиясининг вужудга келиши Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш», Нусратулла Қудратуллаев ва Ҳожи Муъиннинг «Тўй» каби спектакллари янгиликка интилувчан, халқимизнинг маънавий эҳтиёжини қондирувчи муҳим омил бўлиб келган. Шу боисдан ҳам Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрига шўро даври тарихчилари айтганидек, 1917 йилда эмас, балки 1914 йилдан аввалроқ асос солинганлиги аён бўлади.

2001 йил Президентимизнинг фармони билан отахон академик театримизга Миллий театр мақомини берилиши эса, шу тарихий ҳақиқатни барқарор қилади. Шахсан Президентимиз ташаббуси билан «Ҳамза» театрининг собиқ бноси қайта қурилиб, театр жамоаси ва томошабинлар учун барча қулайликларга эга ва миллий театримиз учун муносиб бўлган ҳашаматли театр қасри бунёд этилди. Бу мустақиллигимизнинг 10 йиллигига армуғон қилинган санъат кошоналаридан биридир.

Театр санъати миллий мафкура яратилишида муҳим воситалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Республикамиз театрлари репертуари миллий-маънавий қадриятлар, аждодларимизни улуғловчи, садоқат ва эзгуликни тараннум этувчи ва шунинг билан бирга шўро давридаги қабоҳат ва разилликларни фош этувчи саҳна асарлари билан бойиди. Имом Исмоил ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги ва ижодига бағишланган саҳна асарлари кўрик-танловни эълон қилинди. Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида М. Бафоевнинг Ж. Жабборов либреттоси асосида «Ал-Фарғоний», Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри Ҳ. Расулнинг «Пири Коинот» драмаси, Э. Хушвақтовнинг «Чимилдиқ» спектакли, Фарғона вилоят рус драма театри И. Сулаймоннинг «Осмонга сизмаган муҳаббат», Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят муסיқали драма театрида У. Қўчқорнинг «Расулил-

лоҳ котиб», А. Ҳидоятлов номидаги драма театрида шоир Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб «Чеча» каби спектакллари қўйилиши театр санъати соҳасидаги олиб борилаётган ишлардан бир мисолдир. Республикамиз театр санъати ютуқлари ва муаммоларидан баҳс юритувчи «Театр» журналинини таъсис этилиши театр ижодий жамоалари орзусининг ушалишидир. Шунингдек, ўзбек театри Европа, Россия, Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари театр саҳналарида спектакллар намойиш этиб олқишларга сазовор бўлиши ва мухлислар орттириши истиқлолимиз шарофатидир.

Республикамизда театр санъати билан бир қаторда рақс санъати ҳам ривожланиб бормоқда. М. Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» Миллий рақс бирлашмаси ташкил этилиши ўзбек миллий рақс санъатинини мустақил ривожланиш йўли ва истиқболини белгилаб берувчи муҳим тадбир бўлди.

Маълумки, Ватанимиз рақс санъатининг бой меросига эга бўлган бир неча ўзига хос мактаблари мавжудлиги тарихдан маълум. Бетимсол раққоса, улуғ санъаткор Мукаррама Турғунбоева ўзбек миллий рақс санъатининг мактабинини яратган ва унинг кўплаб шогирдлари ҳам ўзига хос мактабларга асос солган. Бироқ, шунга қарамай мустақилликгача бўлган даврда биргина Республика хореография мактаби фаолият кўрсатиб, бошқа миллий рақс санъати бўйича ўқув юрти йўқ эди. Ўзбек миллий рақс хореография олий мактабининг очилиши рақс санъати истиқболи ва малакали кадрларни тайёрлаш учун кафолатдир. Ҳозирда «Тановар» рақс театри, «Баҳор», «Ўзбекистон», «Лазги» рақс ансамбллари каби ўнлаб бадий-ижодий жамоалар фаолият кўрсатиб, элга хизмат қилмоқдалар. Айниқса, Наврўз, Мустақиллик ва шу каби бошқа оммавий байрам тантаналарининг театрлаштирилган саҳналарида улар ўз дастурлари билан фаол иштирок этмоқдалар.

Республикамиз маданияти ва санъати ривожини учун муносиб ўринбосарлар тайёрлаш масаласи ҳам «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни асосида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мавжуд 4 та олий ўқув юртида 2300 талаба, 20 та ўрта махсус маданият, мусиқа ва санъат ўқув юртларида 8780, 2 та Республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатида 1215 ҳамда 310 та болалар мусиқа ва санъат мактабларида 70 мингдан зиёд ўқувчи таҳсил олмоқда.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш, мамлакатимизда кадрларга бўлган талабни қондириш ва жаҳон андозаларига мослаш борасида олий ўқув юртлари тизимида 1996 йилдан эътиборан «Бакалаврият», 1999 йилдан «Магистратура» йўналишлари бўйича мутахассис тайёрлашга киришилди.

Президентимизнинг «Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида»ги фармони ва Ҳукумат қарорлари асосида эстрада-цирк студияси негизида эстрада-цирк коллежи ташкил қилиниши ва М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси учун барча қулайликларга эга бўлган маҳобатли мусиқа саройини бунёд этилиши узоқни кўзлаб қилинган ишдир. Зеро, бу келажак буюк давлатимизда мусиқа санъатининг порлоқ истиқболи учун мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Вазирликнинг барча ўқув юртлари малакали педагогик кадрлар ва ўқув услубий воситалар билан таъминланган. Ҳозирда фойдаланилаётган ўқув услубий қўлланма ва дарсликлар миллий мусиқий қадриятларимиз ҳамда жаҳон маданияти ва санъати дурдоналаридан ижодий фойдаланилган ҳолда бойинтилган. Шу кунгача маданият ва санъат соҳаси бўйича 49 номда ўқув дастур ва услубий тавсиянома-

лар, 75 номда дарслик ўқув қўлланма ва нота хрестоматиялари нашр қилиниб ўқитилмоқда.

Мустабидлар халқларни асоратга солмоқчи бўлса аввало уларни миллий ўзлиги, тарихий ўтмиши ва қадриятларидан маҳрум қилар экан. Мустақиллик ана шу жароҳатимизга малҳам бўлди. Мустақиллик йилларида тарихий, миллий, маданий ва маънавий қадриятларни тиклаш учун шунчалик кўп ишлар қилиндики, буни санаб адоғига етиш қийин. Дастлаб Наврўз байрами тикланди. Буюк аллома боболаримиз ижоди ва фаолияти тадқиқ қилиниб, уларнинг номларига ёдгорликлар, мажмуалар бунёд этилди, муносиб равишда юбилейлар ўтказилди. Булардан энг муҳимлари Имом ал-Бухорий, Амир Темур, Мотуридий, Фарғоний, Марғинович мажмуалари ва Жалолиддин Мангуберди, Алпомиш ёдгорликлари каби бетакрор обидаларнинг бунёд этилиши мустақилликдан аввал тушимизга ҳам кирмаган эди. Маданият ва санъатимизнинг улуғ намояндalarига бағишланган театр санъати ва қўшиқ кўрик-танловлари ўтказиш жорий этилиб, мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Ушбу хайрли ишларнинг бош ташаббускори ва ҳомийси Президентимиздир. Мустақиллик йилларида Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ва бошқа жойлардаги тарихий-меъморий ёдгорликларнинг деярли барчаси таъмирланиб қайта тикланди. Республикамиздаги музейларнинг шикастланган бинолари таъмирланиб, экспонатларни сақлаш ва янги мазмун берилиши учун энг янги, замонавий технология ва илмий-услубий воситалардан фойдаланилди. Республикада вазирлик тизимидаги жами 73 музей фаолият кўрсатиб элга хизмат қилмоқда. Музей ишлари, музейлар тарихини тарғиб, тадқиқ ва таҳлил қилувчи ўзбек, инглиз ва рус тилларида чиқаётган «Мозийдан садо» журналини нашр қилинаётганлигидан қувонмай бўладими.

Энди бир лаҳза босиб ўтган йўлимизга назар солиб, нимага улгирдигу, нималарни бажара олмадик ва қандай камчиликларга йўл қўйганимизни мулоҳаза қилиб кўрайлик. Тўғри 10 йил қисқа фурсат. Аммо унинг масъулият юки залварлидир. Президентимиз таълим берганидек, Мустақиллик — ҳуқуқ ва олий мақом масъулиятдир. Демак, ҳуқуқни жорий этмоқ ва ундан фойдаланмоқ учун барча соҳада илму-амал, яъни виждоний назорат остида юксак масъулият билан ишламоқ керак. Бу ўринда мусиқа санъати ва, айниқса, қўшиқ жанри ижодкорларини элимизни кўнглини топишга астойдил интилаётганликларини айтиб ўтиш жоиздир. Кўпчилик жўр бўлиб айтадиган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Ўзингдан қўймасин халқим», «Ўзбекистон», «Элим» қўшиқлари ижро этилганда қалбимиз ғурур ва ифтиҳорга тўлади, бир нафас ўзингни она-Ватан оғушида ҳис қилиб интиқасан, томирларингда қон жўш уриб, улуғвор ишларга бел боғлайсан.

Аммо, бунингдек таъриф-тавсифларни театр санъати ҳақида айтишга ҳали эрта деб ўйлаймиз. Театр санъатининг халқимиз олдида қарзи кўп. Театр ижодкорлари бунёдкор халқимиз орзу қилган замонамиз қаҳрамонлари образини яратиб, ўз бурчларини бажармоқлари лозим. Бунинг учун уларга давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратиб берилган. Фақат ишламоқ керак.

Умуман олганда, маданий ҳаётимизда ўтган 10 йил ёмон яқунланмади деб ўйлаймиз. Аммо ҳақиқий баҳони халқимиз беради. Халққа хизмат қилиш олий бурчимиздир.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ: РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЕНИ

Халқимизнинг бадний-фалсафий тафаккури даражаси, яшаш тарзи, воқеликни идрок этиш йўсини ХХ асрга келиб, аввалги юз йилликларга нисбатан кескин бурилишларга учради. Асрлар мобайнида анъанавий шарқона дунёқарашга эга бўлиб келган ўзбек халқи бу юз йиллик бошида Ғарб маданиятига хос бўлган бир қатор муҳим омилларни ўзига сингдирди. Шу билан биргаликда, бутун миллатга мажбурий эътиқод сифатида киритилган шўро мафқураси ХХ аср бадний жараёнларига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказди.

1991 йилда эришилган мустақиллик шарофати билан — фикрлар хилма-хиллиги, қарашлар плюрализми вужудга келиб, миллат ҳукмрон мафкура тазйиқисиз яшаш имконига эга бўлди. Бу ҳолат халқимизнинг ижтимоий онгида соғломлаштириш жараёнини юзага чиқарди, ижодий эркинлик равнақ топди. Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очилиб, қисқа тарихий давр ичида мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг мутлақо янги сиёсий асослари яратилиши билан биргаликда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳалар ривожланишининг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ Ўзбекистон халқаро ҳуқуқий субъектга айланиб, 1992 йил БМТга, 1993 йил ЮНЕСКОга аъзо бўлди. Ҳозирги пайтда республикада юздан ортиқ хорижий мамлакат элчихоналари, қатор халқаро ташкилотлар, йирик жаҳон банклари ва фирмалари ваколатхоналари фаолият олиб бормоқда.

Буюк ватандошларимиз — Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғинонийларнинг номлари қайта тикланмоқда. Утмишнинг буюк мутафаккирлари, шоирлари ва мусаввирлари — Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Муҳаммад Мурод Самарқандий ҳамда жадидчилик ҳаракати вакилларининг номлари ғурур билан тилга олинмоқда. Уларнинг шарафига ёдгорлик мажмуалари қурилиб, китоблар чоп этилмоқда, фаолиятлари кенг тарғиб қилинмоқда. Улуғ соҳибқирон Амир Темурнинг тарихимизда тутган ўрни ва аҳамияти ҳам ниҳоят, ҳаққоний талқинига эришди.

Ана шундай миллий уйғониш даврида Ўзбекистон Президенти И. Каримов мустақиллик билан боғлиқ барча ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалалар қаторида инсон, айниқса ёш авлод маънавияти, эркин, озод шахс маърифати, маданият ва санъатнинг ривожига алоҳида эътибор берди. Зотан, юксак маънавий маданият ва санъатсиз, миллий қадриятларни янада юқори босқичга кўтармасдан туриб, янги жамиятни, янги ижтимоий-тарихий муносабатларни ва янги дунёқарашни барпо этиш мумкин эмаслиги аён бўлди.

«Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ, — деб ёзади И. Каримов, — аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашни ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз»¹.

¹ Каримов И. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997. 137-бет.

Ўзбекистонда янги маънавий-ғоявий йўналишларнинг шаклланиши ўз навбатида, замонавий санъатнинг барча соҳаларига самарали таъсир этиб, ижодий изланишлар доирасини кенгайтириб, бадий тафаккур ривожини янада жадаллаштирди. Тарихий, маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятларнинг кенг қатламларини қайта идрок этиш ғоялари, янгиланиш тамойиллари меъморлик, тасвирий ва амалий безак соҳаларида, мусиқа ва томоша санъатларида, бадий ва ҳужжатли кино ҳамда телевидение тизимида яққол намоён бўлмоқда.

Маълумки, ҳар бир миллатнинг буюклиги унинг маданияти ва санъати қай даражада ривожлангани билан белгиланади. Ўз навбатида, давлатнинг маданият ва санъатга бўлган муносабати жамиятнинг ривожланиш даражасини аниқлайди. 90-йилларнинг бошларида юзага келган мушкул ўтиш даврида юртбошимиз сайъ-ҳаракатлари билан ёш мустақил давлатимизнинг қатор санъат соҳаларига ҳомийликни ўз зиммасига олгани — санъатнинг ижтимоий феномен сифатида ривожланишига ҳамда миллий бадий тафаккурнинг кейинги тараққиётига асосли замин яратиб берди.

Миллий санъатимиз соҳаларнинг сўнгги ўн йил давомида самарали ривожланиб келиши биринчи навбатда — давлат томонидан кўрсатилган ғамхўрлик ва иқтисодий-ҳуқуқий чора-тадбирлар натижасидир.

Ижодкорларнинг шўровий давр мафкураси тазйиқидан озод бўлиши ҳамда эркин ва мустақил бадий ғояларнинг илгари суриллиши — мустақиллик шарофати билан кириб келган улкан сиёсий-ижтимоий ислоҳотлар билан белгиланади.

Бу жараёнларнинг мантиқий натижаси ўлароқ санъатнинг ижтимоий мавқеи ортиб борди (халқ амалий санъати соҳасидаги имтиёзлар, «Ўзбектеатр» бирлашмаси, «Ўзбеккино» Давлат акционерлик компанияси, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон бадий академиясининг ташкил этилиши, Халқ устаси унвони, Камолуддин Беҳзод номидаги Давлат совринининг таъсис этилиши ва б.).

Шу билан биргаликда мустақиллик даври санъатида қатор бадий-ижодий тамойиллар ҳам ажралиб туради. Бу — авваламбор санъат соҳаларида ижодий эркинликнинг қарор топгани, аввалги босқичларда маълум сиёсий-мафкуравий сабабларга кўра таъқиқланган мавзуларнинг (сиёсий қатағонлар, айрим тарихий воқеалар ва шахслар фаолияти каби) ёритила бошлагани, ғоя ва талқин, қаҳрамон концепциясига давр нуқтан назардан холисона ёндашувда кўзга ташланади. Янги ижодий-услубий изланишлар ўзанида бадий воситалар алоҳида ўрин тутадилар. Айтайлик, 70—80-йилларда санъат асарларида давр қаҳрамонлари сифатида муайян стереотиплар (шшлаб чиқариш илғорлари, қишлоқ хўжалиги донгдорлари, жамоа ва ташкилот раҳбарларининг ҳеч бир нуқсондан холи образлари) шаклланган эди. Мазкур даврда ижодда ижтимоий буюртма ҳукмронлик қилгани сабабли, кўп ҳолларда юзаки образлар, сохта ғоя ва омиллар ягона бадий ечим сифатида таклиф этиларди. Бугун, мустақил давлатимизнинг асосий маънавий-мафкуравий тамойиллари шаклланган бир паллада, давр қаҳрамонини мукамал акс эттиришда асосий тамойил — юксак бадийлик бўлмоғи шарт.

Ўзбекистон мустақилликка эришган тарихий дамларда ўз даври ва томошабини билан жонли, рўйи рост алоқа қила олиш, миллат ҳаётининг муҳим бўғинларида кечаётган ислоҳотлар жараёнини, мавжуд муаммоларни мўлжалга ола билиш имконияти санъатни ижтимоий ҳаётнинг олдинги қаторига суриб чиқара бошлади. Маънавий меросни қайта тиклаш, миллий маданиятни англаш жараёнлари санъаткорлар эътиборини — узоқ ва яқин ўтмишдаги Ватан тарихи, уну-

тилаёзган қадриятлар қатламига, бир вақтлар қатағон этилган мавзулар ва шахсиятларга жалб этди. Сўнгги ўн йилликда кечган ижодий жараёнларда тарихий мавзунинг етакчилик қилгани ҳам ана шундандир.

1991—2001 йиллар давомида Ўзбекистон санъати мураккаб ва серқирра ривожланиш йўлини босиб ўтди. Умум тарихий миқёсда ўн йил албатта қисқа лаҳзадек туюлсада, давлатимиз тақдирида юз берган туб тарихий бурилишлар миқёси асрларга татигуликдир. Бугун миллий санъатимиз умумжаҳон бадий манзарасининг ажралмас ва ўзига хос бўғини сифатида мавжуддир. Санъатнинг анъанавий турлари (томоша санъатлари, мумтоз мусиқа, ҳунармандчилик соҳалари) билан бир қаторда Шарқ ва Ғарб маданиятлари уйғунлашувини намоён этувчи санъат шакллари (рангтасвир, графика, эстрада, кино, телевидение) ҳам тўлақонли ривожланди.

Халқимиз меъморияти чиндан ҳам мавқеъ ва моҳият эътибори жиҳатидан буюк бунёдкорлик санъатидир. Мустақиллик йилларида кўҳна Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган тантаналарда халқимиз меъморий салоҳиятининг маҳсули бўлмиш шаҳарларнинг беқиёс жамолли фахруғурур билан жаҳонга яна бир бор намоиш этилди. Умумхалқ тантаналар аждодаларнинг асрлар давомида бунёд этган ажойиб меъморий мерос замирида бўлиб ўтди. Халқ даҳоси яратган меъморият санъати дурдоналари жаҳон маданияти ҳазинасидан муносиб ўрин олганлиги намоён бўлди.

Истиқлол даврида шаҳарлар меъморлиги янада такомиллашди. Пойтахтга файз бахш этган бир қатор маъмурий ва жамоатчилик бинолари замонавий шаҳар қурилиши учун мос муҳитни шакллантиришда, сифат жиҳатидан янгича ёндашувларга далил бўла олади.

Янги қурилишлар силсиласида Ўзбекистоннинг меъморлик амалиётида икки асосий йўналиш кўзга ташланади. Улардан бири Темурийлар музейи, Олий Мажлис, Тошкент шаҳар ҳокимияти биноларида ёрқин акс этган шарқона меъмориятининг анъанавий қонун-қоидаларини давом эттириш бўлса, иккинчи йўналиш — «Интерконтинентал», «Шератон» меҳмонхоналари бинолари мисолида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан ўрин олишга бўлган интилишини намоиш этувчи жаҳон меъмориятининг энг янги ютуқларидан фойдаланишга мўйилликда намоён бўлади. Бу иншоотларда қурилиш ва дизайн соҳасидаги энг янги жаҳон технологияларининг Марказий Осиё меъморлиги учун анъанавий, унинг мумтоз намуналарига хос бўлган хусусиятлари уйғунлашган бўлиб, у Ўзбекистон меъморлиги учун истиқболни белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Маҳобатли санъат ўзининг функционал вазифасидан келиб чиққан ҳолда, биринчи бўлиб жамиятдаги ўзгаришларга нисбатан ўз муносабатини билдиради. 90-йилларда яратилган миллий санъат ва маданиятнинг буюк арбоблари ва тарихий шахсларга бағишланган қатор маҳобатли санъат асарлари муҳим аҳамият касб этади. Зеро, миллий ғоя ва мафқуранинг шаклланиш жараёнида ватанпарварлик ва фуқаролик бурчларини намоён этувчи санъат соҳасига айланди.

Маҳобатли ҳайкалтарошлик усталари ижодини ижтимоий жамият буюртмаси асосидаги асарлар ташкил этса, дастгоҳли ҳайкалтарошлик санъатида эса кўпроқ индивидуал, шахсий қирралар намоён бўлади. Миллий мавзунинг анъанавий реализм ёки пластик авангардлик ечими билан ҳамоҳанглиги — Ўзбекистон дастгоҳли ҳайкалтарошлигининг бугунги ҳолатидир. Уни услуб ва ашёларнинг хилма-хиллиги ва мавзуларнинг йўналиши (миллий байрамлар, тарихий ва эпик персонажлар, анъанавий маданият рамзлари) ёрқин ифодалайди. 90-йиллар бошида инқирозни бошидан кечирган дастгоҳли ҳайкалтарошлик ҳозирда бадий кўرғазмаларда кенг кўламда намоиш этилмоқ-

да. Ҳайкалтарошларнинг услубий ечимларини ўзига хос тарзда ифода этиши ҳамда томошабинлар томонидан улар асарларига бўлган қизиқишнинг ортиши, ушбу санъат соҳасининг келажак тараққиётидаги ривожини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бирига айланди. Шу билан бирга бу соҳанинг қатор муаммолари мавжуд. Масалан, декоратив Ҳайкалтарошликка кам аҳамият берилмоқда. Пировард натижада Ҳайкалтарошлик ҳамда ноанъанавий кулолчилик асарларини шаҳар муҳитида, боғ ва ҳибонларида ўрнатиш каби йўналиш ривожига муаммоли соҳалардан биридир.

Рангтасвирда бадний жараён шиддатли ва ёрқин кечади. 1990-йилларга онд рангтасвир санъати турли услублар кўламининг кенглиги билан намоён бўлди. Академик реализм мактаби ўз мавқеини сақлаган ҳолда, кўпроқ ноанъанавий услублар, яъни мажозий-ассоциатив асарлардан тортиб инсталляция ечими тарзида бажарилган асарлар устун келиши кузатилади. Агар 70—80-йилларда Ўзбекистон рангтасвири ривожига миллий ўзига хослик соцреализм услубидаги изланишлар билан белгиланган бўлса, 90-йиллар услуб ва йўналишларнинг кенгайиши ҳамда ижодий эркинликнинг тараннуми билан изоҳланади. Рассомлар борлиқни ўз ижодий дунёқарашлари орқали ўзига хос тарзда ифода этишлари, бадний жараён ривожига рассом шахсининг ўрни аҳамиятли бўлганлигидан далолат беради. Ҳозирда 70—80-йилларда тамал тоши қўйилган ва миллий рангтасвир мактабининг ўзига хос услуби сифатида намоён бўлган декоративизм билан ёнма-ён, турли авангард йўналишлар ҳамда миниатюра талқини услуби ҳам кенг ривож топмоқда. Ўзбекистон замонавий рангтасвир санъатининг асосий тамойиллари услубларнинг кенг кўламлилиги ҳамда юқори ва чуқур ижрочилик маҳорати, образлар мазмундорлигини сақлаган ҳолда, реалистик анъаналардан тортиб, авангардлик йўлидаги изланишларгача намоён бўлади.

Бадний услубиятнинг бу каби ранг-баранг тўпламаси янги тарихий воқеалик туфайли юзага келди. Бу воқеалик сўнгги ўн йилликда пластик ва фалсафий ғояларни эркин ифода этиш имкониятини яратди.

Ўзбек халқи — беқиёс бадний мерос ворисидир. Айниқса, бетакрор истеъдоди амалий безак санъати соҳасида, яъни кулолчилик, каштачилик, тўқимачилик, наққошлик ҳамда ёғоч ва ганч ўймакорлиги, кандакорлик, заргарлик санъати турларида ёрқин намоён бўлган. Асарлар давомида халқ усталари томонидан яратилган ноёб буюмлар, халқнинг маиший ҳаёти билан боғлиқ ҳолда унинг эстетик ва маънавий эҳтиёжларига ҳам жавоб бериб келган.

Ўзбекистон халқ бадний ҳунармандчилиги ва амалий безак санъати ривожига Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларининг бениҳоят моҳияти каттадир. Чунончи, 1997 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган «Халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигининг келгусидаги ривожини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари тўғрисида»ги фармони жорий этилди. Бу фармонга мувофиқ, уй шароитида юксак савиядаги бадний буюмлар ишлаб чиқараётган халқ усталарига жойлардаги ҳокимликларнинг амалий ёрдамлари муҳим вазифалардан бири сифатида кўрсатилган. Ҳунармандларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида улар беш йилгача даромад солиғидан озод қилиниб, республикадан четга чиқариладиган халқ ҳунармандчилиги буюмлари учун бож олиш бекор қилинди. Фармонда халқ бадний ҳунармандчилиги ва амалий санъат соҳасининг асосий турлари белгилаб берилди, улар орасида — ёғоч ва ганч ўймакорлиги, кулоллик, гиламдўзлик, кандакорлик, заргарлик, ёғоч ва сополдан ясаладиган ўйинчоқлар ва б.

Мустақиллик йилларида амалий безак санъати соҳасида ижод этаётган усталарнинг ижтимоий мавқеи сезиларли даражада юксалди. Ўзбек халқининг миллий қадриятларини асраб-авайлаш, амалий безак санъати соҳасидаги унутилаётган анъаналарини тиклаш ва тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, республикада «Халқ устаси» унвони таъсис этилди ва Ўзбекистон Бадий академияси томонидан бир қатор соҳа усталарига академик унвони берилди. Шунингдек, Наврўз, Мустақиллик байрамларига бағишланган халқ усталарининг савдо кўرғазмалари уюштирилмоқда, бир қатор ижтимоий жамғармалар ва ташкилотлар очилди.

Эътироф этиш керакки, сўёҳлик ривожини ҳамда очиқ сиёсат шароитида халқ ижодиёти намуналарини ишлаб чиқариш бозори шаклланди, ҳунармандчилик маҳсулотлари соғва бозорининг негизини, яъни «артбизнес» (санъат тижорати)нинг асосини ташкил этди. Лекин, бу ҳолат маълум салбий хусусиятларга ҳам эга. Негаки, тарихан шаклланган анъанавий буюм тижорат мақсадларида эклектикликка мойиллик кашф этади: моҳиятнинг саёзлашуви ва сохта ададланган (тиражланган) бозорбоп намуналарнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Замонавий амалий безак санъати тараққиётида асосан: XIX аср охири — XX аср бошларига оид мумтоз қонун-қондаларини давом эттириш билан бирга, жамоғвий ечим натижаси бўлган анъанавийликни сақлаш ҳамда муаллифлик фаоллигини ошириш тамойиллари кузатилади.

Сўнги ўн йиллик мобайнида азалий миллий-маданий қадриятларни тиклаш билан биргаликда бадий-музиқий меросимизни атрофлича ўрганиш ва ундан баҳраманд бўлиш учун етарлича имкониятлар вужудга келди. Эндиликда аввалги тарихий босқичларда юзага келган мафкуравий тазйиқ туфайли унутилаётган ўзига хос миллий музиқий анъаналар қайта тиклана бошлади. Турфа маҳаллий анъаналар, музика ижодиёти дурдоналари қайта жонлана бошлади.

Музика санъати республикада ижтимоий-сиёсий маданий-маънавий ҳаётида кечаётган туб ислохотлар билан боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Аввалам бор, кўп асрлик миллий музиқий меросимизга эътибор ортдики, бу ўз навбатида музиқий мерос намуналарининг мукамал маънавий-ижтимоий тафаккурни, ёш авлод дунёқарашини шакллантиришда, қолаверса, халқимизнинг ўзлигини англаш жараёнидаги аҳамияти беқиёс эканидан далолат беради. Айтиш керакки, музика санъатининг ҳар томонлама ривожига, унинг барча анъанавий ва замонавий кўринишлари тараққиётига давлат томонидан алоҳида эътибор берилмоқда.

Президентимиз ва республика ҳукумати томонидан кейинги йилларда қабул қилинган Фармон ва Қарорлари («Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида (1996), «Ўзбекистон — ватаним маним» кўшиқлар байрамини ўтказиш тўғрисида (1996), «Республикада музиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида» (1996), «Ўзбекистонда эстрада санъатини янада ривожлантириш тўғрисида (2001) ва б.) миллий музика маданиятининг юксалишига қаратилган. Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивали (1997, 1999, 2001) ва Тошкентда халқаро симфоник музика фестивалининг (1998, 2000) ўтказилиши, 1995 йилдан бошлаб Тошкентда «Илҳом — XX» халқаро замонавий камер музикаси фестивали, 1996 йилдан мунтазам равишда «Ўзбекистон — ватаним маним» кўшиқлар танловининг ташкил этилиши, «Офарин», «Она Замин», «Ниҳол» совринларининг таъсис этилиши республика музика маданиятини янада жонлантирди. Композиторларимиз, бастакорларимиз томонидан яратилган турли жанрлардаги музика асарлари хорижий давлатлар саҳналарида ҳам муваффақият билан ижро

қилиниб келмоқда. Қатор ёш ижрочиларимиз Халқаро танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Мазкур даврда анъанавий мусиқа маданияти билан бир қаторда, бастакорлик, композиторлик ижодиёти, эстрада ижрочилиги ҳам ўзига хос ривожланиш тамойилларини кашф этди. Иттифоқо, мазкур соҳалар халқимизнинг эзгу амаллари ва азалий қадриятларига дахлдор янги мавзулар билан бойиб борди. Бу даврга онд қатор асарларда мавзу ва шакл, ифода борасидаги изланишларнинг ижодий доираси аста-секин кенгайиб борганини, одаму олам муносабатларини, мавжуд қадриятларни турфа усулда англашга интилишнинг кучайганини кутатиш мумкин.

Хукумат томонидан амалга оширилган қатор ташкилий тадбирлар, маданий, ижтимоий-маънавий соҳалардаги эврилишлар натижасида миллий эстрада соҳасидаги ижодий жараёнлар ҳам мазмунан, ҳам моҳиятан янгиланиб бормоқда. Кенг ижтимоий қатламларда, хусусан ёшларимизнинг маданий-маънавий камолотини, эътиқод мезонларини шакллантиришда, айниқса ғоявий-бадий тафаккурига таъсирчанликда оммабоп эстраданинг салмоғи бешакдир.

Сўнгги ўн йиллик ўзбек эстрада мусиқасида жанр-мавзувий, услубий жиҳатдан мураккаб изланиш жараёни бўлди. Албатта, бу жараён ўз ички қонуниятларига эга бўлиб, ўзига хос юксалиш ва қўйи онииш тамойилларини намоён этди. Айрим Ғарб ва Шарқ маданиятига юзаки тақлид қилиш тамойиллари билан бирга чинакам миллий бадий услуб даражасига қадар юксалган намуналар ҳам намоён бўлади.

Бугунги воқелик ҳамда ўз томошабинлари билан бўлган жонли ришталар театр санъатини ижтимоий ҳаётнинг олдинги сафига олиб чиқди. Зеро, саҳна асосий умумбашарий муаммоларни ўзида мужассам этди. Замоनावий саҳна аввалги босқичлардан фарқли равишда бой ва ранго-ранг халқ бадий меросини ўзига сингдирди. Фольклор, этнография, урф-одатлар ва диний маросимлар, анъанавий томошалар, мумтоз шеърят каби соҳалар театр ижодкорларининг диққат марказида бўлди. Мазкур изланишлар ўзбек театрининг эстетикасини янада бойитди, шунингдек, янги шакл, образлар ғоявий ечимларининг пайдо бўлишини жадаллаштирди.

Режиссёр, драматург ва актерлар жамоасининг муштарак ғоявий-эстетик қарашлари асосига қурилган ҳамкорлик театр тараққиётига хизмат қилишга қаратилди. Драматургия ва театр, театр ва томошабин муносабатларига алоқадор муаммолар аста-секин ўз ечимини топа бошлади. Бадий ғоя ва ижро ички зиддиятлар замирида ўзлигини англашга, ижтимоий манфаатлардан келиб чиқиб, ўз ўрнини белгилашга интилаётган психологик образлар ва ҳолатлар миллий театрда намоён бўла бошлади.

Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбек театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони (1998) ва Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташқил этиш тўғрисида»ги қарор миллий театр санъатининг истиқболини белгилаб берди.

1991—2001 йиллар театр амалиётида ўзбек режиссурасининг янги авлоди шартли-мажозий образлилик ва «жонли актёр» театрлари ғоясини уйғунлаштирди. Драма театрида саҳна пластикаси, хореография унсурлари ҳамда тасвирий-мусиқий ифода воситаларини кенг қўллашга интилиш кузатилади. Мазкур даврда мусиқали театрда, хусусан опера, балет жанрларида кутилмаган драматик ечимлар намоёиш қилинмоқда. Томошабинни ўз виждони билан юзма-юз қўйиб, маънавий зиддиятлар гирдобида ўзлигини излаш ва англашга, жамиятда ўз ўрнини белгилаш истагига йўлловчи спектакллар замона-

вий театр тараққийетини таъминловчи муҳим омиллардан бирига айланди.

Сўнги йиллар театр режиссурасида яққол намоён бўлаётган асосий тамойил — сахнавий баённи одатий воқеанавислик қобидан халос этишга интилишда мужассам бўлмоқда. Режиссурада илгари сурилаётган жанр-услубий счимларнинг хилма-хиллиги, сахна-ифода воситаларининг мураккаблаша бориши ижро, драматургия, сценографияда ижодий изланишларни илдамлаштириб, имкониятлар доирасини кенгайтирди.

1991—2001 йиллар миллий сахнанинг хос аломатларидан бири — сахна маданияти даражасининг ошишидир. Замонавий театр инсонлар қалбига гўзаллик уруғларини сепувчи бадий ҳодисага айланиб, халқимиз маънавий ҳаётдан мустақкам ўрин эгаллади. Мазкур омил ёш томошабинларнинг театр санъати билан илк бор танишиш «макони» бўлган болалар ва қўғирчоқ театрларида кечаётганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Миллий ҳаёт қатламларини кенг ёритиш билан бир қаторда ўзбек театри санъаткорлари жаҳон театр санъатида кечаётган жараёнларни диққат билан кузатмоқдалар. Маълумки, ўзбек театри Шарқ ва Ғарб маданиятлари кесишувида мавжуд бўлиб, айнан шу икки маданий оқим ҳамоҳанглиги маънавий-этик ва бадий анъаналар ҳамда замонавий сахна янгиликларини тажриба орқали уйғунлаштиришнинг кенг имкониятларини очди.

1991—2001 йилларда ўзбек бадий кинеси кескин ижтимоийликдан бир оз чекиниб, маънавий-руҳий изланишлар қатламида гавдалана бошлади. Бу даврда яратилган фильмларни асосан икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳдаги фильмлар чуқур маънавий-таҳлилий талқинга эга бўлиб, асосан яқин ва узоқ тарихимизни қайта баҳолаш, шахс муаммосини янги давр нуқтаи назаридан идрок этиш масалаларига бағишланган. Бинобарин, «Буюк Амир Темури», «Имом ал-Бухорий», «Ўткан кунлар», «Ёлғиз ёдгор», «Отамдан қолган далалар», «Воиз» бадий фильмлари асосан тарихий мавзуга бағишланган. Бу даврда ҳаёт фалсафаси, мавжудлик муаммолари билан боғлиқ мавзулар билан бир қаторда таъсирчан мелодрама ва енгил комедия фильмларидан иборат иккинчи гуруҳ фильмлари — «этник кино» йўналиши ҳам ўз ривожини топа бошлади. «Темир хотин», «Абдуллажон», «Бомба», «Чимилдиқ» фильмлари фикримиз далилидир.

Кино санъатида 1991—2001 йилларда кечган бадий-ижодий жараёнлари таҳлили сўнги йилларда экранларга чиққан айрим асарларда бадий-эстетик дид танқислиги, замонавий мавзу ва қаҳрамон талқинидаги юзакилик, баённинг томошабин учун зерикарли, суст маромда кечиши ҳолатларини ҳам аниқлашга имкон берди. Бунинг асосий сабаблари миллий кинодраматургия муаммолари доирасида бўлиб, хусусан, сценарий танлашда мезонларнинг пасайиб кетгани билан боғлиқдир. Шунингдек, фильмлар намойиши (кинопрокат), ёш киномутахассисларни тайёрлаш, томошабин билан алоқани мустақкамлаш ҳамда кино соҳасининг молиявий ўз-ўзини қоплай олиш-олмаслиги билан боғлиқ муаммолар ҳам счимини кутмоқда.

Тарихимизни ўрганишга талаб бор экан, бу тарихни кино тасмаларида муҳрланган ҳужжатли фильмларга ҳам эҳтиёж ошмоқда. Истиқлол кинесолномасини яратишда ҳужжатли фильмларнинг ўрни беқийёсдир. Сўнги ўн йилликда яратилган ҳужжатли фильмларда таҳлилий мушоҳаданинг устулиги, инсон қалби ва тақдирига самимий муносабат кузатилади.

Ўзбекистон Президентининг 16 март 1992 йилги Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Телевидение ва Радиоэшиттириш Давлат Қўмитаси

сининг Ўзбекистон Телерадиокомпаниясига айлантирилиши ҳам катта тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Давр «ойнаи жаҳон» ижодкорлари олдига янги дунёқарашни шакллантириш билан боғлиқ масалалар, янгича турмуш ва тафаккур тарзини тарғиб қилиш сингари кўплаб вазифаларни қўйиши телевидение тизимига туб ўзгартиришлар киритиш заруратини тақозо этди. Шу сабабдан мавжуд муҳарририятлар янги ижодий бирлашмалар таркибида бирлаштирилди. Бу бирлашмаларнинг янги дастурларида миллий аудиториянинг маънавий, ғоявий ва интеллектуал камолотига катта эътибор берилди бошланди. Янги жамият қуришдек масъулиятли вазифаларни адо этиш йўлида маънавият ва маданият, иқтисодиёт, маиший ҳаёт, ахборот узатиш билан боғлиқ масалалар, сиёсий ва ижтимоий муаммолар янги талқин этила бошлади.

Республикада давлат тасарруфидаги «Ўзбекистон» телеканали (ТВ-1), «Ёшлар» телеканали, Халқаро кўрсатувлар телеканали (ТВ-4), Тошкент телеканали (ТТВ) ҳамда қатор вилоят телеканалларидан ташқари, «Камалак ТВ», «30 канал» ва бошқа хусусийлаштирилган телеканаллар фаолият олиб боради. Шунингдек, сўнгги йилларда кабели телевидение ҳам томошабинларнинг маданий хордиқ чиқаришлари учун хизмат қилмоқда.

Сўнгги ўн йилликда телевидение кўплаб янги жанрларни ўзлаштириб, томошабин эътиборини қозонмоқда. Ўзбекистон телевидениеси ижодкорлари томонидан тайёрланаётган телесериаллар, ҳужжатли ва бадий теле-видеофильмлар, ахборот дастурлари, турли мавзудаги кўрсатувлар, қатор қизиқарли шоу-дастурлар, телеўйинлар телетомошабиннинг маънавий-маданий тафаккурни доирасини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Муҳими, миллий телевидение юртимизда кечаётган туб ислохотларни кенг тарғиб этиш юзасидан самарали фаолият олиб бориб, улкан маънавий-маърифий мавқе касб этмоқда. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси тизимида тайёрланаётган бадий ва ҳужжатли-ахборот дастурлари, турли мавзудаги кўрсатувлар, видеофильмларнинг ғоявий-бадий савияси миллий истиқлол мафкураси мезонларига ҳамоҳангдир.

Кузатишлардан аён бўлганидек — бу даврда Ўзбекистон санъатининг барча турларида самарали тамойиллар кўзга ташланади. Утган даврлар санъатига хос анъаналарни давом эттирилиши билан биргаликда, янгиланган ижтимоий-сиёсий ва эстетик муҳит янги ижодий ғоялар, мавзулар ва бадий ечимларнинг юзага келишига туртки берди. Санъатнинг барча соҳаларида ижодий эркинлик етакчилик қила бошлади. Янги санъатнинг яралишида аввал ҳукмронлик қилган «соцреализм» ақидалари тазйиқидан халос бўлиш энг муҳим омиллардан бири бўлди. Бу жараён — меъморлик, театр, муסיқа, кино, тасвирий ва амалий санъатнинг ўзига хос ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, турфа йўсинда намоён бўлмоқда. Давлатимиз мустақиллиги билан боғлиқ долзарб мафкуравий вазифалар, ҳаёт ҳақиқати, миллий-маданий қадриятлар тизимига бўлган улкан эътибор санъат доирасидаги масалаларга янги ғоявий ёндашувларни шакллантирди.

Бугун биз мислсиз ҳодиса — санъатнинг яшариши ва яшнаши бошланаётган давомли жараён остонасида турибмиз. Кўз ўнгимизда Мустақил Ўзбекистоннинг янги санъати туғилиб келмоқда. Бу санъат мустақиллик йўлидан бораётган халққа муносиб бўлмоғи керак.

ХРОНИКА

РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНЫЙ СЕМИНАР «АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ДЕМОГРАФИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА»

27 июня 2001 г. состоялось очередное (второе) заседание Республиканского научного семинара «Актуальные проблемы демографического развития Узбекистана», организованного по инициативе Президиума АН РУз на базе Института экономики АН РУз и Центра изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр». Этот семинар организован в связи с десятилетием независимости республики, исходя из указаний Президента Республики Узбекистан И. А. Каримова о значимости развития демографических процессов и разработки научно обоснованных прогнозов динамики народонаселения и трудовых ресурсов для обеспечения полноценного социально-экономического развития страны.

На первом (апрельском) заседании семинара были рассмотрены вопросы влияния демографических процессов на социально-экономическое развитие Узбекистана. Второе заседание было посвящено проблемам демографической ситуации и динамике развития семьи в мишувшем столетии и за годы независимости Узбекистана.

Работу семинара открыл Президент Академии наук Республики Узбекистан, академик Б. С. Юлдашев. Он подчеркнул, что одним из важнейших факторов социально-экономического развития Узбекистана является реальная демографическая ситуация. Демография — многомерная наука, результаты исследований которой через методы корреляции могут быть использованы в любой отрасли народного хозяйства. Перспективные расчеты половозрастной структуры, численности трудоспособного населения и его экономически активной части позволяют прогнозировать необходимое число рабочих мест в сфере производства и учебных мест в сфере учебы, ввод нового жилья, детских дошкольных учреждений, организаций по социально-экономическому, медицинскому и культурному обслуживанию населения и т. д.

Только глубокое изучение демографических процессов по данным статистичности и материалам социологических исследований с применением современных компьютеров позволит ответить на конкретные вопросы, поставленные перед демографами, экономистами, социологами, психологами и другими специалистами и учеными Президентом республики И. А. Каримовым на заседании Межведомственного координационного совета, — о занятости трудоспособного населения, особенно молодежи, численности пенсионеров и необходимых средствах для их социального обеспечения, материальной поддержки женщин, находящихся в оплачиваемых отпусках по уходу за ребенком, и др. Это поможет спрогнозировать реальную картину изменения демографических процессов и динамику репродуктивного поведения семьи в ближайшей перспективе.

С основным докладом: «Демографическая ситуация и динамика развития семьи в Узбекистане» — выступила канд. экон. наук, зав. кафедрой «Демография» Национального университета Узбекистана М. Р. Бурнева. В целом динамику демографической ситуации она подразделила на три крупных периода. Первый — вторая половина XIX — начало XX в., второй — 1920—1990 гг. и третий — годы независимости нашей республики. На протяжении всех этих периодов в Узбекистане наблюдалось неоднозначное увеличение численности населения за счет естественного прироста.

Докладчик показала, как демографическая ситуация оказывает непосредственное влияние на формирование семьи и ее демографическое развитие, которые зависят от половозрастного состава населения, рождаемости, числа заключаемых и расторгаемых браков, положения женщины в семье и обществе. Семья занимает у нас высокое положение как в государстве, так и в обществе. Ныне в Узбекистане проживает свыше 5 млн. семей. Оценивая современную демографическую ситуацию и демографическое развитие семьи в республике, докладчик определила их как оптимальные.

В дискуссии по докладу выступили: из Института экономики АН РУз — ведущий научный сотрудник, доктор экон. наук, проф. Л. Максакова и докторант, канд.

экон. наук Н. Х. Рахимова; из Центра изучения общественного мнения — зам. директора, доктор географ. наук, проф. О. Б. Ата-Мирзаев; из Центра «Оила» — директор, доктор психол. наук, проф. В. Каримова, зам. директора, канд. пед. наук Д. Р. Халиков, зав. отделом «Медико-биологических основ семьи», канд. мед. наук М. С. Мелиева; из Центра «Соғлом авлод учун» — директор, доктор пед. наук, проф. О. М. Мусурманова.

Л. Максакова выразила согласие с мнением докладчика о том, что за годы независимости уровень рождаемости в республике приблизился к оптимальному, отвечающему интересам как семьи, так и общества. С учетом опыта других стран, прошедших в свое время через высокую рождаемость, Л. Максакова предложила всемерно поддерживать складывающиеся в Узбекистане демографические ориентиры населения на среднедетную семью.

О. Б. Ата-Мирзаев констатировал, что, судя по социологическим исследованиям Центра «Ижтимоий фикр», сегодня коренное население у нас не ориентируется на большое количество детей в семье. Сельское население собирается иметь трех-четыре детей в семье, а городское — двух-трех. Среди коренного населения проявляется сознательное планирование семьи, которое нельзя проводить односторонне. Здесь нужен индивидуальный подход к каждой женщине фертильного возраста с применением современных методов мировой медицины.

В. Каримова отметила, что надо уделять больше внимания семье как общечеловеческой ценности. Однако из данных проведенного социологического исследования видно, что не все юноши и девушки практически готовы к семейной жизни, в частности, отражается на динамике разводов. Поэтому надо углублять работу по широкой пропаганде знаний о семье среди молодежи, общественной значимости прочных семей и формирования здорового поколения.

Д. Р. Халиков и М. С. Мелиева говорили о роли медицины, применения современных видов контрацепций в целях сохранения и укрепления здоровья женщин детородного возраста.

О. М. Мусурманова отметила, что для формирования здорового поколения весьма важно сохранение национального генофонда и в этом немалую роль играет создание государственной структуры «Скрининг матери и ребенка». Особо отмечен тот факт, что социальная защита интересов людей, семьи, материнства и детей в суверенном Узбекистане проводится согласно международным правовым нормам и стала приоритетным направлением в деятельности нашего государства.

Н. Х. Рахимова остановилась на некоторых проблемах изучения семейного бюджета, что позволит, в частности, определить имущественное состояние семьи и достаточность капитала для развития предпринимательской деятельности как важного фактора социальной активности женщины.

Директор Института экономики АН РУз, академик А. Х. Хикматов, обобщая работу семинара, подчеркнул, что в научных разработках Института всегда уделялось много внимания проблемам развития, размещения и прогнозирования численности населения Узбекистана, источникам формирования, занятости и использования трудовых ресурсов, распределению их в важнейших сферах и отраслях народного хозяйства, выявлению незанятого населения и реального резерва трудовых ресурсов, подготовке кадров и трудоустройству молодежи, социальному статусу женщины и созданию условий для оптимального сочетания функций матери и работницы, формированию и функционированию рынка труда, системы социальных гарантий и социальной защиты населения.

В условиях все более широкого вхождения страны в рыночные отношения важнейшим направлением развития экономики является активизация инновационных процессов — внедрение новой техники и технологии, информационных систем, требующих подготовки кадров на качественно новом уровне. Кроме того, следует ликвидировать дефицит демографов разного профиля. В этой связи А. Х. Хикматов предложил пересмотреть планы вузов и научно-исследовательских организаций по подготовке кадров (бакалавров, магистров, аспирантов) по различным направлениям демографии и экономики труда.

Р. Муртазина

«МУСТАҚИЛЛИК — ЎЗБЕКИСТОН БУЮК КЕЛАЖАГИНИНГ ПОЙДЕВОРИ» МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

2001 йилнинг 7 сентябрида, Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Миллий университети базисида Ўзбекистон Фалсафа жамияти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети, Ўзбекистон Файласуфлари Миллий жамияти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг шонли 10 йиллигига бағишланган «Мустақиллик — Ўзбекистон буюк келажагининг пойдевори» мавзунда республика илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияни кириш сўзи билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети проректори, профессор Р. Ҳ. Муртозаева очди ва бошқариб борди. Конференциянинг Ялпи мажлисида тингланган Ўзбекистон Фалсафа жамиятининг раиси, академик С. Ш. Шермухамедовнинг «Мустақиллик — Ўзбекистон буюк келажакнинг пойдевори»;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, сиёсий фанлар доктори Н. Жўраевнинг «Мустақиллик — буюк ижтимоий-сиёсий қадрият»;

Тошкент молия институтининг ректори, академик М. Шарифхўжаевнинг «Мустақиллик ва унинг иқтисодий асослари»;

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор А. Х. Саидовнинг «Мустақилликнинг ҳуқуқий асослари»;

Ўзбекистон Файласуфлари Миллий жамияти раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор Қ. Н. Назаровнинг «Миллий истиқлол ғояси ва фалсафий тафаккурнинг янгиланиши» мавзусидаги сермазмун маърузаларида конференция кун тартибига қўйилган муаммонинг мазмуни ва моҳияти атрофлича ёритиб берилди.

Маърузалар бўйича музокаралар бўлди ва давра суҳбати ўтказилди. Музокара ва давра суҳбатида Ватанимизнинг турли шаҳарлари: Тошкент, Самарқанд, Нукус, Термиз, Қарши, Бухоро, Фарғона, Андижон, Наманган, Навоий, Жиззах ва бошқа шаҳарлардан келган таниқли олимлар қатнашишди ва ўз фикр, мулоҳазаларини билдиришди.

Конференцияда муҳокама этилган мавзу бўйича кўплаб назарий хулосалар ва амалий таклифлар берилди.

Ш. Б. Саматов

«ТАРИХ, МУСТАҚИЛЛИК, МИЛЛИЙ ҒОЯ» МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАНИ

Шу йилнинг 7—8 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази томонидан ташкил қилинган «Тарих, мустақиллик, миллий ғоя» мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани бўлиб ўтди.

Ушбу конференция Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган бўлиб, унинг долзарблиги тарих фани, миллий истиқлол ғоясини шакллантириш маданияти, таълим-тарбия соҳаларидаги вазифаларни самарали бажаришда турли имкониятлардан фойдаланиш ва амалий усуллари ишлаб чиқиш билан белгиланади. Бундай ёндашув барча ижтимоий фанлар мутахассисларининг мақсадли ҳамкорлигини талаб қилади. Шунинг учун ҳам ушбу анжуман ана шу хайрли мақсадни амалга оширишда, турли соҳа олимлари ҳамкорлигига эришиш йўлида қўйилган дастлабки қадам дейиш мумкин.

Конференция ишининг самарали ўтишига Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази томонидан нашр этилган уч жилдан иборат «Ўзбекистоннинг янги тарихи», «Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти» монографиялари, «Ўзбекистоннинг янги тарихи: концептуал-методологик муаммолар» мавзусидаги олдинги республика илмий-назарий конференция материаллари муҳим омил бўлди.

Конференцияга республикамиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор, ўқитувчилари ва илмий ходимлари таклиф этилди.

Конференция Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори профессор А. А. Азизхўжаев раислигида ўтди.

Конференцияда академиклардан С. Камолов «Қорақалпоқ халқининг давлатчилиги тўғрисида», Э. Ртвеладзе «Ўрта Осиё жанубининг негиз (субстрат) тили хусусида» деган ўз маърузалари билан қатнашдилар. Анжуманда 100 га яқин маърузалар тингланди.

Анжуманда ёш олимларга кенг ўрин берилди. Масалан, ёш олим М. Ботировнинг Хожа Аҳрор Вали таълимотига ва академиянинг аспиранти О. Жумаевнинг «Миллий мафкурада давлатчилик ғояси» маърузалари анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Конференция материаллари «Тарих, мустақиллик, миллий ғоя» номи билан алоҳида тўплам ҳолида нашр этилди.

Н. Норқулов

«ТОШКЕНТ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ БЕШИГИ» МАВЗУСИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Жорий йилининг 22 август куни пойтахт ҳокимлигининг катта мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб «Тошкент — миллий озодлик ҳаракати бешиги» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

эилди. Анжуман Тошкент шаҳар ҳоқимияти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих институти, Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан биргаликда ташкил қилиниб, унда мамлакатимизнинг етук тарихчи олимлари ва зиёлиларнинг 30 га яқин маърузалари тингланди. Бу илмий анжуманни ўтказишдан мақсад бир томондан пойтахт Тошкентнинг тарихи, Ватанимизнинг истиқлолга эришишидаги унинг тутган ўрнини кенг оммага етказиш бўлса, иккинчи томондан мустабид замонда шаҳар тарихининг рўёбга чиқмаган қирраларини юзага чиқариш, тарихий ҳақиқатни халқимизга етказиш, Тошкент тарихига кенг жамоатчилик ва тарихчи олимлар эътиборини тортиш эди.

Пленар йиғилишда академик А. Муҳаммаджонов, тарих фанлари доктори Д. Х. Зиёева, профессорлар С. Салимов, С. Аъзамхўжаев, Н. Қаримов, Тошкент Давлат ислом университети Фикҳ кафедрасининг мудирин А. Жузжонийларнинг маърузалари тингланди.

Анжуманда тингланган маърузалар «Тошкент мустақиллик йиллари»; «Қадимги Тошкент тарихи»; «Тошкентда миллий озодлик ҳаракати»; «Мустақиллик ва диний маънавий мерос» каби тўрт йўналишга тегишли бўлди.

А. Муҳаммаджоновнинг маърузаси «Қадриятларда қадимги Тошкент» мавзусига бағишланиб, унда Тошкент ҳудудида илк шаҳар маданиятининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи археологик, тарихий, этнографик ва топонимик маълумотлар асосида ёритилди. Айниқса, Тошкент ҳудудида ибтидоий маданият излари, илк деҳқончилик қишлоқларининг пайдо бўлиши, Шоштепа ва Мингўриқдаги қадимги Тошкент тарихи қизиқарли баён этилди. Маърузада Тошкентнинг қадимги номлари ва маҳаллаларнинг этимологияси, даҳалари, уларни бошқариш, шаҳарнинг кенгайиб, ривожланиб бориш жараёни ва ҳозирда Ватанимизнинг энг йирик саноат, илм-фан, маданият марказларидан бирига айланганлиги мукамал ёритилди. Маъруза анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Д. Зиёева маърузаси мустабидлик даврида Тошкент шаҳрининг Туркистон генерал-губернаторлигини маъмурий ҳамда мустамлакачилик сиёсатининг амалга оширишдаги марказга айлантирилиш тарихига бағишланди. Унда, айниқса, тошкентликларнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши кўтарган қўзғоловлари ва истиқлол йўлида олиб борган ҳаракатларни тарихига алоҳида эътибор берилди.

С. Салимов маърузаси Тошкентнинг мустақиллик йилларидаги иқтисодий-ижтимоий ва маънавий ҳаётида содир бўлган улкан ўзгаришларга бағишланди.

С. Аъзамхўжаев маърузасида 1917 йил ноябрида Туркистон мухториятининг эълон қилиниши ва 1918 йил феврал ойда большевиклар томонидан мустақиллик курашчиларини халқ душмани тамғаси билан қатағон қилинганлиги тўғрисида қизиқарли маълумотлар берилди.

Н. Қаримов маърузаси «Миллий иттиҳод» ва «Миллий истиқлол» ташкилотларининг миллий озодлик учун олиб борган кураши мавзусига бағишланди. Маърузада XIX аср охири — XX асрнинг бошларида Туркистонда миллий уйғониш ҳаракатининг пайдо бўлиши, ривожланиши тарихи борасида сўз юритилиб, «Миллий иттиҳод» ва «Миллий истиқлол» ташкилотларининг фаолиятига чуқур тўхталиб ўтилди.

Тошкент Давлат ислом университетининг Фикҳ кафедраси мудирини А. Жузжоний маърузаси «Миллий ва диний қадриятлар миллий ҳаракатимизнинг ажралмас қисмидир» мавзусига бағишланди. Маърузада ҳар бир миллатнинг миллий ва диний қадриятлари унинг такомил жараёнида юзага келиб шаклланиши ва аста-секин ривожланиб, миллий ҳаракатнинг ажралмас қисмига айланиб бориши ҳақида сўз юритилди.

«Тошкент — миллий озодлик ҳаракати бешиги» илмий-амалий анжуманида тингланган маърузалардан қуйидаги хулосалар қилинди.

Мустақиллик халқимизнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий соҳаларда халқ манфаатини кўзлаб, амалга ошириш ҳамда миллий, тарихий, маънавий, маданий, диний қадриятларни тиклаш имконини берди.

Тарихни билиш, тарихий қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларни авайлаб асраш, айниқса, ёшларимизда тарихий қадриятларга иззат, ҳурмат ҳис туйғусини шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Тошкент тарихини чуқурроқ ўрганиш, айниқса унинг ўрганилмаган жабҳаларига эътиборни қаратиш, тарихчи олимлар олдидаги муҳим масалалардан бири деб ҳисобланади.

Анжуманда, айниқса, мустақиллик йиллари пойтахтимиз ҳаётида содир бўлган туб ўзгаришлар ва унинг келажаги тўғрисида мулоҳазалар юритилди. Мустақиллик туфайли халқимизнинг маънавий, тарихий қадриятларининг тикланиши, жаҳон ҳам-жамиятига аъзо бўлиши, дунёдаги илм-фан, маънавият-маърифат, маданият соҳаларидаги илгор тажрибаларининг кириб келиши, мамлакатимиз, халқимиз ўзининг кела-жагини ўзи яратиши тўғрисида фикрлар билдирилди.

ЯНГИ КИТОБЛАР

С. ҒУЛОМОВ, Р. УБАЙДУЛЛАЕВА, Э. АҲМЕДОВ.
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН

(Тошкент: Меҳнат, 2001. 248 б.)

Муаллифлар С. Ғуломов, Р. Убайдуллаева, Э. Аҳмедовлар қаламга мансуб «Мустақил Ўзбекистон» номли китоб босмадан чиқди.

Ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилган ушбу китобнинг дастлабки бетларида муаллифлар республиканинг рамзий тинсоллари бўлмиш Давлат байроғи, Давлат герби матилари ва Давлат мадҳиясини бериб тўғри қилганлар.

Фикр юритилаётган китобда мамлакатимизнинг тарихан қисқа муддат — 10 йил ичида босиб ўтган ва асрларга тенг бўлган ажойиб йўли, ана шу давр ичида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида рўй берган улкан бунёдкорлик ишлари ифодаланган.

Китобда келтирилган бой ва сермазмун маълумотлар китобхон талаб-эҳтиёжига мос келадиган тарзда ва мантқан тўғри йўсинда ўз ифодасини топган. Бундай китобга республикаимиз доирасидагина эмас, балки жаҳон мамлакатларида ҳам эҳтиёж катта. Шунинг эътиборига олинадиган бўлса, китобнинг иккинчи ярми инглиз тилида ёритилганлиги мақсадга мувофиқдир.

Мазмун жиҳатидан китоб таркиби тўғри тузилган. Жумладан, унинг дастлабки бўлими мамлакатимизнинг табиий шароити ва табиий бойликларига бағишланганлигини ижобий баҳолаш лозим. Чунки мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси ва халқ фаровонлигини кўтаришда табиий шароит ва табиий ресурсларнинг моҳияти жуда катта.

Мамлакатимиз табиий шароит жиҳатидан жаниятмакон ўлка эканлиги, табиат бизга хилма-хил қазилма бойликлар — табиий газ, нефть, олтин, мис, қўроғошин, кўмир, вольфрам, қўйингки Менделеев даврий тизимидаги деярли барча элементларни ином қилганлиги ва улар республика ҳаёти, унинг келажаги учун қанчалик катта аҳамият касб этганини ишонарли далиллар билан исботлаб берилган.

Китобнинг «Ўзбекистон Республикасининг «маъмурий-ҳудудий тузилиши» деб аталган қисмида барча вилоятларга доир қисқа ва шу билан бирга китобхон учун зарур бўлган маълумотлар келтирилган.

Китобда муаллифлар мамлакатимиз аҳолиси ва демографик жараёнлар билан боғлиқ бўлган масалаларга катта ўрин берганлар. Чунки аҳоли моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи ва шу билан бирга уларни истеъмол қилувчи ҳамдир.

Демографик жараёнлар, яъни аҳоли сонининг ўзгариб туриши, Ўзбекистон шароитида ўзига хос хусусиятлари, туғилиш ва ўлим даражаси, аҳолининг жинси -ва ёш таркиби, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, ишсизлик каби масалаларга доир диққатга сазовор маълумотлар берилган. Мамлакат аҳолиси 25 миллионга етганлиги ва бу борада Ўзбекистон Марказий Осиёдаги бешта республикалар орасида етакчи ўриндалиги кўрсатиб ўтилган. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, унинг миллий таркиби, ҳудудлар бўйлаб жойлашиши, аҳолининг тармоқлар, давлат ва нодавлат соҳалари бўйича бандлиги ҳам яхши маълумотлар асосида ёритилган.

Китобда иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган ва бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги даврда саноат, қишлоқ хўжалиги тармоқлари тараққиёт даражаси билан алоқадор бўлган масалалар катта ўрин олган. Марказий Осиё республикалари орасида Ўзбекистон қатор иқтисодий имкониятларга эга эканлиги, ҳам саноат, ҳам қишлоқ хўжалиги тараққиёти бўйича кўзга ташланиб туриши, саноат тармоқлари таркиби такомиллашиб мустақкам мажмуага айланаётганлиги ва бозор иқтисодиёти талабларига мослашиб бораётганлиги етарли далилларда ифодаланган. Газ ва нефть саноати тараққиётида қўлга киритилган буюк ўзгаришлар ва ютуқлар, яқин-яқинларда ҳам катта миқдорда четдан нефть ва нефть маҳсулотлари олиб келаётган Ўзбекистон эндиликда бу маҳсулотларни четга чиқарадиган мамлакатга айланганлиги, нефть мустақиллигига эришганлиги каби улкан ютуқлар кўрсатиб ўтилган.

Саноатнинг яна қатор соҳаларида, жумладан машинасозликда рўй берган улкан силжиш жаҳонда автомобиллар чиқарадиган 28 мамлакатнинг биринга айланганлиги, Ўзбекистонда чиқарилаётган шинам автомобиллар экспортга чиқарилаётганлиги ифодаланган. Асака шаҳридаги «Ўз ДЭУ» заводи 2004 йилга бориб тўла қувват билан ишлай бошлаши ва йилига 200 минг автомобил чиқариши лозимлиги қайд этилган.

Мамлакат саноати устида гап борганда республикада рангли металлургия, кимё, енгил, озиқ-овқат саноатлари тараққиёти ва уларда эришилган ютуқлар ҳақида ҳам тўхтаб ўтилган.

Республика қишлоқ хўжалигида пахтачилик етакчи тармоқ эканлиги, шу билан бирга шоликорлик, боғдорчилик, узумчилик, ипакчилик, чорвачилик ҳам тараққиётганлиги кўрсатиб берилган.

Маълумки, андижонлик пахтакорлар ташаббуси билан чигитни плёнка остига экиш технологияси жорий этилди. «Андижон технологияси» деб аталган бу усул республикада пахтачиликни ривожлантиришда янги давр бўлиб қолганлиги ва у мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам кенг қўлланилаётганлиги таъкидланган.

Маълумки, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва аҳолининг турмуш даражасини кўтаришда транспорт асосини омиллардан бири ҳисобланади. Қудратли ва аниқ ишлайдиган транспорт воситаларига эга бўлмаган бирон-бир давлат самара билан ишлаши амримаҳол. Транспорт ҳам, саноат ҳам, қишлоқ хўжалигида турли хил маҳсулотлар яратиш ва уларни истеъмолчиларга етказишда фаол иштирок этади. Шуларни инобатга олиб, китоб муаллифлари бу масалага ҳам етарли эътибор берганлар.

Тақриз қилинаётган китобнинг диққатга сазовор яна бир томони шундан иборатки, унда республиканинг ижтимоий ва маънавий ривожланиши кенг ёритилган.

Муаллифлар: «Аҳоли турмуш фаровонлиги даражаси мамлакатнинг фақат иқтисодий тараққиёт даражаси билангина эмас, балки ижтимоий соҳалар тараққиёти даражаси билан ҳам ифодаланади. Ижтимоий соҳада давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсат эса барча аҳоли манфаатини кўзлайди. Ижтимоий соҳа тараққиётининг қай даражадалиги маълум жиҳатдан мамлакатдаги сиёсий ва психологик муҳитни аҳолининг умумий кайфиятини белгилайди» дейдилар (59-бет). Бу фикрларга қўшилмасликнинг иложи бўлмаса керак.

Мустақиллик йилларида ҳар томонлама камол топган ёшларни вужудга келтириш, истеъдодли йигит қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим қонда-фармонлар қабул қилинди. Бу ҳужжатлар орасида мамлакат Президенти Ислам Қаримов ташаббуси билан вужудга келган ва жаҳон тан олган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» алоҳида ўрин тутади ва унга миллий ғоянинг бир қисми деб қаралади. Шундан келиб чиқиб китобда бу масалага катта ўрин ажратилган. Янги турдаги ўқув юртлири — коллежлар, лицейлар, бизнес мактаблар, касб-ҳунар ўқув юртлири ташкил қилиш ва уларни юқори савияга кўтариш зарурлиги долзарб масала эканлигига эътибор қаратилган.

Китобда таълим тизимига ажратиладиган сарф-харажатлар даражаси Сўйинча Ўзбекистон жаҳоннинг етук мамлакатларига яқинлашиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилган.

Мустақилликнинг 10 йиллиги ичида спортнинг турли соҳаларини ривожлантиришда Ўзбекистон оламшумул ютуқларни қўлга киритди. Бу ютуқлар ўзбек кураши, бокс, теннис, каратэ, шахмат борасида айниқса улкан бўлди, қатор спортчиларимиз жаҳон чемпиони шохсупасига кўтарилдилар. Шуларни эътиборга олиб китоб муаллифлари бу масалаларни ҳам четлаб ўтмай, балки уларни аниқ мисолларда кўрсатиб ўтишган.

Китобнинг «Ўзбекистон ва жаҳон» деб номланган бўлимида ҳам сирмазмун ва қизиқарли маълумотлар келтирилган. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўзининг мустақкам ўрнини эгаллаганлиги, ўзи танлаган йўлдан оғишмай, ишонч билан олға бораётганлиги сиёсий-дипломатия жабҳасидагина эмас, балки ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳам жаҳон мамлакатлари билан алоқаларни кўзлаб иш тутатганлиги ҳам таъкидланган.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан олиб бораётган иқтисодий алоқалари ривожланиётганлиги, бундай алоқада иштирок этаётган давлатлар доираси кенгайиб бораётганлиги, ташқи иқтисодий алоқаларда муҳим ўзгаришлар рўй бераётганлиги ишончли далиллар асосида кўрсатиб ўтилган. Бунинг китобда келтирилган 8-жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг самарали йўллари орасида хорижий мамлакатлар иштирокида қўшма корхоналар ташкил этиш, халқаро туризм соҳасини тўғри йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш катта аҳамият касб этиши устида яхши фикрлар билдирилган, туризмга сарф қилинган маблағ бошқа соҳаларга қилинган харажатларга қараганда, ўзини тезроқ оқлаши мумкинлиги айтиб ўтилган.

Китобда келтирилган қатор жадваллар ва 23 та иловаларнинг ўзи бир олам, дейиш мумкин. Улар китоб мазмунини бойитган.

Китоб охирида «Хорижликлар Ўзбекистон ҳақида» деб номланган ва катта меҳнат туфайли тайёрланган 23-иловада мамлакатимиз, унинг Президенти, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, шаҳарларимизнинг гўзаллиги, халқимизнинг меҳнатсеварлиги борасида айтилган ажойиб фикрлар ўз аксини топган.

Хулоса ўрнида «Мустақил Ўзбекистон» китоби республика ҳаётининг кўп томонлама тараққиёти, эришган оламшумул ютуқларини ҳаққоний маълумотлар асосида ёритиб берилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Китоб фақат талабалар, илмий ходимлар, профессор-ўқитувчилар учунгина эмас ҳар бир оила учун зарур. Китобга чет тилларда ҳам талаб, қизиқиш катта. Шунинг эътиборга олиб, уни бошқа тилларда ҳам, жумладан, француз, немис, араб тилларида ҳам ва кўпроқ нусхада қайта нашр этиш фойдадан холи бўлмайди.

Р. Алимов

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ун йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрнк сўзи	3
Б. С. Йўлдошев. Ўзбекистон фани мустақиллик йилларида: натижалар ва келгусидаги долзарб вазифалар	6
А. Х. Саидов. Мустақиллик ва Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг шаклланиши, ривожланиши ҳамда истиқболлари	12
Н. Тўлаганова. Янги дунёвий тизимнинг шаклланиш жараёни ва унда мустақил Ўзбекистонни тутган ўрни	24
С. Шаропова. Мустақил Ўзбекистоннинг дипломатия муаммолари бўйича тадқиқотларнинг аҳамияти ҳақида	30
А. Х. Ҳикматов, Д. В. Гростянский. Ўзбекистон Республикаси иқти- содинётида бозор механизмининг шаклланиши	34
Ҳ. Р. Раҳмонқулов. Ўзбекистонни бозор муносабатларига ўтиш жараё- нида иқтисодий ислохотнинг ҳуқуқий асослари	44
Т. Н. Тодорова. Ҳаво флоти — Ўзбекистон мустақиллигининг рамзи	48
С. А. Салимов. Ташкент мустақиллик йиллари: иқтисодий-ижтимоий ри- вожланиш одимлари	52
С. Ш. Рашидова. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинлик- ларини ҳимоялаш ва уларга риоя қилишда Омбудсманнинг роли	55
М. Р. Бўриева, А. А. Саидов. Ўзбекистоннинг демографик вазияти ва оила	62
Р. Н. Забихўжаев. Ўзбекистон Республикасида аҳслининг ижтимоий ҳимояланиши	70
М. Х. Саидов. Ўзбекистон Республикасида олий таълимнинг ривожланиши	78
Х. Р. Жўраев. Мустақил Ўзбекистонда маданиятнинг ривожланиши	83
А. А. Ҳакимов, Н. Каримова. Мустақиллик даври Ўзбекистон санъати: ривожланиш жараёни	87

Ахборот

Р. Муртазиева. «Ўзбекистонни демографик ривожланишининг долзарб му- аммолари» мавзусида республика илмий йиғилиши	95
Ш. Б. Саматов. «Мустақиллик — Ўзбекистон буюк келажакининг пойде- вори» мавзусида республика илмий-назарий конференцияси	96
Н. Норқулов. «Тарих, мустақиллик, миллий ғоя» мавзусида республика илмий-назарий анжумани	97
«Тошкент миллий озодлик ҳаракати бешиги» мавзусида илмий-амалий анжу- ман	97

Янги китоблар

Р. Алимов. С. Ғуломов, Р. Убайдуллаева, Э. Аҳмедов. Мустақил Ўзбекис- тон	99
--	----

СОДЕРЖАНИЕ

Посвящается десятилетию независимости Республики Узбекистан

Приветственное слово Президента Ислама Каримова на торжественном мероприятии, посвященном десятилетию независимости Республики Узбекистан	3
Б. С. Юлдашев. Наука Узбекистана в годы независимости: итоги развития и очередные актуальные задачи	6
А. Х. Саидов. Независимость и формирование, развитие и перспективы национальной государственности в Узбекистане	12
Н. Туляганова. Становление нового мирового порядка и роль в нем суверенного Узбекистана	24
С. Шарапова. О значимости исследований по проблемам дипломатии суверенного Узбекистана	30
А. Х. Хикматов, Д. В. Тростянский. Формирование рыночного механизма в экономике Республики Узбекистан	34
Х. Р. Рахманкулов. Правовые основы экономических реформ в процессе вхождения Узбекистана в рыночные отношения	44
Т. Н. Тодорова. Воздушный флот — символ независимости Узбекистана	48
С. А. Салматов. Социально-экономическое развитие Ташкента в годы независимости	52
С. Ш. Рашидова. Защита прав и свобод человека в Республике Узбекистан и роль Омбудсмана в ее реализации	56
М. Р. Бурнева, А. А. Саидов. Демографическое состояние Узбекистана и семья	62
Р. Н. Забиходжаев. Социальная защита населения в Республике Узбекистан	70
М. Х. Саидов. Развитие высшего образования в Республике Узбекистан	78
Х. Р. Джураев. Развитие культуры в независимом Узбекистане	83
А. А. Хакимов, Н. Каримова. Развитие искусства в Узбекистане в период независимости	87

Хроника

Р. Муртазина. Республиканский научный семинар «Актуальные проблемы демографического развития Узбекистана»	95
Ш. Б. Саматов. Республиканская научно-теоретическая конференция «Независимость — фундамент великого будущего Узбекистана»	96
Н. Норкулов. Республиканская научно-теоретическая конференция «История, независимость, национальная идея»	97
Научно-теоретическая конференция «Ташкент — колыбель национально-освободительного движения»	97

Новые книги

Р. Алимов, С. Гулямов, Р. Убайдуллаева, Э. Ахмедов. Независимый Узбекистан	99
--	----

НАШИ АВТОРЫ

- Юлдашев Б. С.**— академик АН РУз, Президент Академии наук Республики Узбекистан.
- Рашидова С. Ш.**— академик АН РУз, Омбудсман Олий Мажлиса Республики Узбекистан.
- Джураев Х. Р.**— Министр по делам культуры Республики Узбекистан.
- Рахманкулов Х. Р.**— академик АН РУз.
- Хахимов А. А.**— академик АХ РУз, директор НИИ искусствознания Академии художеств Республики Узбекистан.
- Хикматов А. Х.**— академик АН РУз, директор Института экономики Академии наук Республики Узбекистан.
- Саидов А. Х.**— доктор юридических наук, директор Национального Центра Республики Узбекистан по правам человека.
- Салимов С. А.**— доктор технических наук.
- Буриева М. Р.**— кандидат экономических наук, доцент НУУ им. Мирзо Улутбека.
- Забиходжаев Р. Н.**— кандидат экономических наук, начальник управления Министерства труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан.
- Каримова Н.**— кандидат искусствоведения, ст. научный сотрудник НИИ искусствознания Академии художеств Республики Узбекистан.
- Саидов М. Х.**— кандидат экономических наук, начальник главного управления Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан.
- Тростянский Д. В.**— кандидат экономических наук, зав. отделом Института экономики Академии наук Республики Узбекистан.
- Туляганова Н.**— кандидат исторических наук, доцент УМЭД.
- Шарапова С.**— кандидат политических наук, доцент ТГИВ.
- Тодорова Т. Н.**— преподаватель ТГАИ.
- Саидов А. А.**— аспирант Республиканского научного центра по проблемам труда и социальной защиты населения.

ВНИМАНИЮ АВТОРОВ!

В соответствии с указанием ГКНТ РУз, к статьям, направляемым в наш журнал на русском языке, следует обязательно прилагать краткие резюме (до 5 строк машинописи) на узбекском и английском языках (каждое резюме — на отдельной странице). К статьям на узбекском языке следует прилагать резюме на русском и английском языках. Статьи без резюме редакцией не принимаются.

ПРОДОЛЖАЕТСЯ ПОДПИСКА

на журнал «Общественные науки в Узбекистане» на 2002 год.

Подписной индекс — 885. Периодичность издания — 6 номеров в год.

Подписка принимается всеми отделениями связи АО «Матбуот тарқатувчи».

ИНДЕКС 885